

Биз социализмга хос демократик формаларни изчиллик билан ривожлантириш, ўз-ўзини бошқаришни кенгайтириш йўли билан, яна ишлаб чиқаришда, фан ва техникада, адабиёт, маданият ва санъатда, ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида олға ҳаракат — қилишимиз мумкин. Фақат шундай йўлгина онгли интизомни таъминлай олади. Қайта қуришнинг ўзини ҳам фақат демократия орқали ва демократия туфайлигина амалга ошириш мумкин. Социализмнинг энг қудратли бунёдкорлик кучи — эркин мамлакатдаги эркин меҳнат ва эркин тафаккурга фақат шундай йўл билан кенг имконият очиб бериш мумкин.



(КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил Январь пленуми материалларидан)





Охунбобоев номидаги колхоз звено бошлиғи, Қахрамон она, область Совети депутаты Турдигул Худойбердиева.



Навой номидаги колхоз партия ташкилоти секретари Барот Қўшоқов ва республикада хизмат кўрсатган механизатор Даврон Умиров.



ПОЙАРИҚ КИШИЛАРИ

«Зарафшон гуллари» ашула ва рақс ансамбли республика кўрик-конкурсларида муваффақиятли иштирок этмоқда.

В. Мосин фотолари

БУРЖУАЗИЯ ИДЕОЛОГИЯСИ— ТАРАҚҚИЁТ ДУШМАНИ

Давра суҳбати



Эркин ЮСУПОВ,
 УзССР ФА академиги:

— Ҳозирги кунда икки система ўртасидаги мафкуравий кураш тобора кескинлашиб бормоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев партия XXVII съездида қилган Сиёсий докладыда ҳозирги замон буржуазия идеологиясининг асосий моҳияти ҳақида тўхтаб шундай деди: «Буржуа идеологияси — капиталга ва монополияларнинг фойдасига, авантюризм ва социал реваншга хизмат қилувчи идеология, истиқболсиз жамият идеологиясидир. Унинг йўл-йўриқлари: капитализмни ҳар қандай усуллар билан бўяб кўрсатишдан, унинг табиатан инсониятга зид ва адолатсиз эканлигини ҳаспўшладан, турмуш ва маданиятга оид ўз стандартларини тикиштиришдан, социализмни бутун чоралар билан қоралашдан, демократия, овозлик, тенглик, социал тараққиёт сингари кадрларнинг моҳиятини бузиб кўрсатишдан иборатдир».

Буржуазия идеологлари турли йўллар билан марксизм-ленинизм таълимотини сохталаштиришга, унга зид бўлган реформистик ва ревизионистик қарашларни кўкка кўтариб мақташга, КПССнинг тарихий йўлини, СССРда социализм қуриш тажрибасини, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасидаги муносабатларини бузиб кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар.

Буржуазия идеологиясидаги антикоммунистик ғоялар айниқса сўнгги йилларда авж олиб бормоқда. КПСС XXVII съезидан кейин ўтган давр ичида Ғарб мамлакатлари ва айрим Шарқ мамлакатларидаги реакция доиралар илмий социализм назариясига, жаҳондаги биринчи социалистик мамлакатга нисбатан уюштирилган бўҳтон кампаниясини кучай-

тирмоқдалар. Улар социалистик жамиятнинг моҳияти ва унинг имкониятларини сохталаштиришга, КПСС XXVII съезди белгилаб берган улғувор режаларни бажариш мумкинлиги ҳақида шубҳа туғдиришга уринмоқдалар. Бу тасодифий ҳол эмас, албатта. Буржуазия мафкурачилари ва бошқа реакция кучлар антисоветизм ва антикоммунизм ғояларини тарқатиш билан марксизм-ленинизм таълимоти, социализм қурилиш тажрибаси ва унинг сабоқлари бутун дунёга ёйилишига тўсқинлик қилмоқчилар. Шу йўл билан улар капитализмнинг тобора кескинлашиб бораётган ички ва ташқи зиддиятларини ҳаспўшлагга, омманнинг тинчлик, демократия, социал тараққиёт учун олиб бораётган курашини сусайтиришга, совет кишиларида социализм ва коммунизм истиқболига нисбатан умидсизлик кайфиятларини кучайтиришга уринмоқдалар. Шунинг учун ҳам улар бошдан-оёқ бўҳтондан иборат бўлган антикоммунизм ва антисоветизм ғояларини ўз мамлакатларидагина эмас, балки Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг ривожланаётган мамлакатларида ҳам кенг тарқатишга ҳаракат қилмоқдалар.

Мен шу йил февраль ойда бизга дўст бўлган буюк мамлакат Ҳиндистонда бўлганимда буржуа идеологлари бу борада қанчалик кенг кўламада иш олиб бораётганликларини ўз кўзим билан кўрдим. Улар сўнгги йилларда бизнинг мамлакатимизда рўй берган ҳар бир воқеани, айниқса Коммунистик партия ва совет халқи яқин ўтмишда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётимизда рўй берган нуқсонлар ва камчиликларни тезда тугатиш, қайта қуриш асосида мамлакат иқтисодий ва маданий тараққиётини жадаллаштириш учун олиб бораётган курашини бузиб кўрсатишга уринмоқдалар. Воқеаларни бир ёқлама кўрсатиш асосида улар жаҳон жамоатчилигида социализм ғояларига бўлган ишонч ва интилишни йўққа чиқармоқчилар. Бу ишдан кўзланган асосий мақсад ёш ривожланаётган мамлакатларнинг йирик империалистик давлатларга нисбатан бўлган иқтисодий ва сиёсий қарамлигини яна ҳам мустаҳкамлашга уринишдир.

Бизнинг мамлакатимизга қарши қаратилган мафкуравий курашда Урта Осиё республикалари ва Қозогистон ССР халқларининг тарихини, маданиятини сохталаштириш масаласи катта ўрин олмақда. Бу борада улар биринчи навбатда Урта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши билан боғлиқ бўлган тарихий воқеаларни бузиб кўрсатишга уринмоқдалар. Уларнинг кўрсатишича, гўёки Урта

Осиёнинг Россияга қўшилиши инглиз империалистлари томонидан Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларнинг босиб олинишига ўхшаган бир жараён эмиш. Шу йўл билан Урта Осиёнинг Россияга қўшилишидан келиб чиққан, маҳаллий халқларнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий тараққиётига ижобий таъсир этган воқеаларни инкор этишга, XIX аср охири ва XX аср бошларида ўлкада содир бўлган халқ кўзғолонларини ислом байроғи остида амалга ошган, рус халқига қарши қаратилган сиёсий ҳаракат деб таърифлашга уринмоқдалар. Шу йўл билан миллий-озодлик ҳаракатларининг социал-сиёсий моҳияти бузиб кўрсатилиб, унинг бутун Россияда рўй берган улкан революцион кураш билан боғлиқ эканлиги инкор этилмоқда.

Сўнгги йилларда Ғарб мамлакатларида эълон қилинган, антисоветизм руҳи билан сугорилган асарларда кўрсатилишича, маҳаллий халқлар учун социалистик революция ғояси бутунлай бегона бўлиб, улар фақат миллий-озодлик ва мустақиллик учун кураш олиб борган эмишлар. Шунга асосланиб, буржуазия мафкурачилари Урта Осиё меҳнаткашларининг Улуғ Октябрь социалистик революциясини тайёрлаш ва амалга оширишда фаол иштирок этганликларини инкор этмоқдалар. Бундай фикрлар тарихий ҳақиқатга мутлақо зиддир.

Сўнгги йилларда Урта Осиё республикалари ва Қозогистонда амалга оширилган социалистик қурилиш тажрибасини сохталаштириш учун олиб борилаётган кураш яна ҳам авжга чиқди. Уларнинг фикрича, Урта Осиё халқлари ўзларининг турмуш тарзи, эътиқоди ва тарихий анъаналарига кўра социалистик жамият қуриш ғояларини қабул қилишга ва унда иштирок этишга тайёр бўлмаган эмиш. Гўё социализм ғоялари уларга зўрлик билан тикиштирилиб, янги жамият қуриш асрлар давомида шаклланган турмуш тарзи, меҳнат малакалари ва ижтимоий муносабатларини оёқ ости қилиш асосида амалга оширилган эмиш. Бу ўринда улар ер-сув ислоҳоти ўтказилиши, йирик феодалларнинг чорва моллари ва яйловлари мусодара қилиниши, янги социалистик маданият ҳаётга кириб келиши, хотин-қизлар озодлиги, миллий давлат чегараланиши сингари инқилобий тадбирлар моҳиятини сохталаштиришга уринмоқдалар.

Буржуазия мафкурачилари Урта Осиё халқларининг маданияти, тили, урф-одатларини сохталаштиришга ҳам катта ўрин бермоқдалар. Уларнинг кўрсатишича, Совет ҳокимияти руслаштириш сиёсатини амалга оши-

риб, маҳаллий халқларнинг ўзига хос бўлган тарихий маданияти, тили, урф-одатларини йўқотаётган, уларнинг ўринини эса аста-секин рус тили ва маданияти эгаллаб бораётган эмиш. Агар ҳақиқатга назар ташласак, Урта Осиёдаги барча халқларнинг тарихий маданиятига тааллуқли бўлган прогрессив томонлар тўла сақланиб ва ривожланиб бораётганлигини кўрамиз. Бу маданиятлар, тил ва урф-одатлар, гарчи кўп миң йиллик тарихга эга бўлган бўлсалар ҳам, ҳеч вақт ҳозирги кундаги сингари кенг ривожланмаган эди. Бу ривожланишнинг имкониятлари, бир томондан, миллий маданиятларнинг ўз тараққиёти қонунилари билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, мамлакатимиздаги бошқа қардош халқларнинг маданияти билан яқинлашиш асосида яна ҳам кенгайди. Маданиятларнинг яқинлашуви кичик халқлар маданияти катта халқ маданиятига сингиб, ўз хусусиятини йўқотиб юборишини билдирмайди. Маданият борасидаги ҳамкорлик тенгликка асосланган миллий муносабатларнинг таркибий қисмидир. Демак, бу жараёнда ҳар бир маданият ўз хусусиятини сақлаган ҳолда бошқа миллатларнинг маданиятида мавжуд бўлган, тараққиётнинг ҳозирги босқичи майдонга келтирган маданий бойликлар ҳисобига ривожланиб боради. Бу жараён миллий маданиятлар ўртасидаги умумийлик ва яқинлик тобора кенгайиб боришига қарамасдан уларнинг ўзига хос бўлган хусусиятлари йўқолиб кетишига олиб келмайди. Миллатлар мавжуд экан, миллий маданиятлар ҳам мавжуд бўлади ва доимо ривожланиб боради.

Миллий тилларнинг ўзаро муносабати ҳақидаги буржуазия идеологларининг ғоялари ҳам бутунлай бўҳтондан иборатдир. Биз 120 дан ортиқ, турли тилларда сўзлашадиган миллатлар, халқлар мавжуд бўлган мамлакатда яшамоқдамиз. Улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар учун восита бўлувчи алоҳида тил бўлмоғи зарур. Рус тили бизнинг мамлакатимизда яшовчи миллатлар, халқлар ўртасидаги алоқалар ва муносабатларнинг амалга оширишга хизмат қилувчи тил сифатида майдонга чиқди. Бунинг сабаби, бир томондан, бу тилда мамлакатимиздаги аҳолининг кўпчилиги гаплашса, иккинчи томондан, у ўзининг ривожланганлиги ва ички имкониятларига биноан ҳамма халқлар учун ҳам мос келадиган алоқа воситасини бажариши мумкин. Мамлакатимизда рус тилининг роли ортиб бориши бошқа миллий тилларнинг кадр-қимматини ерга ураётгани йўқ, улар ҳам ўз ички

имкониятлари ва бошқа тилларнинг, биринчи навбатда рус тилининг таъсири остида ҳар томонлама ривожланиб бормоқдалар. Рус тили ҳам ўз навбатида бошқа тилларнинг таъсири остида яна ҳам кенгроқ ва чуқурроқ ривожланиш имконига эга бўлди.

Буржуазия «мутафаккирлари» мамлакатимиздаги динга нисбатан бўлган муносабатни сохталаштиришга ҳам умид боғламоқдалар. Уларнинг фикрича, СССРда ва бошқа социалистик мамлакатларда динга эътиқод қилиш эркинлиги йўқ бўлиб, диний урф-одатлар тақиқланган эмиш. Сўнгги йилларда улар ислом дини масаласини бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар. Уларнинг фикрича, СССРда бошқа динларга нисбатан ислом динини таъқиб қилиш кучайган. Улар ўзларича бунинг сабабини асослашга ҳам уриниб кўрмоқдалар. Гўёки, ислом дини СССРда кучайиб бориб, ислом миллатчилиги ўсишига олиб келаётган эмиш. Ислам миллатчилиги эса катта социал заминга эга бўлиб, СССРда яшовчи эллик миллиондан ортиқ аҳолини рус халқига, совет сиёсий тузумига қарши кураша оладиган кучга бирлаштираётган эмиш. Шу сабабли ислом миллатчилиги келажакда совет жамиятини ларзага солиши мумкин бўлган катта сиёсий куч сифатида шаклланиётган эмиш. Бу масалани улар СССРда рўй бераётган демографик жараёнлар билан боғлашга ҳам уриниб кўрмоқдалар.

Буржуа идеологиясининг ғоявий-сиёсий, синфий моҳиятини фож қилиш бизнинг муҳим вазифамиздир. Бу ўринда буржуа мафкурачилари ўртага қўйган фикрларни рад этиш билангина шугулланмасдан социалистик воқеликнинг, совет турмуш тарзининг афзалликларини бутун дунёда тарғиб қилмоғимиз зарур. Буржуа идеологияси ўсиб келаётган ёш авлодга нисбатан таъсир кўрсатишининг ҳам олдини олмақ, ғоявий тарбиявий ишларни ҳар томонлама кучайтирмоқ зарур. Контрпропаганда иши мамлакатимиздагина эмас, балки чет мамлакатларда ҳам олиб борилмоғи зарур. Чунки ривожланиётган ёш мамлакатларда ҳам социалистик тузумнинг афзалликларини, совет турмуш тарзининг моҳиятини, СССРда миллий муносабатларнинг ривожланиш тарихини ҳар томонлама ташвиқ қилмоғимиз зарур.

Идеология борасидаги кураш икки система ўртасидагина эмас, балки, бутун жаҳон миқёсида кечаётган сиёсий курашнинг таркибий қисми эканини асло унутиб бўлмайди.



Кўчқор ХОНАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор:

— Миллий тилларнинг эркин ривожланиши ва улардан тенг ҳуқуқ билан фойдаланиш муваффақиятли амалга оширилиши билан бир қаторда, совет халқлари ҳаётида яна бир принципиал аҳамиятга эга жараён

юзага келди: у ҳам бўлса, СССРдаги барча миллат ва элатларнинг ҳаётида рус тилининг ўрни ва мавқеининг тубдан ўзгариши бўлди. Рус тили мамлакатимиз миллат ва элатларининг умумий фикр алмашиш воситасига айланди. Бу нарса тўла равишда ихтиёрий тарзда амалга ошди ва ҳар бир совет кишининг, бутун миллат ва элатларнинг кундалик ҳаётида кун сайин янада муҳим роль ўйнамоқда. Шу сабабли барча совет кишилари икки тилни — ўз она тилларини ва миллатлараро алоқа воситаси бўлмиш рус тилини биладиган бўлиб қолдилар.

СССР миллат ва элатларининг иқтисодий ва маданий ривожланиши кун сайин тезлашиб бормоқда.

КПСС XXVII съезди жадаллаштириш стратегиясини партия ва халқимизнинг асосий вазифаси, деб ўртага ташлади. Жадаллаштириш эса фақат илму фаннинг, илгор техника ва технологиянинг энг янги ютуқларини ўрганиш, билиш ва ишлаб чиқаришга татбиқ қилишга боғлиқдир. Иккинчидан эса, жадаллаштириш стратегияси инсон омилнинг ҳаётиимиздаги, жамиятимиздаги мавқеини кўтаришга боғлиқдир. Иккала вазифа ҳам рус тилини эркин билишни талаб қилади, чунки рус тили — илгор фан ва техника тилидир. Инсон омили мамлакатимизда яшайдиган барча миллат ва элат вакиллари ўртасида янада кўп қиррали муносабатлар ўрнатилишини талаб қилади, демак, рус тилини мукаммал билишни талаб қилади.

Кўриб турибсанки, СССР халқларининг тил маданияти ўтган етмиш йил давомида сифат жиҳатидан янги бир поғонага кўтарилди. Бу ўзгаришлар уларнинг илк мақсад ва тилакларига монандир.

Лекин бундай вазият халқаро империализмнинг мақсад-режаларига жавоб бермайди. Улар жаҳон афкор оммасини чалғитмоқчи бўладилар, СССРдаги ижобий жараёнларни бузиб кўрсатишга уринмоқдалар. Қандай қилиб?

Биринчидан, СССРда миллий маданиятлар ва миллий тилларнинг эркин ривожланиши натижасида миллий онг ўсиб, рус бўлмаган халқлар орасида русларга нисбатан ғараз ва адоват ҳислари пайдо бўлмоқда эмиш. Бу, албатта, Ватанимиздаги ҳақиқий миллий муносабатларни бузиб кўрсатиш. Аслида эса республикалар, уларнинг маданияти ва маънавий ҳаёти ўсгани сари миллатлардаги, ҳар бир совет кишинидаги интернационализм ҳислари янада ўсиб бормоқда.

Иккинчидан, буржуа идеологлари фикрича, рус тили барча қолган миллий тилларни аста-секин сиқиб чиқармоқда эмиш... Бу — тухмат. Аниқ фактлар ва ҳаётий мисоллар бунинг тескарисидан далолат беради: СССРда тиллар орасида қарама-қаршилик йўқ, улар бир-бирларини тўлдирдилар, ўзаро ҳамкорлик қиладилар ва шу йўсин ҳар бир совет кишини энг мукаммал алоқа воситаси билан таъминлайдилар.

Учинчидан, мухолифларимиз уйдирмасича, рус тили ҳукумат томонидан барча миллат ва элатларни руслаштириш қуроли сифатида фойдаланилар эмиш... Руслаштириш сиёсати социалистик тузумга ёт нарсадир. Аксинча, социализм шароитида миллий республикалар, миллий маданиятлар ва миллий тилларнинг ҳар томонлама кўтарилиши натижасида миллат ва элатларнинг кўнгилли равишда ва аста-секин яқинлашишини бутун жаҳон кўриб турибди.

Демак, совет тузумини, жамиятимиздаги халқлар дўстлигини кўраолмайдиган унсурлар бизнинг эркин ҳаётимизга раҳна солмақчи бўладилар. Лекин ёлгон ёлгонлигича қолаверади, чунки кундалик ҳаётимиз буржуа мафкурабозларининг найрангларини фож қилади.



Раҳима АМИНОВА,
ЎзССР ФА мухбир аъзоси:

— Совет Шарқда миллий давлат чегараланиши ва совет социалистик республикаларининг барпо қилиниши ҳам Ғарб советологлари жон-жаҳди билан ёпишиб олган мавзулардан биридир.

Буржуа адабиётида Урта Осиё республикаларининг чегаралари гўё Урта Осиёда мавжуд бўлган «ягона туркий миллат»ни бўлиб ташлаш мақсадида сунъий равишда белгилаганлиги ҳақида асоссиз фикр кенг тарқалган. Чунончи, Э. Мортимер худди шундай тусмоллаб фикр юрилади. Унинг фикрича, иттифоддош республикалар — Ўзбекистон, Туркменистон, Қирғизистон, Тожикистоннинг ажралиб чиқиши, уларнинг миллий маданиятлари ва тилларининг ривожланиши гўёки, уларни «маданий қиёфа» ва «умумий исломга мансублигини англаш»дан маҳрум қилган эмиш. Большевиклар миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши ҳуқуқи принципини фақат сўздагина ёқлаб, аслида эса, бошқа халқларнинг «рус ҳукмронлигининг қайта тикланишига» қарши миллий интилишларини тугатишни ўз олди-ларига мақсад қилиб қўйган эдилар, деб А. Беннингсон ва М. Броксап унга жўр бўладилар.

Ваҳоланки, Урта Осиё тарихи «ягона туркий миллат» концепциясининг асоссизлигини тасдиқлайди. Инқилобгача бўлган даврда Урта Осиё халқлари миллий бирлашишдан узоқ бўлиб, ижтимоий тараққиёт даражаси ва ҳаёт тарзи бирмунча паст эди.

Октябрь инқилоби галабаси Урта Осиёда ўзбек, туркман, қирғиз, тожик, қорақалпоқ миллатларининг шаклланишига тўла имконият яратди. Урта Осиё республикалари тарихи шуни ишонarli тасдиқламоқдаки, совет халқи — миллатларнинг равнақи ва яқинлашуви, уларнинг сиёсий, ҳўжалик ва маънавий бир бутунлиги учун кенг имкониятлар яратиб берадиган янги тарихий жамият доирасида ташкил топиши маънавий-сиёсий бирлиكنинг шаклланишида муҳим бўгин бўлди.

Ленинча миллий сиёсат Урта Осиё халқларининг ўтмишдаги қоқоқлигини тугатиш жараёнини кескин тезлаштирди. Улар ўз тараққиётида катта сакраш қилдилар, юқори даражада ривожланган саноат, қишлоқ хўжалиги, халқ маорифи системаси, фан, адабиёт ва санъат яратдилар, қатор кўрсаткичлар бўйича юксак даражада тараққий этган капиталистик давлатларни орқада қолдирдилар.

Иттифоддош республикалар тарихини буржуа сохтакорлари ўзларининг қийишқ ойналарида бузиб кўрсатишга ҳар қанча уринмасинлар, улар кўзлаган мақсадларига эриша олмадилар. Чунки ёлгоннинг умри қисқадир.

Музаффар ХАЙРУЛЛАЕВ,
ЎзССР ФА мухбир аъзоси:

— Буржуа идеологиясининг марксизм-ленинизм назарияси ва амалиётига, коммунистик дунёқарашга қарши олиб бораётган курашида Совет мамлакатидagi оламшумул социалистик курилиш ютуқларини бузиб талқин этиш, сохталаштириш, уларнинг дунё меҳнаткашлари онгига ижобий таъсирини йўқотишга уриниш асосий ўринни эгаллайди.

Совет Урта Осиёси республикалари иқтисодий-сиёсий-маданий қиёфасининг 70 йил ичида тамоман ўзгариб кетиши, айниқса ажнабий Шарқ халқлари орасида бизга бўлган хайрихоҳлик, орзу-интилишнинг кучайиб бориши билан буржуа идеологларининг социалистик мафкурага қарши кураши ҳам борган сари кенгайиб, турли усул ва шаклларга кириб, авж олиб бораётганлиги қайд этиб ўтилди.

АҚШ, ГФР, Франция каби империалистик мамлакатларда Совет Урта Осиёсида социализм шароитида бўлиб ўтган ўзгаришларни маҳсус ўрганивчи марказлар ва мутахассислар вужудга келган, уларнинг асосий мақсади — социалистик ютуқларни сохталаштириш билан бирга, бу ютуқ-



ларнинг Урта Осиё халқларининг миллий-диний руҳига, маънавий бойлигига зид эканлигини исботлаш ва уларнинг шу асосда ҳеч қачон социализм, совет тузумини қабул қила олмасликлари ҳақида «башорат» қилишдан иборатдир.

Уиллер, Пайпе, Ривкин, Беннингсон, Сетон-Уотсон каби буржуа советшунослари бу ютуқлардан кўз юмолмаган ҳолда, тирноқ тагидан кир қидиришга, социализмнинг ривожланишидаги қийинчиликларни бўрттириб кўрсатишга, ҳамма масалани маҳсус проблемага айлантиришга уринадилар; иқтисодий, ижтимоий, маданий ўзгаришларни вақтинчалик, юзаки «тасодифий» қилиб кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Масалан, сўнгги йилларда ниҳоятда активлашиб кетган А. Беннингсон Ўзбекистондаги диний қолдиқларни ҳимоя этиш, сўфизм, миллий биқиклик аломатларини ковлаб топишга ҳаракат қиладди. Совет Урта Осиёсида ҳозирда ҳам «мусулмончилик» яширин ҳолда ҳукмрон эканлигини исботлашга интилиб, унинг коммунизм ғоялари билан ҳеч қачон келиша олмаслиги ва Урта Осиёда социализмни ривожлантиришга қаратилган Совет давлатининг ҳаракатлари беҳуда эканлиги ҳақида хулоса чиқаради. Ҳолбуки, халқимизнинг тил, санъат, миллий адабиёт, ахлоқ соҳасидаги ўзгаришлар Урта Осиё халқлари тасаввурида, онгида, дунёқаршида, ижтимоий ҳаётга бўлган муносабатида юз берган тубдан ўзгаришларнинг ифода-сидир. Бу туб ўзгаришлар янгича социалистик дунёқараш, марксча-ленинча дунёқараш принципларининг партияимиз, давлатимиз ва халқимизнинг кундалик амалий фаолияти туфайли халқ онгига сингиб кетиши, халқ онгида тантана этиши натижасида юзага келди. Совет Иттифо-

ференцияларнинг иши юзасидан нима деркин?

Буржуа советшунослари маданият ва санъат соҳасида ўз сафларини кенгайтириш учун ҳаракат қилаётдилар. Иложи борича бу ишга ҳар хил, масалан, турли тоифадаги шахсларни жалб қилишга уринаётдилар. Шунлардан бири муҳожир Якуб Мошеев бўлиб, у ўзбек театрларининг фаолияти ҳақида тўхматдан иборат мақола эълон қилди.

Бу мақолани адабий соҳадаги бош советшунослардан бири профессор Э. Оллуорт таржима қилиб, изоҳлар билан эълон этибди. Мен шахсан Оллуорт билан бир неча бор очик суҳбатда бўлиб ҳаёт, адабиёт, маданият юзасидан баҳсларда бўлганман. Ажабланарли бир жойи шундаки, бундан атиги бир неча йил муқаддам у Тошкентда бўлиб, ўзбек театрларида қўйилаётган асарларни кўрганидан хабардорман. Уша кезлари ўзбек театрлари ҳақида фикр сўраганимизда, бу хусусда анчагина ижобий фикрларни баён қилган эди. Энди ўз-ўзидан шундай савол туғилади. Унинг қайси бир фикри самимий экан?

Назаримда, ҳамма гап ниятнинг холис эмаслигида, ҳодиса ва фактларни нообъектив талқин қилишда, тўғридан эгри хулоса чиқаришда. Бу ҳамма советшуносларга хос умум хусусиятдир.



Аҳмаджон ЎЛМАСОВ,
иқтисод фанлари доктори,
профессор:

— Қисқа тарихий даврда тарқоқ ва ўта қолоқ ишлаб чиқариш йирик машиналашган индустриал асосга эга ишлаб чиқариш билан алмаштирилди. Республиканинг иқтисодий қиёфасидаги сифатли силжишлар жаҳон жамоатчилигининг диққати-га, айниқса ривожланаётган мамлакат меҳнатқашларининг эътиборига сазовор бўлмоқда. Шунинг ҳисобга олиб, социализм ғояси ва тажрибаси таъсирини камситиш мақсадида буржуа «советшунослари», жумладан Ўрта Осиё бўйича буржуа «мутахассислари» Ўзбекистон экономикасини ўрганишга ҳам катта эътибор беришмоқда. Уларнинг Ўзбекистон экономикаси тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари империалистик мамлакатларда кенг тарқалган неоконсерватизм ғоялари билан суғорилмоқда, республика экономикаси империализм стратегияси нуқтаи назаридан шарҳланмоқда. Буржуа муаллифлари асарларида республика экономикасига баҳо бериш ўзгариб туради. Агар илгари республиканинг иқтисодий ютуқлари инкор қилиниб келинган бўлса, эндиликда улар тан олинади, аммо экономика ривожининг сабаб-оқибатлари бузиб кўрсатилади.

Республикамизнинг иқтисодий ютуқлари ҳаммага аён. Шундай шароитда буржуа «мутахассислари» Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг асл сабабини яшироқчи бўлишади. Улар Совет ҳокимияти йилларида рес-

публика экономикасининг тез ва барқарор юксалиб боришини унинг ўтмишдаги ғоят паст даражаси билан изоҳлашади, гўёки индустриал тараққиёт нақадар паст даражадан бошланса, шунчалик иқтисодий ўсиш суръатлари баланд бўлади. Бу билан республиканинг иқтисодий юксалиши қандайдир умумиқтисодий қонуниятга бўйсундики, бунга кўра дастлабки паст даража ва тез суръатлар билан ўсиш ўртасида боғланиш бор эмиш, бинобарин, экономика ривожини жамиятнинг иқтисодий тузумига боғлиқ эмас эмиш (Ч. Уилбер). Мана шундай назарий ёндоғув асосида буржуа «советшунослари» социализмнинг Ўзбекистон экономикаси учун берган афзалликларини яшироқчи бўлишади. Аслида тарих тажрибаси кўрсатганидек, қолоқ халқлар экономикасининг тез ривожланиш истиқболларини фақат социализм бахш этади.

Экономикамиз ўсишини бузиб кўрсатишининг яна бир намунаси — бу геополитик ёндоғувдир. Унга кўра биз эришган иқтисодий ютуқлар республиканинг географик жойлашуvidан, унинг ҳарбий-стратегик аҳамиятидан келиб чиқар эмиш. Гўёки республиканинг хорижий Шарққа чегарадош бўлиши унинг иқтисодий ўсишига аҳамият бахш этар эмиш (Ф. Куи). Экономика ривожини ноиқтисодий омиллар билан тушунтириш аслини олганда ғоят катта англашилмовчилик, ўта гайри илмий изоҳ беришдир. Социалистик экономика ривожининг ўзига хос қонуниятлари борки, улар объектив, шу иқтисодий тузумнинг табиатидан келиб чиқади. Ижтимоий мулкчилик, экономиканинг планли ривожланиши, унинг халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилиши, иқтисодий ўсишдан ҳамма миллат ва элатларнинг баҳраманд бўлиши, эксплуатациянинг йўқлиги, меҳнатнинг ҳамма учун барабарлиги, меҳнатсиз даромаднинг инкор этилиши — буларнинг ҳаммаси иқтисодий тараққиётни ҳаракатга келтирувчи ички кучлардир. Мана шу афзалликлар туфайли республика экономикаси тез ўсиб борди. Буржуа муаллифлари иқтисодий ютуқларимизни камситишда қийинчиликларга дуч келиб, унинг оқибатларини бузиб кўрсатишга интилишади. Улар Ўзбекистон экономикаси аграр-колониал структурага эга, деб жар солдилар. Улар республика экономикаси бир тарафлама, яъни фақат пахтачиликка қаратилган, республика ўз-ўзини озик-овқат ва саноат маҳсулотлари билан таъминлашга қодир эмас, деб уқтиришади (О. Зинам). Бу билан республикани умумиттифоқ меҳнат тақсимотида, СССР ягона халқ хўжалик комплексига тутган ўрни сохталаштирилади. Аслида республикада пахтачилик билан бир қаторда саноат, транспорт, қурилиш ва алоқа каби индустриал соҳалар ҳам кенг ривожланган. Уларнинг миллий даромад яратишдаги ҳиссаси ошиб бормоқда. Республикада юздан ортиқ саноат тармоқлари мавжуд, шу жумладан оғир саноат экономикада катта аҳамиятга эга. XII беш йилликда республика саноатининг ўсиш суръатлари СССРда энг юқори даражада белгиланган. СССР экономикаси яхлит бўлганидан ҳар бир республика ўз-ўзини таъминлаши шарт эмас, акс ҳолда ихтисослашувнинг ҳеч бир аҳамияти қолмайди.

Қайта қуриш шароитида экономикадаги нохуш ҳолларни ошқора, очик-ойдин баён этиб, уларни бартараф этиш чораларини кўрмоқдамиз ва дастлабки ютуқларни қўлга киритдик. Экономикадаги камчиликлар социализмнинг иқтисодий имкониятларини йўққа чиқармайди, албатта. Экономикани такомиллаштириш асосида, ундаги нохуш тенденциялар бартараф этилиб, иқтисодий ўсиш жадаллаштирилади. Иқтисодий имкониятларимиз ўткинчи эмас, улар социализмнинг табиатига хосдир.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ



Пойарик райони, Навоий номидаги сут-товар фермасининг илғор соғувчиси Майсара Бўтаева.

В. Мосин фотоси

РОССИЯДА икки ҳокимиятчилик ҳукм сураётган 1917 йилнинг 3 июлида Петроградда революцион омма бутун ҳокимиятни Советлар қўлига топшириш тўғрисидаги талаб билан намоёнишга чиқди. Бироқ Муваққат ҳукумат эсер-меньшевистик Советларнинг маъқуллаши билан қуроли кучларни ишга солиб, намоёнишчиларни ўққа тутди. Большевиклар партияси ва ишчи ташкилотлари шафқатсизлик билан репрессия қилинди, 5 июлга ўтар кечаси юнкерлар «Правда» редакциясининг биносини тор-мор қилдилар. Шундан ярим соат бурун бу ерга келган В. И. Ленин тасодифан ҳужумдан қутулиб қолди. Бутун ҳокимият буржуа Муваққат ҳукумати қўлига ўтди. Россияда икки ҳокимиятчилик, жумладан, революциянинг тинч ривожланиш даври тугади.

Вужудга келган вазиятни ҳисобга олиб, партиянинг тактикасини ўзгартиришда ва қуроли қўзғолонни тайёрлашда 1917 йилнинг 26 июлидан 3 августигача Петроградда бўлиб ўтган РСДРП(б)нинг VI съезди муҳим роль ўйнади. Разливда яширин ҳолатда бўлган В. И. Ленин съездда қатнаша олмади, аммо Марказий Комитет аъзолари бўлган ўз сафдошлари орқали съезднинг бутун ишига раҳбарлик қилиб турди. Съезд Ленинни ўзининг фахрий раиси қилиб сайлади. Лениннинг ҳамма таклифларини съезд тасдиқлади ва улар партиянинг қарорлари бўлиб қолди. Доҳийнинг кўрсатмалари, «Сиёсий аҳвол» ҳақидаги тезислари ва «Шиорларга доир» деган брошюрасида чиқарган хулосалари съезд ишига асос қилиб олинди. Съезднинг тезислари, қарорларининг лойиҳалари, директивалари — буларнинг ҳаммаси Владимир Ильич томонидан тайёрланган эди.

Делегатлар биринчи масалалар қаторида Лениннинг Муваққат ҳукумат судига келиш-келмаслиги ҳақидаги масалани муҳокама қилдилар. Съезд Лениннинг судга келмаслигини яқдиллик билан ёқлади ва революцион пролетариат доҳийсини разилона таъқиб қилишга қарши қаттиқ норозилик билдирди.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг
ойлик ижтимоий-сиёсий,
адабий-бадний журнали

№ 8 (450)
Август
1987

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг нашриёти

РСДРП(б) VI съездининг 80 йиллигига

МУСТАҲКАМ ҒОЯВИЙ АСОС

Марказий Комитетнинг сиёсий ҳисоботи ва сиёсий аҳвол тўғрисида қилинган доклад юзасидан қабул қилинган қарорда: «Ҳозирги вақтда революциянинг тинч ривожини ва ҳокимиятнинг Советлар қўлига тинчлик билан ўтиши мумкин бўлмай қолди, чунки энди ҳокимият амалда контрреволюцион буржуазия қўлига ўтиб кетди.

Ҳозирги вақтда бирдан-бир тўғри шиор контрреволюцион буржуазия диктатурасини тамомила йўқотиш шиори бўлиши мумкин, холос. Янги юксалиш вазифаси бўлган бу вазифани фақат революцион пролетариатгина, камбағал деҳқонлар унга мадад берган тақдирда, бажара олади», деб кўрсатилди. (КПСС... резолюция ва қарорлари. Т., «Ўзбекистон», 1981, 1-том, 511-бет).

Съезд делегатлари Бухариннинг деҳқонлар буржуазия билан бир блокда ва ишчилар синфи кетидан эргашмайди, деган хато фикрини рад этдилар; улар Бухариннинг қарашларини, шунингдек, Ангарский билан Преображенскийнинг Россияда социалистик революция ғалаба қозониши мумкинлигига ишончсизлик билдирган ва Апрель (1917) конференцияси қабул қилган қарорларни ревизия қилишга қаратилган даъволарини қаттиқ танқид қилдилар. Съезд ҳозирги аҳвол ҳақидаги докладлар юзасидан қабул қилган учта резолюциянинг ҳаммасида ҳам большевикларнинг Россияда социалистик революция ғалаба қозонишига бўлган комил ишончини қатъий таъкидлади.

Партиянинг иқтисодий платформаси муҳокама қилинди ва тасдиқланди, бу платформанинг асосий қоидалари: помещикларнинг ерларини мусодара қилиш ва мамлакатдаги барча ерларни, банкларни, йирик саноатни национализация қилиш, ишлаб чиқариш ва тақсимот устидан ишчилар назорати ўрнатишдан иборат эди.

Съезд «Партияни бирлаштириш тўғрисида»ги масалани муҳокама қилди. Меншевиклар ишни мудофаачиликдан бошлаб, империализм малайларига айландилар, улар узил-кесил пролетариат душманлари томонига ўтдилар. Съезд империалист-меньшевикларнинг хоинлик сиёсатини фож қилиш партиянинг энг муҳим вазифаси эканлигини таъкидлади, улар билан ҳар қандай бирлашишни қоралади ва амалда улар билан алоқани узадиган барча интернационалистлар билангина бирлик бўлиши мумкин, деб қайд қилиб ўтди. Съезд бундай бирлик зарур ва муқаррар деб ҳисоблаб, «социал-демократиянинг барча революцион элементларини мудофаачилар билан ташкилий алоқани дарҳол узишга ва РСДРП атрофида бирлашишга чақиради», деб даъват этди. (КПСС... резолюция ва қарорлари. Т., 1981, 1-том, 525-бет).

VI съезд ўзининг ҳамма қарорларида пролетариат билан камбағал деҳқонлар иттифоқи социалистик революция ғалабасининг шартини эканлиги тўғрисидаги қоида алоҳида уқтирди. Съезд касба союзларининг бетарафлиги тўғрисидаги меньшевистик назарияни қоралади. Съездда «Ешлар союзлари тўғрисида» ҳам резолюция қабул қилиниб, унда ёш пролетарлар ташкилотларининг мақсад ва вазифалари, бу ташкилотларнинг большевик партия билан ўзаро алоқаси белгиланган эди.

Подпольедан чиққандан кейин партиянинг иш шароити ўзгариши ва унинг сафи тез ўсиб бориши партия Уставига баъзи бир қўшимчалар киритишни талаб қилди. Янги Уставнинг биринчи параграфига съезд «партиянинг ҳамма қарорларига бўйсунувчи» деган сўзларни қўшиб қўйди. Партия Уставига янги аъзолар маҳаллий партия ташкилотлари томонидан икки партия аъзосининг тавсияномаси билан қабул қилинади ва ташкилот аъзоларининг умумий йиғилишида тасдиқланади, деган модда киритилди. Унда партиянинг ҳамма ташкилотлари демократик централизм асосида тузилади, деб таъкидланган ва партия ташкилотлари районлар ва областлар бўйича бирлашадилар, деб кўрсатилган эди.

Съезд номидан чиқарилган партия манифестида: «Жанговар ўртоқларимиз, янги жангларга тайёрланингиз! Провокацияларга учмай, сабот-матонат, дадиллик ва бардамлик билан куч тўплангиз, жанговар саф тортингиз! Пролетар ва солдатлар, партия байроғи остига тўпланингиз! Эзилган қишлоқлар, бизнинг байроғимиз остига тўпланингиз!» — деб ишчиларни, солдатларни, деҳқонларни буржуазия билан қатъий олишув учун куч тўплашга чақирди.

Шу тариқа, VI съезд ўз қарорлари билан партияни қуроли қўзғолонга, социалистик революцияга отлантирди. Съезд қарорлари билан қуроланган партия мамлакатда халқни революцион курашга чоғлади. Ишчиларнинг революциядаги гегемонлиги ўзининг янги даражасига кўтарилди.

«Революциянинг авангарди, халқнинг авангарди бўлган, оммани эргаштиришга қодир бўлган синфнинг кўпчилиги бизга тарафдор», деб ёзган эди В. И. Ленин. (ТАТ, 34-том, 287-бет).

РСДРП(б)нинг VI съезди буюк тарихий аҳамиятга эгадир. Унинг кўрсатмалари тўғрисида мамлакатда 1917 йил 25 октябрь (7 ноябрь) да қуроли қўзғолон ғалаба қилди. Пролетариат диктатураси ўрнатилди. Ўша кун очилган Советларнинг II съезди VI съезд қарорлари асосида ер ва сулҳ тўғрисида Декретлар қабул қилди.

Съезд қарорлари мазлум чекка ўлка халқларига ва уларнинг озодлик курашига раҳбарлик қилаётган социал-демократик ташкилотларнинг революцион ишига ҳам йўлланма бўлиб хизмат қилди. Туркистон большевиклари ишчи, солдат ва деҳқонлар оммасига партия VI съездининг қарорларини тушунтириб, уларни большевик шиорлар теварагида жипслаштирдилар, контрреволюцион Муваққат ҳукуматга ва унинг малайларини бўлган меньшевик-эсерларга, буржуа миллатчиларига қарши курашга чақирдилар.

Меросхўрлар

Ушбу қисса тўқилган эмас,
Ва ёлгонмас, бу бор ҳақиқат.
Шеърга солдим мен уни фақат,
Дебочасин бас қилайин, бас...
Бошдан сизга айлай ҳикоят:
Дангиллама, гавжум хонадон.
Ўзига тўқ, бадавлат чандон,
Барча ҳавас қиларди гоёта.
Хилма-хил гул, райҳон ва жамбил
Хонадонга кўрк бахш ётарди.
Кўрган муродига ётарди,
Кетолмасди тарк этиб булбул...
Салим бобо яшаб саксон йил,
Қадр топди, топди эътибор.
Учта ўғил, икки қизи бор,
Гўё улар яшарди аҳил.
Чолнинг умри кечди заҳматда,
Кампиридан айрилди эрта.
Қанотидан қайрилди эрта,
Оёқ ва қўл зирқирад дарда.

* *
*

Ота бедор, ота йўталур,
Нафас қисар — кўкси зил-замбил.
Бош айланур, беҳуддир кўнги,
Дард азобин бир ўзи билур.
Фарзандлар ўз иши билан банд,
Келинлар-чи, қилишар ҳазар.
Дуч келгундай бўлса чол агар,
Улар таъзим қилмасин ҳарчанд —
Ота англар, бироқ не қилсин,
Айта олмас дилда борини.
Қайғуси-ю алам, зорини,
Тани бошқа қаёқдан билсин!

* *
*

Эшик қоқиб келадир ажал,
Топилмади унинг давоси.
Бир дам тинди булбул навоси,
Қазо этди ота тонг маҳал.
Тўпланишур маҳалла, эл-юрт,
Айланур уй ғурбатхонага.
Қадам босса ким остонага,

Исён қилур дилида бир дард —
Ва тик турур қари ҳам, ёш ҳам
Такрорлашур марҳум отини.
Гулга кўмиб чол тобутини,
Мотамсаро киприкларда нам...
Ҳал қилинур қанча саволлар,
Жамланадир эл-юрт йиғинга.
Иш буюрар унга ва бунга,
Кўп донишманд пулраймиз чоллар.
Фарзандлар-чи, нариги уйда,
Бир-бирига боқар ҳужумкор.
Ўлик чиқар уйда не гап бор?!
Изтиробдан ёнар ҳар дийда.
Катта ўғил дейдир уялмай:
— «24» меники бўлсин!
«Дафтарча»ни ким олса олсин!..
Сўкинадир ўзин тиёлмай...
Кичик ўғил ташланур шердек:
— Машинани пуллаймиз дарҳол...
Қоғоз-поғоз қолдирмапти чол,
Майли, уйни қизларга бердик!..
Катта қиз дер сочларин юлиб:
— Уйга ёлғиз эгаман ўзим.
Сенларни йўқ кўргани кўзим,
Қутурманг кўп отамиз ўлиб...
Кичик қиз дер:
— «24» ҳам,
«Дафтарча» ҳам барчаси менга...
Ҳеч нарса йўқ, билиб қўй, сенга,
Тирик пайти айтганди отам...
— Борми ўзи сенда бир қоғоз,
Қани: кўрсат бўлса у агар.
Отамизда эс бўлса магар,
Ўйлар эди бизларни бироз, —
Даб ер муштар ўртанча ўғлон,
Кўзларига қон тўлган эди.
Бўлганича у бўлган эди,
Нима қилсин унда ҳам имон!..
Қизлар туриб гапира кетди:
«Бизлар аёл, сизлар эркаксиз,
Эй, номардлар, кимга кераксиз?!».
Бир-бирига тупура кетди...

* *
*

Бир хонада нолақ фарёд,
Бир хонада «жанг» кетар ҳамон.

Шунча тубан бўларми инсон,
Қалбим йиғлаб дод соладир, дод.
Зеро, халқда шундай ҳикмат бор:
Экканингни оласан ўриб,
Е хирмонсиз қоласан қуриб,
Фарзандларми, отами айбдор?
Талашмоқлик марҳум меросин,
Кўнгилга ҳам келтирмоқ абас.
Пулга ўчлик одамлик эмас,
Шу нафс бузар одам орасин...
Кириб келар қўлида ҳасса,
Болалиқдан марҳумнинг дўсти.
«Жанг»нинг сири англади, рости,
Наҳот, шундоқ тугаса қисса...
— Уят, ахир, бас қилинғиз, бас,
Отангизни жойига қўймай,
Тобут қучиб йиғига тўймай,
Қилмишларинг инсофдан эмас. —
Чол уларга аччиқ сўз айтди,
Дилларига берди у озор.
Дўст тобутин елкалаб зор-зор,
Қақшаб, сўнги йўлга кузатди.

* *
*

Бир ой ҳали орадан ўтмай,
Меросхўрлар яна шайланди.
Жанжал эса жангга айланди,
Элу юртни ҳеч писанд этмай.
Меҳр нима билмас фарзандлар:
Меросни тенг бўлишиб олди.
Ёт, бегона бўлишиб қолди...
Ҳаргиз парво қилмас фарзандлар!

* *
*

Қуладими ўртада кўприк,
Эҳтиёт бўл, бузилар йўл ҳам.
Сўнг бошингга қуяр қор, дўл ҳам
Қору дўлга боқиб бўлмас тик!
Тирноқ кўчди этдан, вожаб,
Жароҳати битарми, битмас?!
Ҳайҳот, доғи юракдан кетмас,
То ўлгунча қийнар бу азоб.
Бегонадир акага ука,
Опа-сингил бўлмиш етти ёт.
Бундайлардан қолур фақат «дод!»
Кўп одамлар пулпараст нега?!
Саволлар кўп ёруғ жаҳонда,
Барчасига қидирдим жавоб.
Гоҳо шоду гоҳида хуноб,
Ўтиб борар умрим армонда.
Орамизда қолмади ҳеч сир,
Қўл кўксимда, ўлтирибман жим.
Қиссам битди ва нуқта қўйдим,
Ибрат бўлса кошки кимгадир.

Андижон

1986 йил, июнь-декабрь

1917 йил 18 августда Тошкентда катта намоёиш ва митинг бўлиб, унинг иштирокчилари халқнинг моддий аҳволини яхшилаш талаблари билан чиқдилар. Қўқон, Когон, Каттақўрғон ва бошқа шаҳарларда ҳам ишчиларнинг норозилиги кучайиб, иш ҳақини ошириш, иш шароитини яхшилаш каби қатъий талаблар билан чиқишлар тобора кучайди.

1917 йил 30 августда Тошкент ишчи ва солдат депутатларининг Совети, кейинроқ Қўқон, Янги Бухоро ва бошқа шаҳарларнинг ҳарбий ташкилотлари бутун ҳокимиятни Советларга топширишни талаб қилдилар.

Съезд қарорлари билан қуролланган ва Улуғ Октябрь революцияси ғалабасидан илҳомланган Туркистон меҳнаткашларининг революцион ҳаракати 28 октябрь эрта билан бошланди.

Ўрта Осиё темир йўли Тошкент Бош ишхонасининг тревога гудоги Тошкент ишчи ва солдатларининг Советлар ҳокимияти учун жанговар ҳаракатлари бошланганлигидан

дарак берди. Большевикларнинг раҳбарлиги, халқнинг революцион шижоаткорлиги туфайли 1 (14) ноябрда Тошкентда меҳнаткашларнинг қуроли кўзғолони тўрт кун давом этган жанглардан кейин ғалаба қозонди. Ҳокимият пролетариат қўлига ўтди.

РСДРП(б) VI съезди қарорлари асосида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалаба қилиши мамлакатимизда социалистик жамият қуриш учун, коммунизм сари бориш учун кенг имкониятлар очиб берди. Партияимиз революциядан кейин оғир ва мураккаб йўллари босиб ўтди, бу йўлларда жасорат кўрсатган халқимизга раҳбарлик қилди.

Шу тариқа, 1917 йил Октябридан кейин совет кишиларининг авлодлари қилган ҳамма ишлар КПСС XXVII съезди белгилаб берган режаларни амалга ошириш учун, партияимиз Программасида ўртага қўйилган тарихий вазибаларни бажариш учун ишончли пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз социал-иқти-

содий тараққиётини жадаллаштириш ва қайта қуриш гоёлари, ички ва ташқи сиёсатдаги новаторлик, қарорлар ва ҳаракатларимиз мана шу пойдеворга, социализмнинг чексиз имкониятларига таянмоқда.

РСДРП(б)нинг VI съезди халқаро аҳамиятга ҳам эгадир. Съезд қарорлари асосида ғалаба қозонган Октябрь революцияси туфайли дунёда революцион ҳаракатлар, мустамлака мамлакатларда эса миллий-озодлик ҳаракатлари авж олиб кетди. Халқаро коммунистик ва ишчи партияларининг фаолиятида большевиклар партиясининг тажрибаси ва тактик, стратегик йўлларидан кенг фойдаланилмоқда.

Қўлдош ЭРГАШЕВ,
тарих фанлари кандидати, доцент,
Исмоил ШОДМОНҚУЛОВ,
тарих фанлари кандидати

ОЛДИНГИ МАРРАДА

Турғуной ЭГАМБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон Компартияси Фарғона область
комитетининг секретари

СОВЕТ Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг меҳнаткашлари, бутун тараққий-парвар инсоният XX асрнинг буюк воқеаси бўлган, жаҳон тараққиётини тубдан ўзгартириб юборган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 70 йиллигини кенг нишонлашга тараддуд кўрмоқдалар. Етмиш йиллик ҳаётимизнинг буюк воқеаларидан бири хотин-қизларнинг чинакамга рўшноликка эришганликларидир.

В. И. Лениннинг янги жамият қурилишини хотин-қизлар ёрдамидагина, уларнинг фаҳм-фаросати ва онглилиги билангина мустақамлаш мумкин, деган сўзлари ҳозир ҳар қачонгидан кўра муҳимдир. В. И. Ленин васиятларига содиқ бўлган партиямиз хотин-қизларни актив фаолиятга ва давлатни бошқаришга жалб этиш учун ҳамма ишни қилмоқда. Партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев КПСС XXVII съездида таъкидлаганидек, жамиятнинг барча соҳаларида қайта қуриш авж олиб кетган ҳозирги пайтда мамлакат кенг омманинг жонли ижодкорлигига, хотин-қизларнинг мададига, айниқса, муҳтождир.

Ватанимиздаги кўп миллионли шонли хотин-қизлар отрядининг буюк маънавий имкониятларини ҳаракатга келтиришда партияга ёрдамлашиш қайта қуриш ва партия съезди қарорлари асосида тузилган ягона система — хотин-қизлар кенгашларининг муҳим бурчидир. Мазкур кенгашлар мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришда ҳар бир аёлнинг ўз ўрнини белгилаб олишига кўмаклашишдан иборатдир.

Шонли оналаримиз ва меҳнаткаш аёлларимизнинг фаолияти кўп қирралидир. Уларнинг шижоати, иродаси ва ташаббускорлиги Ер юзидан ядро урушини даф этиш учун кураш жараёнида айниқса ёрқин намоён бўлаётир.

Ўзбекистон хотин-қизларининг шу йил апрель ойида Тошкентда бўлиб ўтган V съездида таъкидланганидек, жамоат ташкилоти бўлмиш хотин-қизлар кенгашлари системаси КПСС раҳбарлигида иш кўради. СССР Конституцияси жамоат ташкилотларига бериб қўйган барча ҳуқуқлардан фойдаланади. Хотин-қизлар кенгашлари ишни совет ва давлат идоралари, касаба союз, комсомол ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда олиб бормоқдалар. Хотин-қизлар кенгашларининг кенг тармоғи вужудга келтирилганлиги, улар Совет Хотин-қизлар комитети бошчилигидаги ягона системага бирлаштирилганлиги — совет жамиятини демократлаштириш, халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқарувини ривожлантириш йўлида қўйилган муҳим қадамдир.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан буён ўтган 70 йил давомида совет кишилари ҳаётида буюк ўзгаришлар рўй

берди. Ўзгаришлар миқёси ҳаётимизнинг барча соҳаларини — иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва маиший томонларини қамраб олади. Лекин инқилобий ўзгаришларнинг энг буюк якунларидан бири — хотин-қизлар масаласининг, уларнинг ҳақиқий тенглигини таъминлаш билан боғлиқ муаммонинг чинакамга ҳал этилганлигидир.

Октябрь инқилоби галаба қозongan дастлабки кунларданок Коммунистик партия ва Совет ҳукумати хотин-қизларни озодликка чиқаришнинг аниқ тадбирларини белгилади. Совет ҳокимиятининг Декретлари хотин-қизларнинг тенгсизлигига барҳам берди, уларнинг ҳуқуқлари қонун йўли билан эркакларга тенглаштирилди. Бироқ бунинг ўзигина кифоя қилмас эди. Хотин-қизларнинг тенглигини амалий суратда таъминлаш учун ўтмишнинг ғрамас иллатларини таг-томири билан тугатиш, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётдаги фаоллигини кучайтириш лозим эди. Бу ишни амалга ошириш айниқса Ўрта Осиё республикаларида оғир ва мураккаб эди.

Ўзбекистон хотин-қизларининг амалдаги тенгсизлигига барҳам бериш ҳамда уларни социалистик қурилишга жалб қилишда ВКП(б) Марказий Комитети, унинг Ўрта Осиё бюроси, республика партия ташкилотининг ташаббуси ва раҳбарлигида бундан олтамиш йил муқаддам амалга оширилган «Хужум» ижтимоий-сиёсий ҳаракати муҳим тарихий босқич бўлди.

«Хужум» ҳаракати чинакамга умумпартиявий ишга айланди. Ўрта Осиёнинг бошқа республикаларидаги каби Ўзбекистонда ҳам очиқ партиявий мажлислар, оммавий йиғилишлар коммунистларнинг хотинлари иштирокида ўта бошлади. Партия комитетлари ҳузурида «Хужум» бўйича махсус комиссиялар тузилди, уларнинг составига совет, комсомол, кооператив ташкилотларининг раҳбарлари, «Қўшчи» союзининг вакиллари киритилди. Мазкур комиссияларнинг юраги ва уни ҳаракатга келтирувчи куч хотин-қизлар бўлимлари эди.

Бутун республика бўйлаб кенг тушунтириш ишлари олиб борилди. Клубларда, катта майдонларда ва қизил бурчакларда хотин-қизларнинг мажлислари, конференциялари ва митинглари ўтказилди. Уларда кўплаб йирик сиёсат ва жамоат арбоблари оташин агитатор вазифасини ўтадилар. Йўлдош Охунбобоев ана шундай йиғилишлардан бирида сўзга чиқиб: «Йўқолсин паранжи, даф бўлсин ичкари! Яшасин янги турмуш, яшасин жамоатчи аёл — эртанги куннинг асосий шиори ана шундай!» деди.

Ўзбек совет адабиётининг асосчиси, шоир ва драматург Ҳамзанинг Шарқ хотин-қизлари озодлиги учун қанчалар куч-ғайрат ва шижоат билан курашганлиги ҳаммамизга аён. Унинг бутун ижоди хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилиги ҳақида чуқур ғамхўрлик билан йўғрилган. Ана шу жанговар курашда унинг сафдошлари, шогирдлари ва издошлар-

ри инқилоб куйчиси билан ёнма-ён турдилар.

«Хужум» ҳаракати жуда кенг ва ниҳоятда кескин тус олди. Хотин-қизлар хурофот ва жаҳолатга қарши бориб, рўдапо паранжини ташладилар, ўқишга бордилар ва ишга кирдилар. Қаҳр ўтида ёнган хурофотчилар ва уларнинг ювиндихўрлари кўчаларда озод юрган хотин-қизлар бошига «оллоҳ»нинг лаънатларини ёғдирдилар. Лекин ҳурлик нашидасини ҳис этган эрк қизларини энди ҳеч қандай дўқ-пўписа чўчита олмас эди. Ўзларининг бу йўлда ожиз эканликларини билган эрк душманлари энг разилона йўлни — ўлдириш ва сўйиш йўлини танладилар.

Янги ҳаёт учун курашнинг дастлабки қурбонларидан бири — ажойиб актриса Нурхон Йўлдошхўжаева бўлди. Кўрғазмали судда қотиллар олий жазога ҳукм этилдилар. Нурхоннинг ёди эл хотирасида абадий қолди. Эндиликда Марғилоннинг марказий кўчаларидан бирида эрк қуши — Нурхоннинг салобатли ҳайкали виқор билан қад ростлаб турибди.

Ҳурриятга интилган қанча-қанча маълум ва номаълум аёлларимиз қотиллар қўлида жон бердилар. Сурмахон Шерматова, Муҳаббатхон Ҳабибуллаева, Хосиятхон Баҳромова... 1926—1928 йилларда Ўзбекистон бўйича 2 минг 50 хотин-қиз — район ва қишлоқ Советларининг аъзолари, муаллималар ва клубларнинг ходималари, паранжини улоқтирган фаоллар эрк ва озодлик йўлида қурбон бўлдилар.

Лекин паранжи-чачвон пайдар-пай гулханга иргитилаверди. Ильич зиёси туфайли хотин-қизларнинг қўлида порлаган машъалани ҳеч қандай куч сўндиришга қодир эмас эди. Биз ана шу машъалани баланд тутган, аёлларни ҳуррият учун курашларга сафарбар этган, Ленин иши учун, социализм тантанаси учун мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатган ўзбек халқининг шонли қизлари номини қалбларимизда ҳаммиша ардоқлаймиз.

Ана шундай эъзозга мушарраф аёлларимиздан бири кекса коммунистларнинг ёрқин ва муносиб вакиласи Тожихон Шодиевадир. У катта ва оғир инқилобий йўлни босиб ўтди. Унинг кўп қиррали фаолиятдан биргина воқеа: 1926 йилнинг 13 январиди ўша пайтда Қўқон уезди партия комитети хотин-қизлар бўлимининг мудираси Тожихон Шодиева автомобилда Исфарага боради. Машина бозор майдониди тўхтади ва шу ердаёқ митинг бошланиб кетади. Тожихон опа қишлоқ хўжалигида рўй бераётган ўзгаришлар ва унда хотин-қизларнинг иштироки, ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун янада мардонавор кураш олиб боришлари лозимлиги, «Хужум» ҳаракатида янада фаол қатнашиш зарурати ҳақида қизгин нутқ сўзлайди. Юзлаб хотин-қизлар ажойиб аёлнинг оташин сўзларидан руҳланган ҳолда шу ернинг ўзидаёқ паранжиларини оловга отадилар.

Тўраҳон Иброҳимова фаол аёлларимиз-

нинг энг олдинги сафларида эди. «Қўшчи» союзи Марказий Комитетининг аъзоси сифатида у «Хужум» ҳаракатини ўтказиш бўйича комиссия ишларида фаол иштирок қилди. Зухра Муҳаммаджонова, Умринисо Узоқбоева, Раҳбарнисо Тошматова ва бошқа аёлларимизнинг номларини ҳам ҳурмат билан ёдга оламиз. Ленинчи большевиклар гвардиясининг ажойиб вакиллари — рус онахонларимиз Татьяна Кобякова, Елизавета Нетесова ҳам янги ҳаёт учун курашда ўзбек хотин-қизлари билан ёнма-ён турдилар. Улар миннатдорчилик туйғуларимизга сазовордирлар.

«Хужум» ҳаракати ниҳоясида Фарғона областининг ўзидаёқ 3 минг 900 хотин-қиз қишлоқ Советларига, 510 киши шаҳар Советларига сайландилар, уларнинг кўплари артелларни, пахтачилик коммуналарини бошқариш ишларига жалб этилдилар, яъни хотин-қизларимиз сиёсий жиҳатдангина эмас, иқтисодий жиҳатдан ҳам озодликка эришдилар.

Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш даврида партия томонидан «Хотин-қизлар — тракторга!» деб ўртага ташланган шior юзлаб ўзбек аёлларини техникани ўзлаштиришга сафарбар этди. Дастлабки беш йилликларнинг қаҳрамони, стахановчи Паша Ангелинанинг издошлари ўша пайтларда янги ҳаётнинг куртаклари деб аталган — қишлоқ хўжалигини механизмлаштиришнинг афзалликларини аниқ тасаввур қила билдилар. Дастлабки тракторчи аёлларимиз хўжаликларнинг йирик раҳбарлари бўлиб етишдилар. Тўтихон Ортиқова, Хадича Жаборова, Хайринисо Камолова ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ўзбек хотин-қизларининг фаоллиги ва юксак гражданлик бурч туйғуси аниқса Катта Фарғона канали қурилишида ажойиб тарзда намоён бўлди.


Асрий қуллик уйқусидан кўз очган ўзбек аёли буюк Ленин ишига, коммунистлар партиясининг донолигига бутун вужуди билан ишонган ҳолда социализмнинг фаол бунёдкорига, интернационалчи ватанпарварга айланди. Ана шу эътиқод ва ишонч туйғуси Улуғ Ватан уруши йилларида ёвуз душманни маҳв этишга ҳисса бўлиб қўшилди. Эрлари, ака-укалари ва ўғилларини фронтга кузатган ўзбек хотин-қизлари жанг майдонларидан олисларда жасорат кўрсатиб ишладилар, ота-онасидан айрилган етим-есирларни ўз бағирларига олдилар, эвакуация қилинган оилалар билан бир бурда нонни баҳам кўрдилар. Қўқон станциясининг вагон депосида уй бекалари фронтга жўнаган эрларининг ўрнини эгалладилар. Марғилон Шойи тўқиш фабрикасига ўнлаб уй бекалари ариза кўтариб келдилар. Хотинлар тракторларнинг рулларини бошқардилар. Фарғона Тўқимачилик комбинатининг стахановчилари ўтгизталаб дастгоҳларни бошқаришга киришдилар... Бундай мисоллар сонсиз-саноксиз. Меҳнаткаш аёлларимиз, шонли оналаримиз ана шу тариқа фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабага ҳам муносиб улуш қўшдилар.

Совет халқининг шонли қизлари тарихимизнинг барча муҳим босқичларида ўзларининг истеъдодларини, куч-ғайратларини, қалб ҳароратларини партия ғояларини ҳаётга татбиқ этиш ишига сафарбар этдилар. Уруш пайтида ҳам, ундан кейинги тиклаш йилларида ҳам шундай бўлди. Айти пайтда эса, ўз кўлами ва миқёси билан беқиёс бўлган, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётни инқилобий тарзда қайта қуриш учун кураш кучайтириб юборилган бир даврда ҳам миллионлаб совет хотин-қизлари турмушимизга зид бўлган иллатларни тагтомири билан юлиб ташлашга ўзларини сафарбар деб билмоқдалар. Бу курашни бир пайтлари эски турмушга қарши мардонавор ҳужум бошлаган аёлларнинг — онахонларимизнинг қизлари олиб бормоқдалар. Зеро, бу кураш ҳам охир-оқибатда ғалаба билан якунланишига ишончимиз комил.



«Хурмат белгиси» ордени нишондори, куювчи А. Мирзаматов, Р. Нуригдинов фотолари (ЎзТАГ)

В. И. Ленин номидаги Бекобод металлургия заводи. Бу ерда учинчи пўлат эритмасини тўхтовсиз куйиш машинаси ишга туширилди. Суратларда: куювчи Е. А. Москвитес иш устида.





Яхшиси, воқеанинг тафсилотини эшитинг. 1981 йил декабрь ойининг охирида эди. Яшин Султонов Свердлов номли колхоз раиси Қулмамат Холматовни ҳузурига чақиртирди:

— Колхознинг тоғдаги ерини «Варганза» анорчилик совхозига берсак, розимисиз? — деб у раисга қатъий юзланди.

Қўққисдан айтилган бу гап Холматовга бошидан совуқ сув қуйгандек туюлди.

— Ахир, у ерлар чорвамиз учун яйловку. Кейин жамоат молини қаерда боқамиз? Ер — колхозники. Унинг берилиш-берилмаслигини ёлғиз мен эмас, колхозчилар, кўпчилик ҳал қилади, — деб жавоб қайтарди раис ўзини ўнглаб.

— Район партия комитетининг фикри шундай. Бориб ўйлаб кўринг, — дея таъжиблашиб гапнинг қатъийлигини таъкидлади секретарь.

Холматов унинг ҳузуридан хомуш тортиб чиқди.

Колхознинг тоғдаги ерини, яйловини бошқа хўжаликка олиб берса, чорванинг аҳволи не кечади? Раис колхозга етгунча шу хусусда мулоҳаза юритди. У кабинетига киргач, котибани чақириб зудлик билан партия комитетининг секретарини, зоотехник, ветеринария врачни ва бошқа активларни ҳузурига таклиф қилишни айтди. Орадан кўп ўтмай, активлар раиснинг хонасига биринкетин кириб келишди.

Холматов йиғилганларга секретарнинг ноўрин талабини — колхознинг тоғдаги ерини бошқа хўжаликка олиб бермоқчи бўлаётганини гапириб берди.

— Яйловимизни зўравонлик билан оладиган бўлишса, хўжалигимизнинг чорва маҳсулотлари етиштириш планини ҳам қайта кўриб чиқишимиз. Молни боқадиган яйлов бўлмагач, ундан маҳсулот олиб бўладими? — деб қатъий эътироз билдирди фаоллар.

Маслаҳат охирида улар раисга бу масалада мутлақо мойиллик бермасликни таъкидлашди.

Холматов хонада ёлғиз қолгач, яна шу хусусда қаттиқ фикр юритди. Хона тўридаги китоб жавонида турган «Ўзбекистон ССРнинг Ер тўғрисидаги кодекси»ни олиб, тегишли жойига кўз югуртирди: «61-модда: Колхоз ерларининг чегараси ва ҳажми фақат колхоз аъзоларининг умумий йиғилиши ёки вакиллар йиғилиши розилиги билан ўзгартирилади». Ҳа, қонун колхоз томонида эди. Райком секретари эса давлатнинг муқаддас қонунини бузиш ҳаракатида... Нима қилиш керак? Султоновнинг қонунга хилоф буйруғига бўйин эгиш керакми? Эки... Йўқ, фикрдан қайтиш йўқ. — Раис шу мулоҳазаларни хаёлидан ўтказиб, ташқарига чиқди. Вақт алламаҳал бўлиб қолган. Правление биноси рўпарасидаги яшил хиёбонга ўрнатилган электр чироқлардан атроф нурафшон эди. Холматов ёруғ йўлак бўйлаб уйи томон юрди. Йўлакдаги чағир тошлар унинг оёғига қаттиқ урилгандек туюларди.

Ўша вақтлардаги аҳвол эндиликда кўпчиликка маълум: область партия комитетининг собиқ биринчи секретари Ғойибов айтгани айтган, дегани деган «хукмдорлар»дан эди. Область миқёсида қонунни бузадиган ҳам, уни тузадиган ҳам якка ўзи эди. Қашқадарёдек кенг музофотда бу «хукмдор»нинг ноҳақ

гапини икки қиладиган одам йўқ эди. У кўрсатма эмас, ўшқириб «фармойиш» беришга одатланганди. Раёйига қарши борганлар эса область чегарасидан ташқарида ишлашга мажбур бўлдилар.

Қовун қовунни кўриб ранг олади, деганларидек, мансабпарастга хос қонунбузарлик илллати унинг ёнидаги раҳбарларга, яқин «эркатой»ларига тез юқди. Ўттиз ёшдан ошиб-ошмай «ҳоким тоғаси»нинг илтифоти билан Китоб район партия комитетига биринчи секретарь бўлиб олган Яшин Султонов ҳам катта кетишда, тўғрироғи, зўравонлик қилишда «устози»дан қолишмади. Йўқса, унинг район хўжаликларига доимий фойдаланиш учун берилган, давлатнинг дахлсиз мулки бўлган ерни талон-торож қилиш ҳақидаги ноҳўя ҳаракатларини қандай тушуниш мумкин эди.

Орадан уч-тўрт кун ўтар-ўтмас секретарь раисни яна чақиртирди.

— Хўш, бояги масалани яна ўйлаб кўрингизми? — дея жиддий оҳангда гап бошлади секретарь. — Бизнинг фикримиз қатъий. Фақат сизнинг колхозингизнинг ерини эмас, «Шарқ юлдузи» совхозининг тоғ участкасини ҳам анорчилик совхозига олиб бермоқчимиз. Унинг директорини ҳам бугун чақиртирганмиз.

— Активларимиз билан ерни бериш-бермаслик хусусида маслаҳатлашдик, — деди Холматов вазмин туриб. — Улар ҳам рози бўлишмади. Ерларимизни зўравонлик билан олишса, чорва планини ҳам хўжалигимиз ҳисобидан чиқариб ташлашсин, дейишди.

— Рози бўласизларми, бўлмайсизларми, бари бир, менинг айтганим бўлади, — деди секретарь туюқиб ўрнидан тураркан.

— Зўрма-зўракиликка борсангиз, нима ҳам қилардик, — дея Холматов секретарнинг кабинетидан хомуш тортиб чиқди. Раис қабулхонада «Шарқ юлдузи» совхозининг директорини Хусановга дуч келди. У ҳам худди шу ташвишда эди.

— Хўжайиннинг авзойи бузуқ шекилли? — Холматовга юзланди ҳалиги директор.

— Ҳа, зўрники тегирмон юритар бўлаяпти, — деб атайин баланд жавоб қилди Холматов атрофга эшиттириб.

Шу вақтда эшик очилиб, «Шарқ юлдузи» совхозининг директорини таклиф қилинди.

Ўшанда Қулмамат Холматов гарангсиб, қабулхонадаги ўриндиқлардан бирига оҳиста ўтирди. Ўзини сал босиб олгач, котиб қиздан бир варақ оқ қозғ сўраб олди-да, жаҳл устида ўзини вазифадан бўшатиш ҳақида биринчи секретарнинг номига ариза ёзиб қолдирди. У колхозга кўнгли хуфтон бўлиб қайтди. Ўртада бўлган можаро тафсилотини активларга билдирди. Бундай шароитда раислик вазифасида ишломаслигини айтди.

Шундай қилиб, Свердлов номли колхознинг ва «Шарқ юлдузи» чорвачилик совхозининг тоғдаги ерлари ғайри қонуний йўл билан, яъни Султоновнинг оғзаки буйруғи билан «Варганза» анорчилик совхозига олиб берилди. Аслида секретарни бунга даъват этган анорчилик совхозининг директорини, Яшин Султоновнинг ички сирдоши Очил Рўзиев эди, дейишди. Янги директорнинг нияти бошқа эди-да...

Ўша 1981 йилнинг декабрида «Шарқ

юлдузи» совхозининг тоғдаги Ҳазрати Башир, Али Қушчи қишлоқлари атрофидаги 3447 гектар ери, «ГАЗ-53» маркали «74-11 КФА» номерли (3659 сўмлик) автомашинаси, баланс қиммати 2332 сўм бўлган битта молхонаси, қиммати 6321 сўмлик чойхонаси биринчи секретарнинг оғзаки буйруғи билан «Варганза» анорчилик совхозига олиб берилди. Таажжуб! Чорвачилик совхозининг яйлови анорчилик совхозига нега энди бунча зарур бўлиб қолди экан? Ахир, коса тағида ним коса бор эди-да.

Ўшанда Свердлов номли совхознинг Койни, Косагар, Водомзор, Қоплатун қишлоқлари теварагидаги 4 минг гектардан ошиқроқ яйлов ери (қисман сувли) ҳам норасмий равишда «Варганза» совхозига олиб берилди.

Мана, орадан қарийб олти йил ўтапти. Лекин тоғдаги ўша ерлар ва ҳали айрилган моддий ускуналар анорчилик совхозининг ҳисобида (балансида) эмас, балки илгаригидек, «Шарқ юлдузи» совхозини ва Свердлов номли колхозларнинг балансида турибди. Ҳатто кейинги ҳар иккала хўжалик уч-тўрт йил давомида анорчилик совхозини фойдаланган тоғдаги ер-мулкларини учун давлатга амортизация харажатлари тўлади.

Биз ерини ноҳақ олдириб қўйган ўша «аламзада» хўжаликларнинг бир гуруҳ аъзоларидан келган шикоят бўйича Китоб районида бўлиб, мазкур масаланинг моҳияти билан қизиқдик.

«Шарқ юлдузи» совхозини ва Свердлов номли колхозининг тоғдаги юқорида кўрсатилган ерларини «Варганза» анорчилик совхозига олиб бериш ҳақида ҳеч қандай расмий ҳужжат йўқ. Тўғри, биз район ижроия комитетининг секретари Х. Зариповдан мазкур ерларнинг «Варганза» совхозига олиб берилиши ҳақида ижрокомга бирор расмий ҳужжат бор-йўқлигини сўраганимизда, у бизга қаттиқ муқовали дафтардан Китоб район ижроия комитетининг 1981 йил 30 декабрда чиқарилган 14—531-сонли қарорини кўрсатди.

— Район ижроия комитетининг мазкур қарори кучга кирган бўлса, нега энди анорчилик совхозига олиб берилган ерлар ҳалиям «Шарқ юлдузи» совхозининг ва Свердлов номли колхознинг балансида турибди? — деб сўрадик Зариповдан.

— Ростини айтсам, бу қарор кучга кирмаган, шунчаки, районнинг ўша вақтдаги раҳбарларининг топшириғи билан чиқарилган, — деди бироз хижолат тортиб у. Ахир, хижолат тортмай нима қилсин, норасмий ҳужжатга ўша вақтда Х. Зариповнинг ўзи ва собиқ ижроком раиси Қ. Мансуров имзо чеккан эдилар-да. Бу норасмий ҳужжат ўша вақтда ерини олдириб «озор чеккан» хўжалик раҳбарларига дастак қилиб кўрсатиш учун керак бўлган.

Биз район ер тузиш хизмати ходими Нормўмин Элмирзаев ва район архитектори Эркин Йўлдошев билан «Варганза» анорчилик совхозига бўлдик. Бу ерда совхоз директорини Очил Рўзиев ва хўжаликнинг бошқа мутахассислари билан қонунга хилоф равишда икки хўжалик ҳисобидан анорчилик совхозини фойдасига «мусодара» қилинган ер тақдирини ҳақида гаплашдик. Директор устамонлик қилиб кабинети деворига осилиқ қандайдир ер харитасини кўрсатди. Унда «Шарқ юлдузи» совхозини ва Свердлов

номли колхознинг тоғ участкалари (қишлоқлар) ва ерлари чизиб кўрсатилган эди. Директор ишора қилган ер харитасининг қалбакилиги шундай билиниб турарди. У тегишли ер тузиш муассасалари томонидан тасдиқланмаган эди. Ер тузиш ходими Элмирзаев олиб борган — етмишинчи йилнинг бошида кучга кирган районнинг ер тузилиши харитасида эса манзара бутунлай бошқача эди. Директор Рўзиевдан: «Икки хўжаликнинг тоғдаги ерининг анорчилик совхозига ўтказилгани ҳақида бирорта қонуний ҳужжат борми?» деб сўраганимизда, у бош бухгалтернинг темир сандиғида сақланаётган, район ижроия комитетининг эски мирзоси Х. Зарипов ҳали бизга кўрсатган сохта қарорнинг бир нусхасини кўрсатди.

«Шарқ юлдузи» қорамолчилик совхозида бўлганимизда унинг ишбилармон, ҳаракатчан ёш раҳбарлари, мутахассислари хўжаликнинг асосий чорва яйлови ноҳақ «Варганза» совхозига тортиб олиб берилганини таассуф билан гапирдилар. Ҳатто улар молларни ўша яйлов ерларда боқиш-боқтирмаслик важдан тоғ ва қуйидаги қишлоқлар аҳолиси ўртасида баъзан жанжал чиққанини, қишлоқлар ўртасида аҳилликка раҳна тушганини афсусланиб таъкидладилар.

Чорвачиликни ривожлантириш мақсадида сўқим-қорамолчилик совхозини деб, яхши мақсадда ташкил этилган «Шарқ юлдузи» совхозининг асосий чорва яйлови, молхонаси қонунга хилоф равишда анорчилик хўжалигига ўтказилгач, унинг табиий имкониятлари чекланди. Совхозда чорвачиликни ривожлантириш қийинлашди. Тагин, бу етмаганидек, район ва областнинг баъзи раҳбарлари хўжаликни ихтисослаштириш қонуниятларига зид иш тутиб, қорамолчилик хўжалиги планига пахта, сабзавот маҳсулотлари етиштиришни ҳам тикиштириб, совхоз мутахассисларининг мустақил ишлашларига ҳалақит бермоқдалар. Ахир, бундай нотўғри раҳбарлик усули КПСС Марказий Комитетининг Январь пленумида қаттиқ қораланди-ку?!

Биз «Варганза» анорчилик совхозига олиб берилган яйловлардан, қисман сувли ерлардан қандай фойдаланилаётир?» деган масала билан қизиқдик. «Шарқ юлдузи» совхозини ва Свердлов номли колхознинг биз суҳбатлашган меҳнат ветеранлари бу жумбоқни ойдинлаштириб беришди:

— Ўша ерларнинг бир қисмини совхоз директори Очил Рўзиев «тилини» тушунадиган кишиларга тақсимлаб берди. Улар эса шу майдонларга нўхат, беда, полиз экинлари экиб, шахсий даромад қилмоқдалар. Области бозорлари қолиб, Самарқанд бозорларини ҳам нўхат билан таъминлаётганлар ўшалар. Ахир, бир килограмм нўхатнинг баҳоси 4—5 сўм! Улар давлат ерини «хомташ» қилиш ташаббускори бўлган директорга «қуруғидан» ҳар мавсумда салмоқли қилиб чўзиб турганини ҳам эшитиб турибмиз.

Шамол турмаса дарахтнинг боши қирламайди, дейдилар.

Ҳа, Китоб районида совхозлар ва колхозларга доимий фойдаланиш учун берилган давлат ерларининг бир қисми кейинги ўн йил давомида баъзи «зўравон маҳаллий ҳоким»ларнинг «ҳотамтойлиги» ва фармойиши билан талон-торож қилинди. Акс ҳолда Жовуз ва Ҳазрати Вашир қишлоқлари аҳолисининг шахсий моллари боқиладиган яйлов ерларнинг ва баҳаво арчазорнинг қишлоқ хўжалигига мутлақо алоқаси бўлмаган ташкилотларга бериб юборилишини қандай тушуниш мумкин?! Ўша сўлим арчазорда заҳматкаш район деҳқонлари учун дам олиш зонаси ташкил этилганда, айти муддао бўлмасмиди!

Китоб районининг ҳозирги раҳбарлари ҳам ер масаласида ўзларигача юз берган қонунбузарлик асоратини йўқотиш масаласига бефарқ қарамоқдалар. Тўғри, район Советининг шу йил 27 мартда бўлиб ўтган сессиясида райижроком раиси Дилбар Усмонова «Районда Ўзбекистон ССРнинг Ер



Инженер Хосиятхон Фатиллаева.



Тўпаланг сув иншооти қурилишида.

В. Лешченко фотолари (ЎзТАГ)

кодексиغا риоя қилишнинг аҳволи ва шу соҳадаги вазифалар тўғрисида» деган масала бўйича маъруза қилди. Лекин у ўз маърузасида ердан фойдаланишдаги қонунбузарлик асорати ҳақида лом-мим демади. Ваҳоланки, Усмонованинг ўзи кеча «Шарқ юлдузи» совхозида директор бўлиб (бир йилча) ишлаган вақтида хўжалигимизнинг тоғдаги ерлари «Варганза» совхозидан қайтариб оламан, деб уриниб юргандику. Энди эса раиса ўша ҳануз жумбоқ бўлиб келаётган «жанжалли» масалани унутган кўринади.

Дарҳақиқат, «Ўзбекистон ССРнинг Ер тўғрисидаги кодекси»нинг 4-моддасида шун-

дай дейлади: «СССРда ер тамомила давлат мулки бўлиб, фойдаланиш учунгина берилди. Давлатнинг ерга бўлган эгаллик ҳуқуқини ошқора ва яширин равишда бузадиган ҳаракатлар қилиш тақиқланади». Модомики, шундай экан, қонунни бузиш ҳуқуқи ҳеч бир лавозимдор шахсга берилмаган. Демак, давлатнинг муқаддас мулки бўлган ер масаласидаги қонунбузарликка объектив баҳо берилиши керак. «Шарқ юлдузи» совхозини ва Свердлов номли колхознинг тоғдаги ерлари ўзларига қайтарилиши зарур.

Шомурод СИДДИҚОВ

Китоб райони

МЕРОС МАСЪУЛИЯТИ

Тарихий ва маданий
обидалар —
халқ хазинаси

Республикамиз — тарихий обидаларга бой ўлка. Қадимий Самарқанд, Бухоро, Хева, Тошкент, Қўқон ва Шаҳрисабз шаҳарларидаги нақшдор салобатли юксак бинолар, қуёш нурида заррин товланиб турган мовий гумбазлар, осмонўпар миноралар — ҳаммаси бугун жаҳоннинг эътиборини ўзига тортмоқда. Булар ўтмишдаги меъморчилик маданиятимизнинг ажойиб намуналаридир. Бу тарихий ёдгорликларда заҳматкаш халқнинг, қўлигул, зукко меъморларнинг санъати ўз ифодасини топган.

Совет давригача тарихий ёдгорликларни асрашга, уларни тиклашга жуда кам эътибор берилар эди. Бу ишлар тарқоқ, уюлмаган тарзда бажариларди. Бизнинг давримизда эса ёдгорликларни асраш ва тиклаш ишлари бевосита давлат муҳофазасига ўтган. Тарихий обидаларни таъмирлаш ва асраш масалалари билан давлатимизнинг расмий ташкилотлари шуғулланадилар.


Умумхалқ аҳамиятига эга бўлган бундай хайрли ишларга ҳукуматимиз кўплаб маблағ ажратмоқда. Масалан, Самарқанддаги биргина Нодирдевонбеги мадрасасини таъмирлаш учун 1978 йилда 1 миллион 119 минг сўм ажратилган. Шунингдек, шаҳардаги Улуғбек, Шердор, Тиллақори, Бибиҳоним мадрасаларини таъмирлаш ишларига ҳам анчагина миқдорда маблағлар сарфланди. Лекин таъмирлаш ишлари ҳамма жойда ҳам сифатли олиб борилапти, деб бўлмайди. Масалан, Бухоро шаҳридаги арк пухта таъмирланмаганлиги учун қулаб тушди. Бундай кўнгилсиз ҳоллар бошқа такрорланмаслиги керак.

Ўзбекистон Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамияти правлениесининг шу йил июнь ойида Тошкентда бўлиб ўтган пленумида республикамиздаги меъморчилик обидаларини сақлаш ва улардан фойдаланиш ишларини тубдан яхшилаш масалалари кенг муҳокама қилинди. Унда республикамизда кўчана меъморчилик ёдгорликларини таъмирлаш ва улардан фойдаланиш соҳасида анчагина тажрибалар тўпланганлиги қайд этилди. Хусусан, бу борада Самарқанд шаҳридаги Регистон, Бухоро шаҳридаги Лабиҳовуз ва Хева шаҳридаги Ичонқалъа музей-қўриқхоналарининг ишлари эътиборга моликдир.

Умуман, республикамизда тўрт ярим мингдан кўпроқ ёдгорликлар давлат муҳофазасига олинган. Ўз сафларида тўрт миллиондан кўпроқ кишини бирлаштирган республикамиздаги энг



Самарқанд шаҳридаги тарихий обидалар.



йирик кўнгилли ташкилотлардан бири — Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамияти халқимизнинг ажойиб тарихий мулкни сақлаб қолиши ва мана шу муҳим ишда совет ва хўжалик идораларининг куч-гайратларини бирлаштириши ҳамда йўналтириши лозим эканлиги пленумда алоҳида таъкидланди. Сўзга чиққан нотиклар мазкур жамиятнинг ўн икки мингдан иборат бошланғич ташкилотининг ҳаммаси ҳам фаоллик билан иш олиб бормаётганлиги ҳақида афсусланиб гапирдилар. Уларнинг аксариятининг иши аъзолик бадалларини йиғишдан нарига ўтмаётганлиги айтилди. Вазифа — қайта қуриш талаблари асосида бу борадаги ташкилотчилик ва маданий-оммавий тарғибот ишларини тўғри ташкил этиш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга жиддий эътибор беришдан иборат. Ахир, шу пайтгача кўпинча бу соҳани билмайдиган кишилар жамиятнинг район ва шаҳар Советларига раҳбар этиб тайинлаб келинди.

Пленум қатнашчилари республикада тарихий шаҳарларнинг ҳолати жиддий ташвишли аҳволда эканлигини ҳам айтиб ўтдилар. Ана шундай шаҳарларнинг кўпчилигида эски шаҳар тураржойлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган, тартибга келтирилмаган. Кўпгина бинолар эса ҳалокат ҳолатида. Бундай биноларни қайта тиклаш ва сақлаб қолиш муаммоси мураккаб бўлиб, уни тегишли министрликлар, идоралар, ижодий союзлар ҳамкорликда ишга киришиб, қатъий илмий асосда ҳал этишлари мумкин. Шунингдек, ёдгорликлар замонавий қурилишлар орасида кўрсиз қотиб қолмаслиги керак. Аксинча, улар кишининг эътиборини ўзига тортадиган, жозибали жамоат марказлари бўлиб қолиши лозим. Бу борада мамлакатимизнинг Суздаль, Новгород, Таллин, Вильнюс, Тбилиси, Боку каби шаҳарларида тўпланган тажрибаларни пухта ўрганиш ва ундан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Пленумда Н. А. Муҳиддинов Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамияти правлениесининг раиси қилиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

Пленум ишида Ўзбекистон ССР Олий Шовети Президиумининг Раиси Р. Н. Нишоннов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. Н. Лобко иштирок этдилар.

ЎШАНДА Ғалаба байрами арафаси эди. Мўъжазгина хоналардан бирининг эшиги тақиллади. Эшикни бугдойранг, қотмадан келган, киррабурун, қўлтиқтаёққа суянган отахон очди.

— Келинг, болам.

— Кечирасиз... сиз Раҳмон Худойбергановмисиз?

Йигит аввал отахон суянган қўлтиқтаёққа, сўнгра унинг бир почаси шалвираб осилиб турган шимиға тикилиб қолди... Отахон унинг ҳолатини сезди, шекилли:

— Болам, уруш асорати-да... Энди ўрганиб кетганмиз, — дея йигитни ичкарига таклиф қилди.

— Москвадаги ҳарбий архивдан сизнинг уруш йилларида орденга тавсия қилинган-лигингиз тўғрисида хабар келди, — деди йигит ниҳоят отахонга зимдан тикилганча.

Хушхабардан отахоннинг кўзларига ёш қалқди. Хайрият, саргайган ҳарбий ҳужжатларда унинг ҳам умр излари бор экан.

— Ҳа, Ватан учун фидойилик беиз кетмас экан-да, пичирлади отахон. — Раҳмат, ўғлим, бизни йўқлаб келганингиз учун.

Шу топда отахон ўша оғир кезларни эслаб кетди. Каттақўрғон шаҳрининг биргина Шўргузар кўчасидан 1941 йилнинг ёзида бир гуруҳ тенгқур йигитлар фронтга жўнадилар... Раҳмон ёшлигидан ота-она меҳрига зор бўлиб улғайди. Уни Вера Цимбаль деган аёл ўғил қилиб олди. Урушга кетаётганида Вера холанинг овози титраб:

— Ўғлим, қаерда бўлсанг ҳам сени интизор бўлиб кутаётган ёлғиз онангни — мени унутма, — дея уни кузатиб қолди.

Раҳмон Худойберганов уруш йилларида 1-2-Украина фронтларида жанг қилди. Ҳам жасорат, ҳам эҳтиёткорлик талаб қиладиган энг масул ва хавфли иш — разведкачилик унинг зиммасига тушди... Львов шаҳрининг ғарбида жойлашган аҳоли йшайдиган пунктни озод қилиш учун жангга тайёргарлик борарди. Катта сержант Раҳмон Худойберганов душман позициясини аниқлаш учун тўрт жангчи билан разведкага жўнади.

Улар тонг қоронғусида сайхонликини оралаб бугдойзорга чиқиб қолишди. Пишиқчилик кезлари, бўлиқ бугдойзор оралаб боришарди. Раҳмоннинг кўнгли бирдан ажаб-товур бўлиб кетди. Кетмонни соғинган кафтлари билан бугдой бошоқларини эзиб, тоза-лаб бир сиқимини озига ташлаб чайнади. Нон таъми! Қани энди имкон бўлсаю, ўроқни олиб, бир хумордан чиқса-я...

Варангланган ўқ овози унинг хаёлини бўлди. Разведкачилардан бири йиқилди. Қолганлар дарҳол ўзларини бугдойзор орасига ташлашди.

— Ўртоқ катта сержант, душман снайпери!

— Сизлар чалғитиб туринглар, мен нариқдан кузатаман.

Разведкачилардан бири каскасини автоматга илиб юқорига кўтарди. Раҳмон ўн метрча нарироққа ўтиб, дурбин билан атрофни кузатди. Олиса — дарахт айрисига бемалол жойлашиб олган душман снайперини кўрди. Раҳмон яхшилаб мўлжаллаб, милтиқ тепкисини босди. Душман кучала еган итдай тиришиб ерга йиқилди.

Раҳмон ўрнидан бир зум туриб, атрофга қаради. Бирдан ўзига қадалиб турган душман пулемётининг совуқ амбразурасини кўриб қолдию, ўзини ерга ташлади. «Нега ўққа тутишмади?» Биринчи хаёлига келган савол шу бўлди унинг. Бироқ жавоб тополмади.

Бир оздан сўнг қўққисдан ҳандақ тепасида немис солдати пайдо бўлди.

— Золдат, иди кнам, белий хлеб есть! Ўқ овози эшитилди. Душман пулемёти

ВАТАН УНУТМАЙДИ

ҳам ишга тушган эди. Раҳмон фашистлар уларни қўлга тушириш учун чап томондан ўрай бошлаганини сезиб, осмонга ракета отиб, сигнал берди.

Бизникилар етиб келишганида, Раҳмон ўнг қўлидан қаттиқ яраланиб хушсиз ётар, қолган учта жангчи позицияни қўлдан бермай ҳалок бўлган эди...

Раҳмон Худойбергано́в госпиталда даволаниб чиққач, Киевни озод қилиш учун бўлган жангларда қатнашди.

— Худди кечагидай эсимда, — дейди Раҳмон ака жанг воқеаларини эсларкан. — Биз қишлоқ ва шаҳарларни озод қилиб, ғарбга томон силжиётгандик. Қулай позицияга жойлашиб олган душман ҳалқасини ёриб ўтиш керак эди. Душман томондан ўқ чиқмайди, биз ҳам олдинга бораяпмиз... Бирдан ҳужумга ўтиб қолишди. Душман снарядлари ён-атрофимизда портлай бошладди. Мен ўзимни ҳозиргина снаряд ўйиб юборган чуқурга ташладим. Олдинги турган жойимда снаряд портлаб, тупроғини тўзғитиб юборди. Енгил жароҳатландим. Ушанда қаттиқ талофат кўрдик, бироқ душман ҳалқасини ёриб ўтдик... Хуллас, душман ҳар бир қарич ер учун қаттиқ қаршилик кўрсатар, кўп талофатлар билан чекинади. Ана шу тариқа қуролдошларимиз билан душманни Варшавагача қувиб борганмиз.

Шаҳар вайроналари ичида жанг кетарди. Фашист газандлари боши янчилган илондай ўзини ҳар томонга урарди. Жанглардан бирида Раҳмон шундайгина ёнида портлаган снаряд зарбидан ҳушини йўқотди... Уни бир кундан кейин кўлмак сув ичидан ярим белигача кўмилиб ётган ҳолда топиб, госпиталга жўнатдилар.

Раҳмон Худойбергано́в Свердловскдаги госпиталда қарийб икки йилча бир оёғи гипсга солинган аҳволда ётди. Дори-дармонлар кор қилмади. Тиззадан юқорида, сондан узилган оёқ шалвираб қолганди. 1946 йилда Тошкентдаги госпиталга жўнатишди. Раҳмон ака бу ерда ҳам бир йилча даволанди.

— Доктор, оёғимни кесинглар... Мен розиман, — деди у бир куни ўзини қўлга олиб даволловчи врачга.

— Иложи йўқ. Сизга наркоз беролмаймиз. Шундай ҳам жуда кўп наркоз олгансиз.

— Майли, наркозсиз... Бу ёғи пешонамдан...

Унинг оёғини кесишди. Чидади. Ҳушидан

кетди... Кўзини очса, тепасида хушрўй ҳамшира қиз йиғлаб ўтирибди.

— Лазокат... Нега йиғлаяпсиз?..

Қиз бир сесканиб тушди. У ўз акасидай яқин бўлиб қолган бу йигитнинг ҳушига келганидан қувонди.

— Ўзим... Акамнинг ҳам бир оёқлари фронтда қолиб кетган, — дея гапни бошқа ёққа бурди у.

— Ҳа, уруш кўпчиликининг дилини, вужудини мажруҳ қилди. Кўплар ном-нишонсиз кетди...

Шу ерда, госпиталда Раҳмон азиз кишини топди. Тўғрироғи, ўзининг Лазокатга шунчалик азиз бўлиб қолганини сезмаган экан. Госпиталдан чиққач, тўғри Лазокатларникига борди, акаси билан танишди. Кейин Лазокат билан турмуш қурди, ишга жойлашди. Сўнг тутинган онаси Вера хола-ни, ҳамқишлоқларини зиёрат қилиш учун Каттақўрғонга борди. Онаси уни кута-кута интиқлик билан оламдан ўтган эди. Раҳмон ўзи учун энг азиз бўлган муқаддас зотнинг қабрига гулчамбар қўйди.

— Она, мени кутаман дегандингиз, майиб бўлсам ҳам қайтиб келдим. Балки, сизнинг шу сўзларингиз мени ажал чангалидан сақлаб қолгандир, — дея пичирларди унинг лаблари.

Каттақўрғон шаҳрининг Шўргузар кўчасидан фронтга кетган ўн икки алп йигитдан фақат икки нафарига яна эрта баҳорда қишлоқ тепасидан учиб ўтадиган турналарни кўриш nasib этди... Улардан бири Раҳмон, иккинчиси Султон исмли йигит эди. Қолган ўн нафар қарчига йигит эса она Ватан учун курашиб, буюк Ғалаба йўлида ҳалок бўлдилар.

Улуғ Ватан уруши ҳамда меҳнат ветерани Раҳмон Худойбергано́в қирқ тўрт йилдири, Лазокат опа билан тинч-тоғув умр кечириб келмоқда. Отахон (муқованинг 1-бетига қаранг) маҳалла комитетининг аъзоси сифатида жамоат ишларида фаол қатнашади. Маҳаллада бирор тўй, маърака Раҳмон отанинг иштирокисиз ўтмайди. Бундан бир неча йил аввал СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан унинг кўксига орден ва медаллари ёнида яна бир нишон — III даражали Шуҳрат ордени порлади. Ҳа, Ватан қаҳрамон фарзандларининг жасоратини ҳеч қачон унутмайди!

Нурилла ОСТОНОВ,
Маннон АБДУҚАҲҲОРОВ

ЖАМИЯ- ТИМИЗ ФАХРИ

Журналнинг 3-сонига берилган «Нурли хонадон» мақоласини алоҳида ғурур билан ўқиб чиқдим. Ҳақиқатан олти нафар навқирон ўғилни оила учун муносиб фарзанд, халқ хўжалигимиз

учун керакли кадр қилиб тарбиялашда жонкуярлик қилган Фароғат ая Миркомиловага ўхшаган шайру бадавлат онахонларимиз жамиятимиз фахридир.

Мана, мен ҳам бу йил ўрта мактабни тамомлаш арафасида турибман. Истеъдодли олимлар бўлган ака-ука Миркомиловларнинг камолоти мен ва тенгқурларим учун ибратдир. Биз-

лар ҳам ўқиб, ишлаб ҳаётда ўз ўрнимизни топишга, Миркомиловлар сингари эл назарига тушишга астойдил ҳаракат қилишимиз лозим. Бунинг учун партия ва ҳукуматимиз ҳамма ша-роитларни яратиб берганлар.

Ғуллом РАСУЛОВ
Вобкент район,
«Коммунизм» колхози

Юсуф Хос ҲОЖИБ

ҲИКМАТ ЧИРОҒИ

(«Қутадғу билиг»)

БАҲОР ТАЪРИФИ

Қутлуғ насим эсди тонгла туғардин¹,
 Яъни ер беҳишти — эрта баҳордин.
 Кофур кетди, замин арғувон бўлди,
 Жаҳон безангучи навжувон бўлди.
 Эринчак қиш кетиб, сахар эпкини
 Келинчак баҳорнинг ёйди сепини.
 Қуёш қайтди яна қутлуғ ўрнига —
 Балиқ қуйруғидан Қўзи бурнига².
 Елонғоч оғочни кўр, яшил кийди,
 Юпунлуғ йўқ энди, оташин кийди.
 Ер яшил пардасин тортгани ҳамон,
 Тавғоч карвонлари кетди тўрт томон.
 Керишиб қир, адир, тоғлар узалди,
 Кўк, қизил кийинган бу не гўзалди(р)?
 Чечаклар кулдилар очилиб гул-гул,
 Ерни ифор ҳиди тутибдур буткул.
 Чиннигул атрини таратди сабо;
 Гул — жаҳон, эғнида бу мушқин қабо.
 Қилқуйруқ ҳам оққуш, ўрдак била роз,
 Осмонда олиб ҳуш, ўйнар сарафроз.
 Бир ипга тизилган тугмадек турна,
 Келиннинг чирилган қошидек бурма.
 Уларқуш³ ун тортиб, чорлар ўз эшин,
 Гўёким, гўзал қиз кўнгил бермишин.
 Каклик кулиб ўзни қилди масхара,
 Қизил оғзи қондек, қоши қоп-қора.
 Қора зоғ оғзини очса қағиллаб, —
 Тантиқ қиз озови чиқди вағиллаб.
 Гулзорда минг турли булбул лисони,
 Туну кун тиндирмас сури Иброни⁴.
 Қирмизи чечаклар устида жайрон,
 Олам ошуфтаси ошулар ҳайрон,
 Осмон қовоқ уйиб, ёш сочар, ваҳ-ваҳ,

Гуллар кулиб-кулиб, юз очар, қаҳ-қаҳ.
 Дунё таъна қилиб, хафақон сўзин
 Айтди: Кўрмадингми бу хоқон юзин?
 Тур энди, кўзинг оч, ухлаган бўлсанг,
 Сўзимга қулоқ ос, билмаган бўлсанг.
 Туман йиллар ёлғиз, маънос тул эдим,
 Эғнимда оқ либос, бугун гул кийдим.
 Безандим ки, улуг хон бўлди бегим,
 Тикайин бу қутлуғ жонимни текин.
 Булут гумбуллатиб ноғора қоққач,
 Яшин чақса, дегил: Тиг тортиди Тавғоч.
 Чақин қиндан чиқди — қўшар эл бошин,
 Ноғора товуши доим йўлбоши,
 Юриб юрт сўради Тавғоч Бугроҳон,
 Ато бўлсин анга бу икки жаҳон.
 Эй, давлат таянчи, элнинг суянчи,
 Эй, миллат тожисан, диёнат ганжи,
 Дуонг ижобатдир, берди тилагинг,
 Бу бор иноятда раббим тирагинг.
 Эй, дунё жамоли, улуглик кўрки,
 Уткинчи толенинг измингда эрки.
 Бу чарх айланишин баланд-паст бор,
 Тахту бахтинг тангри қилсин устивор.
 Олам қарор топди бошингда, эй хон,
 Сенга дунё берди ва менга илҳом.
 Бу қушлар қуйилиб келди ҳаводан,
 Ҳинду ҳам Рум деган турли маъводан.
 Дилда хушвақтлигу қувонч — навоси,
 Отингни мадҳ этмак чин муддаоси.
 Бу турфа кўрк бирлан очилган чечак,
 Бўйлаким, бекорчи эмасдир бешак.
 Баъзи хизматдадир таратиб атир,
 Баъзи эшик очиб, юзин кўрсатир.
 Баъзи чилим тутар, майин қўл чўзиб,
 Ақлингни элитар айрим кўз сузиб.
 Баъзилар Машриқдан — бошда тугуни,

Мағрибдан баъзилар, келиб ҳар куни —
 Эшиқда турар бахт, иззат кўрсатиб,
 Эшиқбон эрур вақт хизмат кўрсатиб.
 Бу янглиғ хизматга тутинди очун,
 Ёғийлар дўст бўлди, очди қулочин.
 Жаҳонга бонг чалди хоқоннинг кўси⁵
 Ичқора нечовнинг қочди уйқуси.
 Одил сиёсатдан осойиш жаҳон,
 Юсак ном қозонди бу боис хоқон.
 Ким сахий сувратин кўрмоққа ташна,
 Ул хоқон юзида турибди яшнаб —
 Жафосиз, вафоли бу қутлуғ дийдор
 Аксида сафоли толе пойидор.
 Агар беиёнсан, сўрарсан изн,
 Бери кел, хизмат қил, кўнгил бер, исин.
 Хушфеъл шоҳ истасанг, одил, оққўнгил,
 Кўнглинг тилагини, кел, унда кўргил.
 Эй, хушхулқ, наслинган эзгу бу уруғ,
 Кўп яша, сенингсиз жаҳон қуп-қуруғ.
 Эй, туркка берибдур хонлик муҳрини,
 Анинг зикрини қил, анинг шукрини.
 Эскилардан қолган битта ўғил гап:
 Ота ўрни, оти — ота ўғилга!
 Турфа тухфа сенга талайдир, элиг,
 Илк менинг тухфам лек — «Қутадғу билиг».
 Ул турфа тухфалар келар, йўқолар,
 Қуруқ сўз бўлса ҳам, бу мангу қолар.
 Қўлдан кетгусидур, йиғсанг мол-дунё,
 Билъакс, дунё кезган боқий сўз — кимё.
 Хоқоннинг китобга битилди оти,
 Бу от боқий қолди, ҳам туркий зоти.
 Тилакни тугал қил, юртни зиёда,
 Одамга мадад бўл, ёраб, дунёда.
 Дўстини эсон тут, ёғийси ўчсин,
 Қувончин осон эт; қайғуси кўчсин.
 Гул ҳар вақт кўп бўлсин, ёмғирдан қўйма,
 Дов-дарахт кўк бўлсин; иримга йўйма! —
 Қут, омад келтирсин кажрафтор фалак,
 Дўстлар омон бўлсин, душманлар ҳалак.
 Бўз ерининг юзини мисдай қизил қил,
 Ям-яшил ўт ўссин, ҳам қирмизи гул.
 Туркийлар тахтини бахти билан бер,
 Бахиллар бўғилсин, нақди билан бер.
 Демаким, кўп бўлди кўкнинг кўмаги,
 Бу элнинг сен билан орзу-тилаги.
 Хўрсинмасдан, хурсанд ошаб ошини,
 Яллиси яшасин Луқмон ёшини.

СЎЗ ЭҒАСИНИНГ ЎЗИДАН УЗРИ

Эй, ҳаким, дунёда бир тилагим — сўз,
 Ўздан сўнг келганга билдирмагим — сўз.
 Заковат дер бу нав: сўздир ибтидо,
 Зарарга етмас наф, сўз кетса хато.
 Эл тили ёмондир, феъли беомон,
 Ҳасади этингни ейди бегумон.
 Туним кундуз бўлар, енгил ғам юки,
 Ўзлигим сўз билан солдосам тўкиб.
 Не сир, деб сўрасанг, бу не ташвишинг? —

Қадимги обидаларни бир неча кўринишда қайта таржима қилиш тажрибаси аллақачон кенг қўлланилмоқда. Масалан, «Игорь жангномаси» достони ҳам тағлама, ҳам илмий-изоҳли таржималарда ва ҳам бир нечта бадий-шеърый таржимада замонавий рус тилида нашр эттирилган бўлиб, рус, украин, белорус китобхонлари бу вариантларнинг ҳар биридан фойдаланиш имконига эга. Арман, грузин, форс, юнон адабиётининг қадимги намуналари ҳам мана шундай «замоналаштирилиб» ўқилмоқда. «Қутадғу билиг» — қадимги туркий тилдаги илж пандиомалардан. Мутахассис олимлар Қаюм Каримов билан Боқижон Тўхлиев асарни ҳозирги тилда тушунтириш йўлида талай заҳмат чекдилар. Бевоёита ана шу меҳнатлар меваси бўлмиш Саъдулла Аҳмад таржимаси эса, асарни чинакам шеърый йўлда қайта тиклаш тажрибасидир. Энг асосийси, у Юсуф Хос Ҳожиб руҳига ўзини ростлай олган. Улуг шоирнинг ўзига хос оҳангини туйиб, ундаги ийжа маъноларни ҳозирги китобхон идрокни ва дидига мослаш, айни вақтда қадимги давр тилининг файзини сездириш уддасидан чиққан.

Юсуф Хос Ҳожибда:

Тирилсуни туркан кути минг кутун,
 Тилинсуни кўрмас караки отун.

Қаюм Каримов тағламаси:

Турклар кути минг бахтлар била яшасин,
 Кўра олмайдиғанларнинг кўзи ўт билан тешилсин.

Саъдулла Аҳмад таржимаси:

Туркийлар тахтини бахти билан бер,
 Бахиллар бўғилсин, нақди билан бер.

Юсуф Хос Ҳожиб арузининг мутақориб баҳрида ёзишга интиланган (фаулуи, фаулуи, фаулуи, фаул). Аммо унда қадимги туркий адабиёт, фольклор таъсири бор: ҳижо вази, анафора, аллитерациядан кенг фойдаланган. Таржимонимиз ишида ҳам баъзан аруз, баъзан бармоқ алмашиниб туради; ички оҳангдошлик сероб. Хуллас, бу ижодий таржимадир. Шундай экан, айрим санъатлар, ифодалар ўрнини алмаштириш, маънога мос тушадиган янги ташбеҳлар қўллаш табиий ҳол. Саъдулла Аҳмад Хос Ҳожиб байтларининг аниқ мазмуни, ғоясидан четга чиқмай, бу имкониятдан фойдаланган. Таржимон ажойиб сўз ўйинларини, асарга хос хусусиятларни акс эттиришда устакорлик кўрсатган. Чунончи:

Подшолик ишида, ким билса ўзин,
 Иш кўзин билганга ишлатар сўзин.

Ёки:

Сўзим кўзга сурди, бир-бир ошурди,
 Қирғик аросига кўздек ёшурди.

Алқисса, бу — худди биз кутиб юрган таржима. Бундай таржима «Қутадғу билиг» қадрини ўзбек халқи наздида янада юксалтириши шубҳасиз. Бир неча ўн йилликларда бир бўладиган бу каби тадбирлар жиддий ва пухта ижодий ишни тақозо этади.

Нажмиддин КОМИЛОВ

Хатодан қўрқмасанг, юришар ишинг.
Одам бору хато, беайб бир худо,
Одам ундан ато: кимдан бу хато?!
Айтиб бер, қайда бор беянглиш киши,
Янглишган сонидан кетдим янглишиб.
Билимли оз жуда, билимсиз тўп-тўп,
Закийлар арзанда, заковатсиз кўп.
Кимда-ким билимли, ёвдир билимсиз,
Билимнинг йўлига ғовдир билимсиз.
Кишилик фарқи бор, эшит тилимдан,
Билимдон бу фарқни олди билимдан.
Закийга сўзладим мен ушбу сўзим,
Билимсиз тилини тушунмам ўзим.
Уқувсиз жоҳилга йўқ эса ишим,
Оқил хизматида доим эс-ҳушим.
Агарчи куйманиб сўзладим сўзим,
Ийманиб уэр ҳам сўрадим ўзим:
Сўзлаган адашар, сўзидан озар,
Заковат эгаси тузатиб ёзар.
Туя бурнидек сўз бурнида балдоқ,
Туя бўйнин бурса, буйла, сўз андоқ.
Билиб сўзловчидан сўз очсанг, эй, мард,
Ҳурматин бажо қил, бундайлар жўмард.
Нек ният қилди ким, билим келди қўл,
Билимдан топилди балки кўкка йўл.
Билим-ла сўзлади, ҳар сўзини, эр,
Билимни кўк билди, ҳам ўзини ер.
Бўз ерга сўз тушди ҳам яшил кўкдан,
Эр ўзин сўз бирла бор қилди йўқдан.
Тубсиз бир денгиздир, қара, бу кўнглим,
Инжудек чўкиб илм қаърига лим-лим.
Тил ўшал, инжуни ташиб чиқмаси,
Ким билсин, инжуни ё тош чўкмаси?
Ер ўйиб тупроқнинг олтин тошини
Олинса, безайдир беклар бошини.
Билимли билимин тортиб чиқди тил,
Тубда йиллаб ётса, дил ёримас, бил.
Заковат қошида кўк тушди чўкка,
Билимга эгар ур, учиб чиқ кўкка.
Заковат, фаросат эгаси бу бек
Элига нима дер, эй, қулоқ сол, тек:
Эй, жаҳон тутмоққа заковат зарур,
Элни кенгайтмоққа фаросат зарур.
Жаҳонгир закийдир — қўлида олам;
Эл феъли, тилини билиб ол, болам.
Олам одам билан безанган кундан,
Эзгу сиёсатни закий юргузган.
Қайси давр бўлмасин бугундан бурун,
Билимли эр олган энг буюк ўрун.
Бузуқлар заковат нуридан обод,
Билигсиз элни кўр, юрти харобот; —
Элни билим билан тозартолмасанг,
Лозимдир қўлингга олмосинг олсанг.
Билимли беклардан сўраб кўр, асти,
Билимсиз ишини қилич битказди.
Эй, олам тутмоққа керакдир зако,
Эл тилин билмоққа билим мутлақо.
Бу икков бошини тутган комилдир,
Комиллик шоҳликда эзгу омилдир.
Магарким, сен икки жаҳон тизгинин
Истарсан, чораси унинг эзгулик...

ЯХШИЛАР СУҲБАТИН ЯХШИЛИКЛАРИ

Эйки, халқ устидан қўлингдир узун,
Амал ҳам сўзингда эзгу бўл ўзинг.
Игитлик ўтару тириклик ўчар,
Бу олам бир тушдек, ул қушдек кўчар.
Эзгу бўл, тириксан, тортгил азият,
Эзгулик охири — битмас хосият.
Эшитким, яхшининг ушбодир сўзи,
Барчанинг саноқли ерда ризқ-рўзи.
Жаҳонда не янглиг эрлар туғилди,
Ажал чангалидан чиқмай бўғилди.
Хоҳ хоқон, хоҳи қул, яхши ё ёмон,
Ўзи ҳам исмидан из қолди омон.
Эй, сенга етибди тириклик гали,
Яхши бўл, ҳозирлан тирик кетгали.
Агарчи, охир ҳам тупроқ тўшаги,
Яхши ном тирикдир, мушкул ўчмаги.
Бу икки турли от тилда умрбод, —
Яхшидан яхши от ҳам ёмондан дод.
Ёмонга қарғишу яхшига олқиш,
Қай бирин танламоқ сенга боғлиқ иш.
Яхшисан, — мақталар яхшилик отинг;
Ёмонсан, — тақдирга нишон ҳаётинг.
Заҳқокким, нимадан тубан оти хок?

Фаридун не учун ном олди бахтнок?
Бир эзгу эди, эзгудир номи;
То ҳануз оғизда ёмон ҳангоми.
Ёмон ном истарсан ёки яхши ном,
Олқишми истарсан ё қарғиш мудом, —
Ихтиёр ўзингда, ўзингда изминг,
Лек ёмон исмининг пушмони юз минг.
Синалган ўлтирар тўрда тўкиб қўр,
Синаган, кўрганлар нима дейди, кўр:
Ким ёмон, — қаргалди; яхши — мақталди;
Ки, ёмон отлиқдан дод-бедод қолди.
Олдинлаб, кимда-ким, эзгулик иши,
Кундан-кун ёмоннинг кесилди кучи.
Ёмоннинг йўли кўп, — на ўнгу сўл йўқ,
Ёмонлик — бир ўтдир, ўтарга йўл йўқ.
Ёмонлик ўтида ёнади ёмон,
Ердам, деб ўлтирма, ёмон беомон.
Ўтмишдан удум бор этгувчи давом,
Хоҳ шоҳи жаҳондир, хоҳ бўлсин авом,
Билим олмоқ магар келди ҳушига,
Ўшал кун қўл урди дунё ишига.
Билимли малик ҳам қони тоза шоҳ,
Бил, эзгу қонунлар этибди ифшо.
Ҳозир ҳам, ким эзгу кўзида эзгу,
Элида фозил ҳам элига кўзгу.
Маликким, билимга яқин, донишманд,
Яқинлари дағи аҳли донишдан.
Кўзлаган ишига қараб, иши ҳам,
Оқилдир, ҳам иши, ҳам ташвиши кам.
Элни билим билан бошлаб бойитди,
Бошига билимни ул ҳумой этди,
Авом ғами билан яхши от олди;
Яхшилар ўлса ҳам, исми ёд қолди.
Ўлимни ҳақ билган халққа яқиндир,
Ўлиб ҳам, тирикка ибрат, ақлдир.
Номин нома қилиб, қолдирди бизга,
Эзгулик исмидек олиб тур эсга.
Очунда нима бор ортиқ билимдан?
Билимсизлик асли қаттиқ ўлимдан!
Ёши ошиб қолган, ҳам боши бутун
Донишманд нима дер, эшит ушбу кун:
Вашарти, билимсиз ўлтирса тўрдан:
Тўр — пойга, пойга — тўр, алмашар бирдан.
Донога пойгадан тегиб қолса жой,
Бу пойга тўрдан ҳам азиз, ҳойнаҳой.
Дунёнинг пойга ё тўрдан эшиги,
Билимнинг бошида ҳурмат бешиги.
Одамнинг асили, бил, икки турлик,
Бир — бек, бири — нек, яъни билимлик...
Қиличли қўл халққа беради буйруқ,
Қаламли қўлдандир ҳақли йўл-йўруқ...
Ўликдан тирикка меросдир бу сўз,
Мерос сўз устида икков юзма-юз.
Билимсиз кўр эрур очик кўз билан,
Билимли кўрни кўр, кўрди сўз билан.
Кишилик кўрки — сўз; сўз эса талай,
Кел, тилим, эзгу сўз эрни эркалай —
Азалдан бор шундай бир туркча масал,
Мослаб мен ёзайин, бўлсин муфассал:
Заковат кўрки — сўз, тил кўрки сўздир,
Одамзод кўрки — юз, юз кўрки кўздир.
Инсонки, сўз айтди, — лисон туфайли,
Яхши сўз туфайли, юзи чиройли.
Некликдан гапирдим, гапирай бекдан,
Бу турк бекларининг таърифи кетган.
Турк беги ичинда оти белгилик,
Тўнга Алп Эр эди, қути белгилик.
Биларманд, ҳунарманд, илмда буюги,
Закийдир, идрокли, халқнинг суюги.
Форсийлар ном берди, бу — Афросиёб,
Алп тўнга қўлида эл топди зиё.
Беҳад ортиқ эди санъати, илми,
Сўнг жаҳон ишига узатди қўлни.
Форсийлар ёздилар, қолди китобда,
Йўқса, ким биларди уни шу тобда.
Езувли, ботир эр нелар дейди, кўр:
Кўртуғун ёзувли эрдан ечилур.
Жаҳон сўрамоққа дил керак осмон,
Қулонни босмоққа, яъниким арслон.
Жаҳонгир туман минг илм бирла илдам,
Нур сочиб кўтарар туманин элдан.
Шоҳ улким, қиличи ёвни қўрқутса,
Адолат кучидан идора тутса.

Саъдулла АҲМАД таржимаси

¹ Туғар — кунтуғар, яъни кунчиқар.

² Баҳорда қуёш қут буржидан ҳамалга кўчади.

³ Уларқуш — тоғ қурқаси.

⁴ Сури Ибро — Иброний, Исрофил сури; хуш овоз.

⁵ Кўс — довул, духул, ноғора.



Самарқанддаги «8 Март» фабрикаси тикувчилари — Мунира ва Мамлакат Тоҳирова.



Чирчиқ трансформатор заводи Давлат қабули комиссияси раиси Юрий Евтушенко, катта уста Эрвин Грессм, назоратчи Любовь Кирина.

В. Мосин фотолари

УТГАН йили СССР Давлат фильмофондида бўлиб, «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган «Тоҳир ва Зухра» бадий фильмининг ягона нусхаси қолганлигини кўриб, ташвишландик. Уни реставрация қилиб, Тошкентдаги кино музейимизга жўнатишларини илтимос қилдик. «Тоҳир ва Зухра» фильми кадрларини монтаж ва рақлари асосида назаримиздан ўтказиб, хаёлимиздан: «Улуғ мутафаккир Алишер Навоий «Хамса»сидаги «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» достонларини, шунингдек, халқ оғзаки ижодининг ўлмас дурдоналари бўлган «Алпомиш», «Гўрўғли», «Қирқ қиз» каби йирик эпик достонларни, таниқли адибларимизнинг китобхонлар севиб ўқийдиган романларини, қисса ва поэмаларини ҳам экранлаштирадими?» деган фикр ўтди. «Тоҳир ва Зухра» сценарийсини ёзишда Собир Абдуллага Алексей Спешнев кўмаклашган эди. Эндиликда ана шундай ишларни амалга оширишга ҳеч қандай муҳтожлик йўқ. Бу — энг оммавий санъат сирасорларидан хабардор бўлган кинодраматургларимиз талайгина. Лекин гап малака, ишнинг

ёзгани сабаб бўлмади? Еки А. Галиев муаллиф Э. Тропинин билан биргаликда драматик қурилиши, образлар, воқеалар ечими жиҳатидан талабга мувофиқ жавоб бермайдиган «107-инструкция бўйича тўнтарилди» фильми сценарийсини ёзиб, нима учун бирорта бошқа студияга эмас, айнан «Ўзбекфильмга» олиб келган?

Аслида сценарий режиссёр билан ҳамкорликда ёзилиши керак. Е. Габрилович ва Ю. Райзман, П. Павленко ва С. Эйзенштейн, Э. Ҳамроев ва Н. Ғаниев ҳамжиҳатлиги ижобий самаралар берганлигини ким инкор эта олади? «Коммунист», «Сенинг замондошинг», «Александр Невский», «Фарғона канали», «Йигит» каби фильмларнинг яратилишига ана шу дўстона ҳамкорлик сабаб бўлмади, ахир!

«107-инструкция бўйича тўнтарилди» фильми сценарийсини ёки Д. Орлов ёзган «Жаҳаннамдан репортаж» («Ўзбекфильм»да Г. Бзаров экранлаштирган), В. Черних қаламига мансуб икки серияли «Сўнгги инспекция» («Ўзбекфильм», режиссёр М. Оғамирзаев) сценарийларини хоҳлаган студияда қўйиш ҳам, қўймаслик ҳам мумкин. Сценарийларнинг мавзуси ранг-баранг, лекин бадий жиҳатдан бўш.

ранда ҳаққоний тасвирлаш ҳақида назарий фикрларини баён этиш билан бирга ўзи ҳам намуна кўрсатган бу арбоб Шарқ аёли ҳақида экран воситаси ила ҳикоя қилар экан, Урта Осиё халқлари, туркман, ўзбек, қирғиз, тожик, қозоқ хотин-қизларининг ўтмишдаги аянчли аҳволи ҳамда Октябрь инқилобидан кейинги янги турмуши ҳақида чуқур билимга эга эканлигини кўрсатди. Вертовнинг кадрлари кишини ҳаяжонга солади. Бу ажойиб аъёналардан ўрнак олиш ўрнига республикамиз ҳаётини узокдан туриб, ўқиган китобларига суяниб сценарий ёзадиганлар, ҳаттоки ўзгаларнинг хотиралари асосида сценарий ёзаётганлар кўпаймоқда. Марказий студиялар учун бақувват сценарийлар ёзаётган машҳур кинодраматург В. Черних «Ўзбекфильм»да икки серияли телевизион бадий фильмининг сценарийсини яратиш учун М. Табакиннинг «Юз кун» деб аталган хотиралар китобидан фойдаланган. Натижада студиямиз режиссёри Э. Хачатуров 1985 йили шу сценарий асосида фильм яратганида, 20-йилларда ўлкамизда содир бўлган воқеаларнинг ўзига хослиги, қаҳрамонлар характерларининг нозик қирралари очилмай қолганлиги маълум бўлди. Актёр Мурод

ўрганганлар. Шу изланишлар натижасида томошабинни тўлқинлантирадиган мустақил кино асари яратилган. Юқорида номлари санаб ўтилган «таклиф этилган» муаллифлар эса ўзбек совет адабиёти асарларига фақат манба сифатида қараганлар. Натижада бир адабий шаклда ўзининг бадий ифодасини топган воқеа, факт, образлар иккинчи эстетик шаклдаги киноасар яратиши учун материал, илҳом манбаи бўлолмаган.

«Чапаев», «Она», «Инсон тақдири», «Тошкент — нон шаҳри», «Қизил олма» каби ўнлаб ленталар шуни кўрсатадики, адабий асарни экранлаштирмакчи бўлган кинематографчилар фақат китобдан фойдаланибгина қолмай, ёзувчи ўрганган объектга қайта мурожаат этиб, фактларни бир-бирига қиёслаб, қаҳрамон излаб, композиция тузиб, воқеаларни бир-бирига экран драматургияси талаб этган шаклда улаб, янги асар яратишлари зарур. Адиб ижодининг қадрига этиш, унинг меҳнат маҳсули бўлмиш катта ёки кичик асарга ҳурмат билан қараш—киносанъаткорнинг бурчи. Шу билан бирга, сценарийнавис қўлига қалам олишдан олдин ёзувчи босиб ўтган машаққатли йўлдан юриши ва кино қонун-қоидалари-

Ҳамидулла АКБАРОВ,
филология фанлари доктори

МУҚАДДАС БУРЧ

амалий натижасига келганда, хижолат торта бошлайсиз. «Ўзбекфильм»да малакали сценарийнавислар, маҳоратли кинодраматургларнинг янги отрядини тайёрлаш ишига истеъдодли ижодкорларни жалб қилиш кўнгилдагидек эмас.

Халқимиз руҳига мос, ҳамма бирдай севиб томоша қиладиган фильмлар яратиш учун устоз драматургларимиз мерос қолдирган анъаналарни эсдан чиқармаслигимиз лозим. Киносанъатимиз тарихида бунга мисоллар етарлидир. Алексей Спешнев Собир Абдулла билан биргаликда ишлаганида ёки В. Шкловский Иззат Султон, Уйғун билан Алишер Навоий образини яратишдек маъсулиятли вазифани бажаришганида ҳам Шарқ маданиятини, унинг ўзига хос хусусиятларини, 40-йиллардаги Ўзбекистон ҳаётини чуқур билган. Эндиликда эса «Ўзбекфильм» «хотамтойлари»нинг кўмаги билан «ижоди гуллаб-яшнаётган», тасодифий «кинодраматурглар»ни, уларнинг ижодий маҳсулини кўриш ҳеч қимми ажаблантирмай қўйди. Студиямизда суратга олинган «Етти орзу-умиднинг камалаги» фильмининг бадий саъзлиги, ҳаёт мантиқига зидлигида Аҳмадхон Абу Бакарнинг заиф сценарий

Сценарийни ким ёзса ҳам, мавзунини, қаҳрамон қиёфасини, характерини билган, материални танлай оладиган, уларни ўрганган, ўзлаштирган ижодкорлар ёзсин. Экранда тасвирланмоқчи бўлган қишлоқ, саҳро, чўлу биёбонлар ҳамда у ерда истиқомат қилувчиларни кинодраматургларимиз республикамизни кезиб, шу куннинг чин қаҳрамонларини топиб, уларни муносиб тарзда бадий талқин қилиш йўлларини излаш зарурлигини Давлат фильмлар фондида сақланаётган асарлар ҳам эслатиб турибди. Бу ленталардан нусхалар олиниб, республикамиз экранларида намойиш этиш нега мумкин эмас?

Кинопублицист Дэига Вертовнинг «Ленин ҳақида уч қўшиқ» деб аталган ажойиб лентасини олинг! Хроникани образли публицистика даражасига кўтариш, ҳаёт воқеаларини ҳужжатли эк-

Ражабовнинг маҳорати ҳам фильмининг қизиқарли чиқишига ёрдам бераолмади. В. Акимовнинг Одил Екубов, Д. Василиунинг Е. Березиков, М. Манжериккийнинг Мирмуҳсин, Я. Филипповнинг Худойберди Тўхтабоев асарларидан фойдаланиб (бу рўйхатни узок давом эттириш мумкин) сценарий ёзишлари, оригинал асарларни хоҳлаганча ўзлаштиришлари ҳам ана шундай кўнгилсизликларга сабаб бўлди. Роман, қисса, ҳикоя экран шаклига келтирилганда, бундан бошқача бўлиши мумкин эмас, деганлар ҳам топилди.

«Фильмлар хазинаси»да ака-ука Васильевларнинг «Чапаев» фильми ҳам авайлаб сақланмоқда. Қаранг, Д. Фурмановнинг «Чапаев» романи руҳи кинолентага қанчалик сингиб кетган. Совет ёзувчиси ўртага тащлаган масалалар, Қизил Армия комиссарининг мураббийлик роли фильмда тўғри талқин этилганини машҳур олимлар, санъаткорлар қайд қилганлар. Бу муваффақиятнинг боиси шундаки, ака-ука Васильевлар Фурманов романига катта ҳурмат билан қараганлар, айни вақтда 20-йиллар воқеаларини, граждандар уруши қатнашчиларининг ҳаёти, жасорати, қўмондонлар қўллаган тактика ва стратегияни синчиклаб

ни назарда тутиб, янги бадий шакл излаши керак.

Сценарий ёзишга киришган баъзи муаллифларга (айниқса бошқа шаҳарда истиқомат қилувчи, лекин сценарийни «Ўзбекфильм»га ёзиб юборувчи), кинодраматургларга республикамизнинг жўшқин ҳаётини кўриш, ўрганишга нима халақит бермоқда? Нега шундай енгил-елпи ёзилган сценарийлар студияда қабул қилинмоқда, нега режиссёрлар уларни экранга олиб чиқмоқдалар? Бундай режиссёрларга қўйидаги мисолни ибрат қилиб кўрсатгинг келади: москвалик режиссёр А. Усольцев 1934 йили Тошкентга келганида унга «Мешкобининг авлоди» деб аталадиган бадий жиҳатдан жуда бўш сценарийни берганлар. Шунда у сценарийни ўқиб чиқиб, унинг нуқсонларини кўрсатган ва экранга олиб чиқиш мумкин эмаслигини очиқ-ойдин айтган. Сценарийдан нега воз кечганлиги сабаблари ҳақида ҳаттоки маҳаллий матбуотда ёзган ҳам. Шундан кейин у бошқа драматурглар билан бирга ишлаган. Республикаимизга оиласи билан кўчиб келган. «Мен сотқин эмасман» (кейинчалик «Қасам» дейилган) деб аталган сценарийнинг яратилишида фаол қатнашган. Тошкентда, Фарғона водий-





ОТАЛАР ВА БОЛАЛАР

Хўжаобод районидаги «Ленинград» колхози правлениеси 1930 йилги боғ ташкил этишига қарор қилган, Неъматулла Назаровни боғбонликка муносиб кўрган эди. Бу миришқор шу боғга бор меҳрини бағишлади. 1942—1943 йиллари Улуғ Ватан уруши жабҳаларида жанг қилди. Урушдан ярадор бўлгани сабабли қайтиб, яна бутун кучини боғ парваришига сарфлади. Роппа-роса 48 йилдан кейин боғбонликни фарзанди Тожиддин Назаровга топширди. Ҳозир ўғли «Ленинград» колхози раиси бўлиб ишламоқда. Аммо боғни ҳам унутмайди, бўш вақтларини шу ерда ўтказди, дарахтларни, тоқларни парваришлайди.

Суратда: ота ва ўғил — Неъматулла ва Тожиддин Назаровлар.

М. Пенсон фотоси


— Жонибеков амакимга ўхшаб, мен ҳам космонавт бўламан...

А. Жумаев фотоси



Қўриниши.

В. Моисеев фотоси



Марказий Осиё тоғ эчкиси.



ТАБИАТНИНГ «ҚИЗИЛ КИТОБИ»ДАН...



Бўри.



Сибирь тоғ эчкиси.

В. Моисеев фотолари



Иўлбарс.



Устюрт кўйи — аркал.



Қизилқум, тузлар...



Ондатра.



Ўқилон.



Чипор илон.



Кулранг эчкиэмар.





Ширин.



Чўкки.

**РАССОМЛАР—ҒАЙРАТ КАМОЛОВ ВА
МИРҲАМИД СОБИРОВ ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР**



Тоғ бағрида.



Уч опа-сингил.

сида Улуг Ватан уруши бошла-нишига қадар яшаган, ижод этган. «Қасам» ҳамда «Еқут юдузлар» бадий фильмлари режиссёрлик қилган бу санъаткорга кейинчалик Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби унвони берилиши ҳам бежиз эмас. Нега шундай анъаналар унутилиши керак?

Яқинда «Амирнинг махфий саёҳати» деб номланган янги ўзбек бадий фильми экранлаштирилди. Уни томоша қилиб ўйга толасан киши: ахир, бизга ҳозир Бухоро амири саёҳатининг нима кераги бор? Ахир, Ғ. Ғулومнинг «Нетай» қиссаси шу ҳақдами? Нега уни экранлаштиришда кинодраматург ўзига бунчалик эрк берган? Ниҳоят, нима учун режиссёр Ф. Давлетшин томошабинни шу куннинг долзарб муаммоларидан чалғитадиган бундай сценарий экранда ҳам умр кўришига, миллионлаб томошабинларнинг қимматли вақти, минг-минглаб сўм маблағ беҳуда кетишига йўл қўйиб берган?

Ўзбек кино санъаткорлари ўз ижодларида катта адабиётга мурожаат этганларида, малакалари ошиб бориши учун замин тайёрлагандек бўладилар. Латиф Файзиёвнинг дастлабки ленталари Ҳамза, Ойбек, кейинчалик А. Қаҳҳор ҳамда М. Шайхзода асарлари билан боғлиқ бўлганлигининг аҳамияти қанчалик катта. Режиссёр камол тонди. Адабиётдан катта ижтимоий мавзуларни танлашни, кучли характер яратишни, ёритилаётган масалаларга кенгрок қарашни ўрганди. Шу боисдан Ойбекнинг «Болалик» китоби яна бир ёш режиссёр — Фирдавс Зайниддиновнинг кино оламига кириб келишига сабабчи бўлди. Тўғри, «Ораулар оғушида» деб аталган бу фильм сценарийсини режиссёрнинг ўзи ҳамда В. Жданов эмас, адибнинг устахонаси билан таниш бўлган, Ойбекнинг ички дунёсини чуқур билган, ҳис қилган қалам соҳиби ёганида, мазкур лентанинг бадий савияси янада юқори бўлар эди. Шундай бўлганида, китобдан фақат айрим воқеалар, образлар олинмай, аввало адабий асарнинг фалсафий замини, ўзига хос бадий услуби экранда сақланиб қолишига имкон туғилар эди.

Дарвоқе, кейинчалик СССР халқ артисти унвонига сазовор бўлган, А. Қодирий асарларини экранлаштирган Иўлдош Аъзамовнинг кинодаги илк қадами ҳам ҳикоялар асосида яратилган «Аня» фильми билан (1927 йил) боғлиқ бўлди. Али родини ўйнаган И. Аъзамов ўз ижодида сценарийдан, режиссёр кўрсатмаларидангина эмас, адиб С. Григорьевнинг асарларидан ҳам фойдалангани сезилади.

Халқимизда дарахт илдизи билан тирик, деган мақол бор. Устозлар тажрибаси, анъаналарини унутиш ўзининг ажойиб тарихига эга бўлган киносанъатимизнинг теран илдизларига заха етказиш деган гап. Келажакка бу илдизларни қуритмай, соғомон етказиш киносанъатимиз тақдир кўлларига топшириб қўйилган мутасаддиларнинг муқаддас бурчи бўлмоғи лозим.

ҲАММАМИЗГА ТААЛЛУҚЛИ

Студент-ёшлар учун рус тилининг, умуман, бошқа тилларнинг аҳамияти ва бу тилларни ўқитишни яхшилаш ҳақида фикр юритишдан олдин қишлоқ ёшларининг мактабларда ўқиш шароитлари ҳақидаги мулоҳазаларимизни ўртага ташламоқчимиз. Ҳақиқатан, қишлоқ болаларининг мактабларда ўқиш шароити оғир. Ўқувчиларнинг ҳадеб баҳорда ва кузда дала ишларига тортилавериши ўқиш-ўқитиш системасига катта зиён етказмоқда. Ёшлар амалда бир йилда ўн ой эмас, уч ой ўқишади. Ўқитишга вақт кам қолганидан муаллимлар ўқув программаларини қисқартиришга мажбур бўлмоқдалар. Бу — масаланинг бир томони. Иккинчи томони шундаки, энди ўсиб-улғайиб келаётган ёшлар учун рус тилининг аҳамияти айниқса беқиёсдир. Лекин қишлоқ мактабларида рус тилининг ўқитилиши мутлақо талабга жавоб бермайди. Шу тилни ўқитадиган ўқитувчиларнинг кўпчилиги бу тилни яхши билмайдиган кишилардир. Маълумки, олтинчинчи йилларда республикамизга Россиянинг марказий шаҳарларидаги педагогика ўқув юрларини тамомлаган ва рус тили бўйича яхши мутахассис бўлган кадрлар юбориларди. Уша вақтларда қишлоқ мактабларида рус тилини ўқитиш савияси нисбатан ҳозиргидан дурустроқ эди. Негаки, мамлакатимизнинг Европа қисмидан келган кадрлар ўзбек синфига кирганда салом-алиқдан тортиб, «хайр» деган сўзгача — ҳамма оғзаки мулоқотни рус тилида олиб борар, болаларни ҳам бир соатлик дарс давомида шу тилда гаплашишга даъват этар эдилар. Энди-чи? Мактабларда рус тили ўқитувчиларининг кўпчилиги республика рус тили ва адабиёти институтини тамомлаган маҳаллий миллиат кадрларидир. Улар нимагадир болалар билан мутлақо рус тилида гаплашиш зарур, деган қондага тўла амал қилмайдилар. Худди шу нуқсон уларда мазкур институтда ўқиган кезларида ҳам юз берган. Шу боисдан ҳам ҳатто уларнинг ўзлари ҳам рус тилида тўғри гаплашолмайдилар, ёзувда эса кўп хатоларга йўл қўядилар. Рус тили дарси фақат рус тилида ўтказилиши керак. Ўқув программаси ва педагогикада ўқитиш қондаси шундай. Биз ҳар бир ўқувчининг ўн йил давомида, яъни мактаб партасидан рус тилида ўз фикрини тўғри ифода-лайдиган бўлишига эришишимиз лозим. Бу, мактаб ислоҳоти ва олий таълимни қайта қуриш программасида қўйилган асосий талаблардан биридир. Лекин бунга эришиш осон эмас, албатта. Бунинг учун аввало республика-

мизда рус тили ўқитувчиларини тайёрлашни тубдан яхшилашимиз зарур. Иккинчидан, ўқувчи ёшларининг зиммасига ҳадеб дала ташвишларини юклашга чек қўйишимиз керак. Лекин бу масала ҳам баъзилар ўйлаганидек осон эмас. Чунки республикамизда 20 йиллар давомида ҳукм сурган «турғунлик ҳолати»дан худди шу борада ҳам бизга оғир «мерос» қолган. Янги ўзлаштирилган Мирзачўл, Жиззах ва Қарши чўлларида ташкил этилган ўнлаб совхозларда мутлақо ишчи кучи етишмайди. Деҳқончилик қилинаётган ер майдонлари миқдорига қараганда, у ерларда одам кучи жуда кам. Ўз вақтида янги хўжаликларда одамлар учун уй-жойлар ва маданий-маиший хизмат кўрсатадиган объектлар қурилмаган. Бу мақсадлар учун ажратилган давлат маблағлари эса палапартиш бошқа нарсаларга ишла-тиб юборилган.

Албатта, республика партия ва ҳукумати ўзлаштирилаётган чўлларни одам кучи билан таъминлашга эътиборни кучайтирмоқда. Лекин барибир бу муаммони бир-икки йилда ҳал этиш қийин бўлиб турибди.

Республикамизда ўқувчиларнинг бир маромда ўқишлари учун, уларни дала ташвишидан озод этиш ҳақида баъзи областларда сезиларли силжиш бўлаётгани қувонарли ҳолдир. Масалан, бу соҳада Наманган областининг ташаббуси таҳсинга сазовор. Мана, кейинги икки йилда бу областда мактаб ўқувчилари пахта теримига деярлик жалб қилинмаётди.

Маълумки, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Тожикистон ССРнинг ўқувчи ва студентларни пахта теримига жалб қилмаслик ҳақидаги ташаббусини маъқуллади. Демак, партия-ҳукуматимиз бу муаммони ҳал этишга жиддий эътибор бермоқдалар.

Юқорида айтилган паллартишликларнинг асоратини биз институтимизга қишлоқ районларидан қабул қилинган ёшлар тимсолида кўриб турибмиз. Уларнинг кўпларининг билими жуда саёз, рус тилини мутлақо билмайдилар. Оқибатда кириш имтиҳонларида, ўтилган фанларни ўзлаштиришда жуда қийналмоқдалар. Техник олий ўқув юрларида эса адабиётлар, дарслик ва қўлланмалар асосан рус тилидадир. Рус тилини билмаган, уни ўқиб тушунмайдиган студентнинг аҳволига ачинасан киши. Ёшларнинг мактаблардан бир маромда ўқишини таъминлаш, ҳар бир мактабда рус тилининг яхши ўқитилишига эришиш билан боғлиқ бўлган муаммолар ҳамма-мизга тегишли. Бу муҳим, ҳаётий

масалани ҳал этиш жараёнида маҳаллий партия ва совет ташкилотлари ҳам, халқ маорифи муассасалари ҳам, жамоат ва оталиқ ташкилотлари ҳам фаол иштирок этишлари керак.

Институтимиз ректорати, ўқитувчи-профессорлар коллективи студентларнинг рус тилини ўрганишини яхшилаш тадбирларини қидирмоқда. Биз шу ҳаётий эҳтиёждан келиб чиқиб, шу йил май ойида Самарқанд шаҳрида «Техник олий ўқув юрларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқитиш ва таълим бериш жараёнини рус ва чет тилларида олиб бориш йўллари ва усуллари жадаллаштириш» деган мавзуга бағишлаб илмий-методик конференция ўтказдик. Конференцияга мамлакатимиздаги кўпгина техник олий ўқув юрларининг тил ўқитувчилари таклиф этилдилар. Конференцияда маъруза қилган педагоглар рус тилида ва бошқа тилларда дарс ўтиш, умуман, ўқитиш жараёнини тўғри уюштириш соҳасида орттирган тажрибаларини анжуманга йиғилган касбдошлари билан ўртоқлашдилар. Москвалик олима И. Н. Годинскаянинг «Техник олий ўқув юртининг сиртки ўқув студентларида чет тилини ўрганишда юз берадиган психологик «ров»ни бартараф этиш методлари ва йўллари», тошкентлик Э. Охунжоновнинг «Рус тили машғулотида интернационал тарбияни сингдириш», Ғ. Муҳиддиновнинг «Кўниктирув методи — ўқув жараёнини маромига етказиш йўллари-дан биридир», Е. Д. Дмитриева-нинг «Сиртки ўқув системасида консультацияларнинг роли», М. Иномовнинг «Таълим ислоҳоти талаблари асосида техник олий ўқув юрларида ва мактабларда рус тилини ўқитишни узвий боғлаб олиб бориш» деган мавзулардаги маърузалари конференция қатнашчилари учун анча фойдали бўлди.

Анжуман иштирокчилари методик тажрибаларни омаллаштириш имконини берадиган бундай семинарларни ўтказиб туришни анъанага айлантириш истагини билдирдилар.

Партия ва ҳукуматимиз мактаб таълимини ислоҳ қилиш ва олий таълимни қайта қуришни кун тартибига қўйган ҳозирги масъулиятли даврда ҳар бир педагогик коллектив, ўқув муассасаларининг ўқитувчи олимлари ўқув жараёнларини тўғри уюштириш ва такомиллаштириш учун ҳар қачонгидан кўра фаоллик кўрсатишлари лозим.

Ҳабиба ИКРОМОВА,
Беруний номидаги Тошкент
политехника институтининг
проректори, профессор



Рўзи ҚОДИРИЙ

БУРИЛИШ

Бурилиш!

Бурилиш авжига минди,
 Жамики жабҳада тубдан бурилиш.
 Ҳаммаси қайтадан қурилмиш энди,
 Ишлашда, услубда қайта қурилиш.
 Ватанда янги, хуш баҳорий шамол,
 Ёқимли исларга, латофатга бой.
 Ғубордан, бўёқдан холидир жамол, —
 Табиий, тиниқ ранг олмиш ҳар чирой!
 Ҳар кимда ўзини янгилаш жиддий,
 Янгилавиш мисли чақмоқдайин тез,
 Масъуллик ҳиссини янгилаш жиддий,
 Инқилобий оташ билан ёнар кўз.
 Самимийлик чуқур илдин отмиш
 Меҳру муҳаббатда, муносабатда.
 Диёнатни ҳамма касбу кор этмиш,
 Ростлик қулоч ёймиш амалиётда.
 Ҳаёт тақозоси, давр руҳига мос, —
 Етуклик чўққиси томон бурилиш,
 Маънан гўзаллашар, бойир кекса-ёш,
 Онгдаю фикрда қайта қурилиш.
 О, лабзи ҳалоллик ҳоким — ҳукмрон,
 Елғонни, қувликни ер ютаётир!
 Дилларга садоқат қурмоқда ошён,
 Пок руҳий оламни яратаётир.
 Бурилиш назмини сўйлаган сари
 Кўнгли оппоқларим хаёлдан кечар.
 Жўшаётган қалбим ҳиссиётлари
 Ҳалоллар гуллатган боғларда кезар.
 Нур иниб очилган нафис раънолар
 Ислари янгича, жилваси бўлак.
 Унга хос куйланмиш янги наволар,
 Наволар авжига жўр тепмиш юрак!

КАМОЛОТ

Етуклик замири интилиш, зотан,
 Усиз юксалмоқ йўқ, йўқдир камолот.
 Шон, сурур улғаяр шу интилишдан,
 Интилгандан сира аримас омад.
 Нурафшон кенгликка интилиш удум,
 Бир-бирдан сузук тонларга боқиб.
 Алвон шафақларга тикилар ҳар зум,
 Ушалган армонлар қанотин қоқиб.
 Истиқбол уфқида ёнган нуқрага,
 Гўдакдек талпинар яхши ниятда.
 Олисда порлаган олмос нуқтага
 Ошиқар: «Етишсам», деган мақсадда.
 Интилган ўтажак манзиллар ошиб,
 Турғунлик ёт унга, табиатига.
 Чўққидан чўққига тинмай чирмашиб, —
 Мурод, камол чорлар ўз қисматига.
 Гар дилда интилиш ўти йўқ киши,
 Қолоқлик лойидан чиқолмас асло!
 Ундан юз ўғирар замон гардиши,
 Тепса тебранмасдан безор бу дунё!
 Интилиб борсалар гарди йўқ йўлдан,
 Ҳаётин, бахтин ҳам тоза сақлагай!
 Эл бахтини кўзлаб интилса дилдан
 Чинакам инсонлик аҳдин оқлагай.
 Яхши ният билан интилган одам —
 Сўнмас бир юлдузга айланар, бешак.
 Қутлугдир у қўйган ҳар битта қадам,
 Ушанга интилар ҳар ёниқ юрак.
 Интилар одамлар, доим интилар,
 Келажак жамолин кўрай деб тезроқ!
 Изланар оламда, ҳормай изланар,
 Бегард, бедоғ дунё қурай деб, тезроқ.

МИНГ ЙИЛЛАР ҚАЪРИДАН

Юк машинаси чўлга кириб борар, унинг ортида ҳосил бўлган чанг булути узоқ муаллақ қалқар эди. Кордильер эса узунасига чўзилиб кетганди. Ниҳоят, машина моторининг овози ўчди. Шу заҳоти пайдо бўлган одамлар кузовдан алланарсаларни туширишди. Бир неча минутдан сўнг одамлар денгиз томонга қараб ўй суриб ўтирган ҳолатга келтирилди. Улар 10 минг йил мобайнида бу ерларни кўришмаган. Гап мумиё ҳақида борапти. Бундан анча вақт илгари Кордильер чўли ва Тинч океан денгизи яқинидан топилган топилмалар мумиёланганди. Топилма жуда ҳам шов-шувларга сабаб бўлди. Улар мисрликлардан 4 минг ёш катта эди. Ҳозирда топилмалар музейга топширилган. Кейинчалик кимнингдир қадимги одамларни сайёҳларга кўрсатиш мумкин, деган фикри билан мумиёларни машиналарга ортиб денгиз бўйларига олиб келишди. Топқир журналистлар эса уларни бир неча марта суратга туширишга муваффақ бўлишди.

Мумиё олимларга жуда ҳам қизиқарли нарсаларни бермоқда. Қадимий одамларнинг санъаткорлиги шундаки, улар мурдаларни усталлик билан мумиёлашган,



инсон терисидаги тузнинг оддий эмаслиги ҳамда инсон танасидаги юмшоқ ҳужайралар шундоқлигича сезилиб туради. Маҳаллий одамларнинг балиқчи эканликлари, сув ости ови билан шуғулланганликлари аниқланди. Маълумотларга қараганда, аёллар эркакларга нисбатан кам умр кўрганлар. Улар ўша пайтларда эркаклардан кўпроқ ишлаган, деб тахмин қилинмоқда.



Сафо ОЧИЛ

РАҚҚОСА


Гар куйласам, гулпар
 Жилва айлаб ноз этар.
 Одим ташлаб мен сари,
 Жилва айлаб ноз этар.
 Деёлмайман бирор сўз,
 Боқса икки жоду кўз,
 Кўнглим билан юзма-юз,
 Жилва айлаб ноз этар.
 Кўнглим нозик кўнглингда,
 Келажаким қўлингда,
 Соч тўлқини белингда,
 Жилва айлаб ноз этар.

Кокилинг алдар, ёниб
 Дор бўлмоққа шайланиб,
 Дил торимга бойланиб,
 Жилва айлаб ноз этар.
 Зебо экан санъатинг,
 Саробмасми қоматинг,
 Кўзларимда сувратинг,
 Жилва айлаб ноз этар.
 «Айтиб юрак розингни,
 Қўйгил, — десам, —
 нозингни»,
 «Чертгил», — дея, — созингни,
 Жилва айлаб ноз этар.
 Сафо Очил, туш кўрдим,
 Тушгинамни хуш кўрдим,
 Умид отлиғ куш кўрдим,
 Жилва айлаб ноз этар.

Олим ҚУЧҚОРБЕКОВ

АЙТОБИЛМАДИМ

Тўйда бир амалдор ичиб бўлди маст,
 Ҳофизни ёнига чорлар хуш-ҳавас.
 Айтдики: «Биродар, шундай хониш қил,
 Вужудим эрисин, ором олсин дил!»
 «Хўп, акам, айтаман, майли на чора», —
 Деб ҳофиз машшоққа қилар ишора.
 Сўнг қўшиқ бошлади тавозе билан,
 Таъсирли, дилхаста овози билан.
 «Дилдор, сенга арзимни айтобилмадим,
 Юракдаги дардимни айтобилмадим!»
 «Айтобилмадим»ни такрорлар юз бор,
 Шунда маст, ҳофизга сўзлар шиддаткор:
 «Ҳой ҳофиз, кулоқ сол, деяпман, сенга,
 Айтобилмасанг нега, хўп дединг менга!»



Бердиали ИМОМОВ,
филология фанлари доктори, профессор



Қамбар УТАЕВ

ЮРТИМ ФАСЛЛАРИ

1

Баҳоринг баҳорлар ичра кўп дилбар,
Бу пайт ранг талашар еринг, осмонинг.
Малоҳатда тенгиз бутун жаҳонинг,
Юртим, нафосатинг латиф, бетакрор.
Айт, ким сенга бу дам бўлмади шайдо,
Топиларми ёниб куймаган кўнгил,
Бормикан баҳоринг суймаган ҳеч дил.
Сен меҳр-оқибатда халқингдай танҳо.
Кўрганлар айтишар дилдан, виждондан,
Баҳор бошланади Ўзбекистондан.

2

Езинг қуёшнинг нақ шарбатин ичар.
Қуёш гўё кезиб бутун жаҳонни
Маскан қилган каби Ўзбекистонни,
Ватаним, бошингдан бисотин сочар.
Қуёш нури ичган қайноқ қалбли халқ
Қуёшга нур берар юраги билан,
Оламга татиган тилаги билан
Қуёшни бошига кўтаради нақ.
Қуёш гўё кезиб бутун жаҳонни
Маскан қилган каби Ўзбекистонни.

3

Бошланар хазонни билмаган кузинг.
Ерда ҳам, кўкда ҳам ёнар юлдузинг.
Халқим, меҳнатингдан ёришар юзинг.
Куз. Ерни қопламиш оппоқ бир эзгу,
Эркаланиб ётар оппоқ бир туйгу.
Олтин қосаларга тўла ҳар тараф,
Сен унга шунчаки бепарво қараб,
Демаки, пахтанинг чаноғидир бу,
Аслида ўзбекнинг юрагидир бу!
Дунёнинг халққа оқ тилагидир бу!

4

Ўзбегим, дўстларга жони садқойим,
Баҳоринг, ёзинг кузинг кўп қойим,
Кўзаларга яқиним, мангу фидойим,
Қишинг ҳам халқингдай эрка, мулойим,
Жаҳон сийнасида эй, дилбар Ватан,
Қаҳрини сочолмас сенга қаҳратон.
Қишинг қишлигини қилсин, қўявер,
Қишни ҳам бағрингга олиб суявер.
Қорнинг ҳар учқуни эл ризқин ўйлар,
Бу сўлим қиш ишқи дунёни бўйлар.

5

Менинг куйлаганим турфа фаслди:
Қадим аждодлару узок наслди, —
Ўзбекистон, қардош дўстга аслди,
Ер юзини меҳмон қилган манзилди.
Бу юртни азалдан хуш кўрар дунё,
Соғинчдан ҳар куни туш кўрар дунё.
Самарқанд, Вухоро, Хеваю Тошкент,
Дўстларга кўксини очган алп — бош кент.
Фахру ғурурим зўр ҳар тўрт фаслдан,
Фасллари асл жўмард наслдан!

ҒАФУР ҒУЛОМ билан бирор тарзда суҳбатлашиб, унинг саҳий қалб кўри-ла ийланган, илм-маърифатга, сермаъно, кулгили ҳикматларга бой каломидан, жасоратли, зукко ҳозиржавоблигидан баҳраманд бўлган киши ўша онларни умр бўйи унутолмайди. У халқ донишмандлигини, минг йиллик тарихга молик адабиётимизнинг инсонпарварлик руҳини ўз ижодида, шахсиятида тажассум қилган ўлмас новатор санъаткор эди. Давраларда у шеър ўқиган чоғда мисралар гўё қайнар булоқдек отилиб, қаймоқдек қуйилиб келарди. Улар самимийлиги, меҳнаткаш инсонга сўнмас меҳр қудрати, ҳаётбахш лириزم, фалсафийлиги билан тўлқинлантирарди. Шеърларининг интернационализм, дўстлик, эл-юртга фидойилик билан йўғрилганлиги янги жамиятимизга нисбатан ифтихор тўла ҳислари китобхонни, тингловчини сеҳрлаб, ўзига занжирбанд қиларди. Шоир ҳамиша жамият манфаатини, замона талабини идрок этиб, ижод ишқи билан яшарди. У, маяковскийчасига Ватанга, юртдошларига зарур ижодкор бўлишга, партияимизнинг кўз-қулоғи, жарчиси, овози бўлишга интиларди.

Бу каби фазилатлар уни том маънода «ижтимоий шоир» (М. Горький ибораси) даражасига олиб чиқарди. Шоирнинг шахсий туйғулари, кечинмалари, ижтимоий манфаатлар билан шу қадар бирикиб кетганки, уларни бир-биридан ажратиш амри маҳолдир.

Қисмат мени ана шундай сиймо бўлган Ғафур Ғулом билан замондош қилганидан, илм бобида унинг устозлик мураббийлигидан бир қадар баҳраманд этганидан мамнунман.

Дастлаб Ғафур Ғулом билан унинг асарлари орқали танишдим. Қаҳрли дамларда — 1941 йили немис-фашистлари юртимизга бало-қазодек ёпирилиб, шаҳар ва қишлоқларимизни жингиртоб қилиб ёндириб келётган дамларда радиодан унинг овозини эшитдим. Уша кезлари шоир лирикасининг ўлмас намуналаридан «Сен етим эмассан», «Соғиниш», «Халқ отланди», «Қиш», «Кузатиш» сингари ёмби шеърлари майдонга келганди. Улар ҳар куни радио карнайларидан момақалдиروقдек янграр, газета саҳифаларида пайдар-пай босилиб, ёвдан қасос олишга чорловчи ўтли мисралари билан совет кишилари қалбида ватанпарварлик, интернационализм ҳамда қасос туйғуларини жўш урдирар эди. Биз комсомол-ёшлар шоир шеърларини сидқидилдан севиб ёд олардик. Шахсан мен унинг ватанпарварлик, интернационализм руҳидаги сара шеърларини уруш йилларида, фронт йўлларида она тилимдаги суҳбатдош сифатида Берлингача олиб борганлигимни айтмай туролмайман.

Унинг 70-йилларда нашр этилган ва ҳозирча энг мукамал ўн жилдлик «Асарлар»ини варақлар эканман, адибнинг олмосдек ўткир маҳоратига, закий зеҳнига маҳлиё бўламан, унинг ҳар бир сўз моҳиятини, мазмуни кирраларини қадрлаб, нечоғлик заргарона дид ва эътибор билан ишлатганлигини кўз ўнгимдан ўтказиб фаҳрим ошади, шеърини мисралар устидаги сабр-тоқат билан чеккан заҳматини ёш ижодкорларга порлоқ юлдуздек намуна қилиб кўрсатгим келади...

Сир эмаски, адабиёт аҳли орасида «Ғафур ака танқидни хуш кўрмайди», деган гап юрарди. Аслида бунинг сабаби, менинча, унинг зукко табиатидан, алп қоматига яраша шиддаткор юриш-туришидан, ҳазилкашлик

билан узиб олувчанлигидан, халқона қочиримларга, тағ-заминли моҳиятга молик, қаҳқаҳалар кўзговчи аскияларидан, дангалчилигидан ҳадиксирамовчилар камдан-кам учрашида эди. Биз шогирдваччалар бўлса, шундай хислатлари учун унга сўнмас меҳр қўйиш билан бирга санъаткор қаршисида минг раъй-андишага бориб, ийманиб тортинардик. Айрим шеърларида пайқаган камчиликларни айтишга ботинолмасдик. Бироқ кейинчалик, яқин мулоқотда бўлиш оқибатида билдикки, Ғафур ака ҳақиқат улуши зоҳир ҳар бир катта-кичик танқидий мулоҳазага эътибор билан қарарди.

Эллигинчи йилларнинг бошида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти аспирантурасига ўқишга киришим туфайли ҳаёт йўлим сўқмоқлари академик Ғафур Ғулом хонадонига бориб туташди. Уша пайтларда аспирантларга илмий раҳбарлик қилувчи тажрибали олимлар кам ва тансиқ эмасми, Ғафур ака шу институтда ишлаганликларидан, шогирдликка жуда чертиб танлардилар. Университетни битиргач, «Еш ленинчи» газетасида ишлаган чоғимдан у киши билан бевосита танишлигим, матбуотда тақриз ва мақолаларим тез-тез босилиб турганлиги асқотди — синовдан ўтдим ва улуг инсонга илм бобида шогирд тушиш — аспирантлик шарафига муяссар бўлдим.

Иттифоқо, 1953 йили Ғафур Ғулом таваллудининг 50 йиллиги нишонланадиган, шу тўй муносабати билан шоирнинг «Танланган асарлар»и (Порсо Шамсиев тўпловчилигида) нашр этиладиган бўлди. Бошқа тайёргарлик ишлари ҳам қизиб кетди. Жойларда шоир билан учрашувлар кенг тус олди. Камина ҳам адиб билан бирга юриб, унинг ижодий фаолияти тўғрисида маърузалар қилдим, матбуотда мақолалар чоп эттирдим. Шу орада Порсохон ака шоирнинг «Танланган асарлар»и корректурасини ўқиб тугатганлигини институтда айтиб, қўлтиғидаги семиз папкага ишора қилди, баъзи мулоҳазалар турилганлигини таъкидлаб, хоҳласам, бирга боришликни таклиф қилди. Мен ҳам корректурасини кўздан кечирдим, чамамда тузатилиши зарур бўлган ўринлар ўша ҳолича эди. Айрим мулоҳазаларим Порсохон аканинг қайдлари билан мос тушди, бошқалари ҳам унга маъқул келди. Йўлда кетаётиб, одоб ва ҳурмат андишасида барча танқидий фикрларни айтишни Порсохон ака гарданига «юкладим». Ҳадемай, шоирнинг Бешёғочдаги Арпапоё кўчасига қараб очиладиган эшиги остонасида пайдо бўлдик.

Ғафур ака бизни очиқ чеҳра билан қарши олди, икки қаватли бинонинг пастки кираверишдан чапдаги хонасига таклиф қилди. Одатдагича, тезликда иш столининг бир чеккасига дастурхон тузалди.

— Бугун бир зўр шеър ёздим, — деди у кўтаринки руҳда ва стол устидаги қоғозни кўлига олди, — эшитинглар.

Шоирнинг вазмин, салобатли ва қадрдон овози бир текисда янграб, хонани тўлдирди. Шеър каттагина бўлиб, унда халқларимизнинг дўстлиги, интернационализм туйғулари самимий куйланганди. Шоир шеърни поэтик қолипга солувчи ва унинг ораларида такрорланиб олға сурилатган гоёни таъкидлашга, қабартириб ифодалашга хизмат қилувчи мисраларни алоҳида ургу билан, тўлқинланиб ўқирди. Ана шу мисралар, чамаси, муаллифнинг ўзига ҳам алоҳида завқ-шавқ бағишлаганидан, ўша жойлар ўқилаётган чоғда шоирнинг кўкси худди темирчи босқонидек паст-баланд кўтарилиб

ЕДНОМА

тушарди. Гўзал лутфларга бой, айрим сўз ва ибораларни қайталаш орқали ясалган поэтик образ ҳамда маяковскийона кутилмаган қофиялар қўллаш орқали мазмунни кучайтиришга, шеър жарангини оширишга эришиш санъати моҳирона қўлланган шу мисралар бир тинглашдаёқ хотирага муҳрдек ўрнашади. «Улуғ рус халқига» номида машҳур бўлиб кетган ва 1952 йили ёзилган шу шеърдаги ўша мисралар:

Менинг оғам рус бўлур!..
Виждоним буюрганин
Шу шеърда ёзаолсам,
виждондек дуруст бўлур!

Шеърни мамнунлик билан тинглаб бўлгач, муддаога кўчдик.

Ғафур ака Порсоҳон домланинг ётиги билан кўрсатган мулоҳазаларини, очиқ айтган баъзи танқидий фикрларини корректура охирагунича эътибор ва диққат билан тинглади. Енгил таҳрир билан битадиган ўринларни йўл-йўлакай тузатиб чиқишди. У корректуранинг бир қисмини ажратиб олиб, столнинг бир четига қўйди-да, уларни эртасига қайтаражагини айтиб, иккимизни дастурхонга таклиф қилди.

«Йигитлар» шеърининг олдинги матнида бир тўртлик шундай тугарди:

Сиз ахир улуғ юрт иқболи учун
Шаҳидсиз, ғоясиз, зотсиз, нафарсиз.

Порсоҳон ака сўнги мисрадаги илк икки сўз ўрнида эмаслигини «шаҳид» диний-жиҳод урушида ҳалок бўлувчиларга тегишли бўлса, «ғоясиз» сўздан «сиз — ғоя» деган фикрнинг акси ҳам англашилиши устига, мавҳумроқлигини айтиб, уларни ўзгартиришга ундади.

— Сен ҳам шунақа ўйлайсанми? — менга тикилди Ғафур ака. — Унинг кўзларидан хаёли ўша сўзларни тузатиш билан бандлигини билиш қийин эмасди. У ўз сўроғига жавоб олмаёқ мисрага таҳрир киритди: «Жон тиккан эрларсиз, зотсиз, нафарсиз» — кичик, аммо образли ифода ҳисобига қилинган ўзгартиш мисра мазмунини очиб юборди.

Адабиётимиз ва адабий тилимиз пойдори, «шеърият мулкининг султони» Алишер Навоийни чўнг муҳаббат билан, чин юракдан, ёниб ардоқловчи «Алишер» шеърда қуйидаги банд бўларди:

Одамзод бешиги, зеҳн мактаби,
Шараф-шон ўлкаси бўлган эски Шарқ.
Не-не даҳоларни тарбият қилиб,
Офтобдай жаҳонни нурга қилди ғарқ.

Дастлабки икки мисра икки мўйсафид устоз ўртасида баҳс уйғотди. Бир муддат тортишувлардан сўнг, муаллиф қўл кўтариб, «таслим» ишорасини қилди ва ўша мисраларни янгилаб, янгича — ҳаққоний мазмун бағишлади. Эндиликда ўша мисралар шоир куллиётларида қуйидагича умргузорлик қилмоқда:

Не-не тарихларни бошдан ўтказиб,
Талай жафоларни тортган эски шарқ...

Сухбат адоғида паловтўра жарчиси — аччиқ-чучук дастурхонга қўйилгач, «Мен яхудий» шеърда немисларнинг қадимий уруғи номи — нибелунглар китобларда «небилунги» тарзда хато ёзилиб келаётганлигини айтиб, В. Белинскийдан, бошқа манбалардан асослар келтирдим. Устоз ўйга толиб, столни «ноғора» қилишга тушди.

— Ғафур ака, — юрак ютиб уни хаёл огушидан чиқардим, — шу сўзни қаердан олиб ишлатгандингиз?

— Э, укам, унинг тарихи олис: бирор китобдан олган эмасман, — деди у, — янглишмасам, 20-йилларнинг охирида бир

кинода немисларнинг аждодлари — нибелунглар бошига шох тақиб юришганини кўргандим. Уша сўзни кичик қоғозга ёзиб, «сўз халтамга» солиб қўйгандим, вақтисоати келганида ишлатдим.

Уша «Танланган асарлар» нашр этилиши олдида «Хотин» шеърдаги бир сўз устида Ғафур ака билан Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси Юсуф Султонов ўрталарида институтда бўлиб ўтган бир мулоқот гувоҳи бўлгандим. Шоирнинг советлар жамияти аёллари инсоний фазилатларини, «ҳаётда, меҳнатда, ишқу аламда» ҳамқадамлигини юрак қўри билан улуғловчи «Хотин» шеъри қуйидаги тўртлик билан бошланарди:

Бизнинг хотинларга ҳаё дастмоя,
Меҳнат бор, муҳтожлик доим бегона.
Онамсан, ёримсан, синглимсан яна
Дунёда энг азиз дўстим ягона.

Кўпчиликка ёд бўлиб кетган бу тўртликдаги биринчи мисранинг охириги сўзига Юсуф ака ётиги билан эътироз билдириб, бу сўз аёлларимиз шаънига ботинқирамаслигини, салгина дағалроқ туйилиши хусусида гапириб, «бир ўйлаб кўрсангиз», деди. Ғафур ака ўша онинг ўзидаёқ қуюқ қошларини уйиб, хўмрайганича бир гувранди-да, шартта «дастмоя» сўзини ўчириб, ўрнига «фазилат» деб ёзиб, «яна»ни «фақат» сўзи билан алмаштирди. Кўнгли тўлди чоғи, қайта ўқиб чиққач, матни мунаққид қаршисига чаққон сурди.

— Қойил! — овоз чиқариб ўқигач таъсирланди танқидчи. — Мазмун яшнаб, тўртлик очилиб кетганини қаранг-а, яшанг, Ғафур ака!

Устоз санъаткор ўз асарлари нашрига умрининг охиригача масъулият ва талабчанлик билан ёндошди, ҳар қайси сўзнинг дол маъно қирраларида бўртиб кўринишига, поэтик образларнинг сайқал топиб ярқирашига диққат қилди. Сўзни қадрлаш унинг бағрига доно халқимиз жо этган моҳиятини ўрнида, муносиб янграшиш, шеърларни оҳорли, янги сўзлар билан таъсирчан қилиш, мазмун талаб этса, қадимий, архаик сўзлардан ҳам тап тортмаслик, умуман, асарларнинг луғавий бойлигини, завқбахшлигини таъминлаш соҳасида синчковлик билан ишлашда унинг ижодий қиёфаси кўп томонлардан хануз ибратлидир.

Классик поэзиямизнинг жонбахш инсонийлиги, жилвагар нафосати уфуриб турувчи, айни чоғда новаторона жарангловчи «Вақт» шеъри ғоявий-бадний юксаклиги, сиёсий-фалсафий лириканинг дурдона намуналаридан бири эканлиги билан ўзбек шеъриятининг кўркидир. Унда шоир совет кишисининг завқ-шавққа, ифтихор ҳисларига тўла умумлашма лирик характери нафис чизаётиб, унинг қалбида жўш ураётган ҳаёт нашъасининг туб негизини, гўзаллик нашъасидан завқланиш ҳиссини ижодий меҳнат келтирган зафарда, оғир курашларда эришилган ғалаба дамларида кўради, замондошларни «Азиз асримизнинг азиз онлари» қадрига етишга, «Қудратли қўл билан» муносиб ҳайкал қўйишга чорлайди. Шоир вақт, фурсат, лаҳза қадрига етишга, уни ўз меҳнати, жасорати билан безашга чақириш билан бирга бу образ тушунчаларнинг моҳиятини совет халқи босиб ўтган кураш ва яратиш дамларига доир характери, ёрқин, реалистик образларда моҳирона далиллайди. Шоир бундай асарларини, яратилиш даври тақозосига мувофиқ, содир бўлган ўткинчи ҳоллардан — шахспарастлик изларидан фориг этиш устида алоҳида бош қотирганлиги сабабли уларнинг умрбоқийлиги тўла таъминланди. Шеърда вақт қадр — образи давримиз тезкорлиги ва мазмундорлиги ифодачиси сифатида қуйидагича жаранглайди:

Бебаҳо дамларнинг тирик жони биз,
Ҳар они ўтмишининг юз йилига тенг.
Барҳаёт Лениннинг авлодларимиз,
Ҳар нафас мазмуни фазолардан кенг.

Тўртинчи мисра олдинги нашрларда «нафаски» сўзи билан бошланарди. У сўз ўрнида қўлланган «ҳар нафас» ибораси мақсадни аввалги андак мавҳумлик ҳолатидан аниқ ва реаллик оламига олиб чиқиб, мисра мазмунининг тиниқлигини оширган.

Бу каби дафъатан илғаш маҳол бўлган ўзгартишлар шоирнинг анчагина шеърларида, шу ҳисобда «Сен етим эмасан», «Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак», «Соғиниш» сингари китобхон қалбини жўшдирувчи, унинг руҳиятига таъсир этиб, қалбини курашга, замон қадрига етишга, жамиятимизнинг муносиб граждани бўлиб етишишга чорловчи, ватанпарварлик туйғуларига бурковчи намуналарга ҳам сайқал берган.

Ғафур ака билан турли муносабатлар баҳонасида қайта-қайта учрашиб турдим, унинг қутлуғ хонадонидан кўп марта туз тотиндим. Бироқ мен унинг раҳбарлигида кандидатлик диссертациямни ниҳоялаш шарафига муяссар бўла олмадим. Шоирнинг эллик йиллик юбилейи кунларида (1953 йили) кўп тортишувлардан кейин «Ғафур Ғулом ижодида В. В. Маяковский анъаналари» диссертациям мавзуи бўлиб қолишига эришдим. Ўртага илмий раҳбардан ёки темадан воз кечишим зарурати кўндаланг тушди. Муаммони шахсан Ғафур ака билан мен ҳал этишимиз шарт эди. Шу ниятда Арпаоя кўчасига йўл олдим ва таниш хонадоннинг тўридаги кичик уйларнинг бирида устозга рўпара келдим.

— Гапдан хабаринг бордир, укам, ё темангнинг баҳридан ўтасан ёки раҳбар сифатида мендан воз кечасан — танла!

Шундай қаттиқ гап бўлишини билиб, чоғланиб келган бўлсам-да, дафъатан ва дангал жавоб қилишга оғриндим, бироз ўйланиб олгач, ерга тикилганимча аста мингирладим:

— Икки ўт орасида қолганимни кўриб турибман... Нима ҳам қила олардим, хафа бўлмайсиз, Сиздан кечсам ҳам, Ғафур Ғуломни юрагимдан юлиб ташлолмайман.

— Раҳмат, укам, шундай дейишингни жуда кутгандим!



Ульянов районидаги «III Интернационал» совхозининг сут соғувчиси Гулчеҳра Ҳамроева қарамоғидаги ҳар бир сигирдан уч минг килограмдан сут соғиб олишга аҳд қилган.

Ш. Шаропов фотоси (ЎзТАГ)

ЁМОН БОЛА БЎЛМАЙДИ

Фарзанд — ҳаётнинг гули, дейдилар... Дарҳақиқат, ҳаётнинг файзи ҳам фарзандлар туфайлидир. Бироқ, гулнинг ҳам тикани бўлганидек, фарзандларимиз хатти-ҳаракатида гоҳо нуқсонлар кўзга ташланиб туради. Бундай қусурлар ўз вақтида бартараф этилмаса, кейинчалик кўнгилсиз оқибатлар келиб чиқиши мумкин.

Педагогика тилида «тарбияси кийин» деган ибора бор. Одатда, бу изоҳ интизомсиз, дарсда «тўполончи», шўх ва қайсар болаларга нисбат бериб айтилади. Шунингдек, тарбияси оғир болалар қаторига ўзбошимча (катталарга итоат қилмайдиган), ҳатто безори ва зиёнкорлик даражасига тушиб қолган ўсмирлар ҳам кирди. Бундай «оғир» болаларни тарбиялаш, уларни тўғри йўлга солиб юбориш билан келгусида уларнинг жамиятдан муносиб ўрин олишларига эришиш осон иш эмас, албатта. Лекин астойдил, эътиқод ва фидойилик билан фаолият кўрсатиб, бу оғир, машаққатли ишда муваффақиятга эришаётган ажойиб тарбиячи-мураббийлар бор. Чунки атоқли совет педагоги В. А. Сухомлинский айтганидек, ёмон бола йўқ, фақат ёмон тарбиячилар бор, холос.

Винобарин, ҳар қандай касаллик ўз-ўзидан содир бўлмаганидек, боланинг «тарбияси оғир»лиги ҳам муайян сабаблар туфайли вужудга келади.

Атоқли совет педагоги А. С. Макаренко, болаларга тўғри тарбия бериш уларни қайта тарбиялашдан кўра осон иш эканлигини алоҳида таъкидлаган эди. Биз, педагоглар тарбия ишининг заргар меҳнатидек нозик юмуш эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Болани энг кичик давридан бошлаб яхши одатларга ўргатиб бориш, бунинг учун, аввало, машқ қилдириш, суҳбат ўтказиш, тушунтириш, кўрсатиб бериш, ишонтириш, ибрат-намуна каби усуллардан оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Инсон машқ қилиш орқали ҳар қандай мўъжизалар ярата оладиган даражадаги қудратли кучга эга. Цирк артистларининг маҳоратию космонавт-учувчиларнинг

жасорати тинимсиз, доимий машғулот самарасидир. Ҳар қандай спортчи мунтазам машқ қилмаса, у ўз мақсадига — шоҳсупага чиқиш бахтига эриша олмайди. Ҳатто ўзининг «кўз бойлагич» сеҳри билан бутун жаҳонни қойил қолдирган гипнозчи-психиатр, профессор Вольф Мессинг ҳам машқ, фақат машқ қилиш орқали маҳоратга эришганлигини қайд этади.

Инсон ўз олдига қўйган мақсадига етиш йўлида тинимсиз меҳнат ва машқ қилар экан, бунинг учун, аввало, унда уқув, сабот, қунт ва мустаҳкам ирода бўлиши лозим. Демак, биз тарбия ишимизнинг асосий йўналишини болаларимиз характерида дастлаб яхши фазилатларни ҳосил қилишга қаратишимиз лозим. Бунда эса кундалик тартибнинг аҳамияти бениҳоя катта. Худди шу талаб асосида ўз фаолиятини ташкил этган бола вақтдан самарали фойдалана олади, бутун ҳаёти давомида қунт билан ишлаш — меҳнат қилиш кўникмасига эга бўлади.

Вақти-вақти билан ахлоқий мавзуларда суҳбат ўтказиб, боланинг онгига таъсир этишнинг ҳам аҳамияти каттадир. Бундай суҳбатда бадиий асар қаҳрамонлари, Ватанимизнинг ажойиб кишилари тўғрисида, турли касблар ва уларнинг моҳияти хусусида, табиат олами (гуллар, ўсимликлар, ҳайвон ва паррандалар) ҳақида қизиқарли сўзлаб бериш, баъзан образли ҳикоя қилиш орқали таъсир ўтказиш мумкин.

Маълумки, боланинг хатти-ҳаракатида баъзан салбий ҳолатлар учраб туради. Бола бирон бир айбни атайлаб эмас, балки кўпинча тушунмаганлигидан, тажрибасизлигидан қилади. Боланинг қилган айби учун жазолашдан кўра, унинг зиёни ҳақида тушунтириш мақсадга мувофиқдир.

Болалар ўз табиатига кўра, ўта ҳаракатчан бўлиб, фойдали ишлари билан катталарга ёрдам бериш истагида бўладилар. Бироқ, тажрибасизлик ва уқувсизлик туфайли уларнинг бу истақлари ҳамма вақт ҳам амалга ошавермайди. Гоҳо «қош қўяман деб, кўз чиқариш» ҳолати рўй беради: бола бир ишга дадил киришади-ю, сал ўтмасдан иш-кал чиқаради. Шундай ҳолларда, яъни бола бирон бир фойдали ишга қўл урмоқчи бўлганида, уни қандай бажаришни кўрсатиб, йўл-йўриқ бериш лозим. Бунда боланинг муайян ишни (вазифани, топшириқни) ўзи мус-



Асқар ака Шообидовни «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳамма ҳурмат қилади. Асқар ака ўғиллари Шомансур, Шоҳамдам, Шораҳмат, Шоюсуф билан корхонада умумий ҳисобда «юз йилдан буён» хизмат қилмоқда.

Суратда: бахтиёр бува неварачеваралари даврасида.

Р. Шарипов фотоси

тақил бажаришга одатланиши, унинг келгуси фаолиятида ижодкорлик, ташаббускорлик каби сифатларнинг пайдо бўлишида муҳим роль ўйнайди.

Тарбия ишида ишонтириш усулидан ҳам самарали фойдаланиш мумкин. Бу усулни кўпинча бола муайян ишни дадиллик билан эмас, балки истиҳола ёки баъзан кўрқув туфайли бажара олмаган пайтда ҳам, умуман, ҳар қандай ҳолатларда ҳам қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ишонтириш орқали болада ўз кучига ишонч туйғуси пайдо қилинади, бу туйғу эса, ўз навбатида, унга кўтаринки руҳ бағишлайди.

Коммунистик ахлоқ тарбиясида ибрат-намуна усули алоҳида ўрин тутаяди. Педагогик адабиётларда ўқитувчи намунаси ва ота-онанинг шахсий намунаси ҳақида назарий фикрлар амалий мисоллар асосида баён қилинган. Бу, бежиз эмас, албатта. Чунки ўқувчи учун энг яқин кишилар унинг ота-онаси ва ўқитувчиларидир. Шунинг учун ҳам бола доимо тақдид этиб, ўз ота-онасидай, ўз ўқитувчисидай бўлишни орзу қилади. Ўқитувчининг ўз талабасида ҳавас кўзгайдиган даражадаги одоби, юксак маданиятлиги, сипо ва кўркем кийиниши, ширин муомаласи, ёруғ чехраси, камтарин-оддийлиги, меҳнатсеварлиги, одамийлиги ва билимдонлиги уларнинг

беғубор қалбига меҳр-муҳаббат нури бўлиб сингади.

Яхши ота-она шахсияти фарзандлар нигоҳида ибрат намунаси.

Халқимизнинг: «Бугдой эксанг — бугдой, арпа эксанг — арпа ўрасан», деган нақли ҳаётий ҳақиқат талқинидир. Бироқ, афсуски, ҳаётда бунинг акси ҳам бўлиб туради.

Шундай кишилар ҳам борки, улар: «Болаларимнинг қорнини тўйдириб, яхши кийинтириб, боқиб катта қилаяпман-ку, тагин нима зарур», деган хаёл билан яшайдилар. Улар фарзандларига ҳамма нарсани берадилар-у, лекин унга керак бўлган бир нарсани — оналик ва оталик фазилатларини сингдира олмайдилар. Аксарият шундай оилада вояга етган фарзандларнинг қисмати аянчли бўлади. Кўпинча ўшандай ота-оналарнинг болалари ўз ота-оналари сингари худбин, бемехр, ҳамма нарсага лоқайдлик билан қарайдиган кишилар бўлиб вояга етадилар. Ваҳоланки, тарбия ишида ҳатто кичик хатога йўл қўйиш ҳеч кечирилмайдиган айбли иш бўлиб, ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун унутмаслик керакки, инсон организмидеги иллатни даф қилиш, яъни беморни даволашдан ҳам кўра шахсининг маънавий қиёфаси, унинг психологияси ва характеридаги ил-

Мақтаб таълими —
умумхалқ
иши

латни даволаш анча мушкулдир.

Агар шахснинг жамиятда таркиби топиши масаласида фикр юритадиган бўлсак, бу тўғрида марксистик таълимнинг буюк қудрати бизга дастуриламалдир. Совет олимлари марксистик таълимга асосланиб, шахс ва унинг жамиятда тутган ўрни, ижтимоий муҳит кишиларнинг онгини ҳам белгилаб бериши, шахснинг ривожланиб таркиби топиш жараёни хусусида илмий ҳақиқатларни очиб бердилар. Бу илмий назарияга кўра, шахснинг ривожланиб таркиби топишида асосан учта омил ҳал қилувчи аҳамиятга моликдир: биологик омил, ижтимоий шарт-шароит ва тарбия. Бинобарин, совет кишининг маънавий қиёфаси, унинг характери, воқеликка муносабати, илғор дунёқараши худди ана шу учта омил туфайли қарор топадики, ўз навбатида, бу унинг шахс сифатида шаклланишини белгилайди. Зотан, илғор совет кишиси даражасига ўсиб етиш учун мазкур учта омилнинг ҳаммаси зарур. Муайян сабабларга кўра, бу омиллардан биронтасининг маромига етмаслиги оқибатида салбий кўринишлар келиб чиқиши мумкин. Бошқача айтганда, шахс маънавий қиёфасида чекиниш юз беради, унинг тарбияси бузилади.

«Ниҳоят, кадрларимизнинг юксак ахлоқийлиги, ҳалоллик, виждоний поклик, камтарлик каби инсоний фазилатлар — энг муҳим талаблардир, — деди ўртоқ М. С. Горбачев Январь пленумида. — Эндиликда биз жамиятнинг маънавий ҳолатини мустаҳкамламай туриб, қайта қуриш вазифасини ҳал эта олмаслигимизни ўтмиш тажрибасидангина эмас, шу билан бирга ҳозирги тажрибадан ҳам биламиз».

Дарҳақиқат, ёш авлод тарбиясида биз минг-минг йиллар давомида тўпланган дидактик анъаналардан, шунингдек, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, биринчи ўзбек алифбоси муаллифи Оқил Шарофиддинов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчилар Аъзамхон Рустамов, Қумри Юсупова сингари тажрибали педагогларнинг тарбия усулларидан кенг фойдаланишимиз лозим.

Партия-ҳукуратимиз кадрлар сиёсатини бугунги ҳаётий талаб-эҳтиёжлар асосида такомиллаштиришга қатъий қиришган ҳозирги шароитда ёш авлодни бошдан тўғри тарбиялаш, уларда юксак инсоний фазилатларни камол топтириш жамиятимизнинг эртанги куни учун муҳим аҳамиятга эгадир. Шу ўринда атоқли совет педагоги А. С. Макаренконинг: «Агар биз фарзандларимизга яхши тарбия берсак, бизнинг бахтимиз, шодлигимиздир, ёмон тарбия берсак, бу — келажакдаги аччиқ кўз ёшларимиз, ноқобил фарзанд туфайли қон-қон йиғлаб ютадиган ғамларимиз, аламларимиздир», деган доно гапларини яна бир марта эслаш жоиздир.

Абдуманноб ТОЖИЕВ,
педагогика фанлари кандидати

ХАРИДОР ЭҲТИЁЖИГА ҚАРАБ...

Оддий харидор савдо ишининг сирларини билмаслиги мумкин. Аслида савдо ташкилотларининг ўзаро, шунингдек ишлаб чиқарувчи корхоналари билан бўладиган муомалалари анча мураккаб кечади. Гоҳо бирор республика магазинларида ортиқча бўлган маҳсулотга иккинчи бир республикада эҳтиёж катта бўлади. Бу эса Иттифоқ миқёсида ҳали савдони ташкил этишда бирмунча кемтик томонлар борлигини кўрсатади. Демак, қайта қуриш талаблари асосида харидорларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш борасида анчагина ташкилий ишларни амалга ошириш керак бўлади.

Яқинда Тошкент шаҳрида ўтказилган республикалараро улгуржи савдо ярмаркаси худди шу мақсадга қаратилди. Ярмаркада Иттифоқимизнинг барча республикаларидан савдо ташкилотларининг вакиллари, жами 2510 савдо ходими иштирок этди.

— Мазкур ярмарка республика савдо ташкилотлари томонидан белгиланган режаларга мувофиқ СССР Савдо миностриги муовини ўртоқ Қ. Шукуров. — Ярмаркага жами 314 миллион сўмлик маҳсулот келтирилди. Савдо ташкилотлари билан тузилган шартномалар бўйича биз бошқа республикаларга 112,7 миллион сўмлик маҳсулот сотдик, улардан эса, ўзимизда бўлмаган маҳсулотлардан 46 миллион сўмлик мол харид қилдик. Республикалараро улгуржи савдо ярмаркасининг бизда ўтказилиши савдо-сотик ишларимизни бирмунча такомиллаштиришга, Иттифоқ миқёсида харидорлар эҳтиёжини бирмунча ўрганишга ёрдам берди.

Суратларда: 1. Донецк область Еникьев шаҳри ишчилар таъминоти бўлимининг вакили Л. И. Овчаренко (ўнгдан иккинчи) Красноярск ўлкаси енгил саноат ходимлари билан савдо шартномаси тузмоқда. 2. Улгуржи савдо ярмаркасининг умумий кўриниши.

В. Мосин фотолари



ҒАМХЎРЛИК

Партия ва ҳукуратимиз уруш ва меҳнат ветеранлари ҳақида оталарча ғамхўрлик қилмоқдалар. Айниқса, кейинги йилларда ҳукуратимизнинг тегишли қарорлари билан биз ветеранларга катта имтиёзлар берилди.

«Протезист» саноат бирлашмасининг Фарғона филиали коллективи ҳам уруш ва меҳнат ветеранларига катта ёрдам кўрсатмоқда. Мазкур коллектив ҳозир 6 минг 790 нафар уруш инвалидлари ва меҳнат ветеранларининг буюртмаларини

бажармоқда. Филиал ходимлари кейинги икки йилда 185 минг сўмлик турли буюртмаларни ўз вақтида удаллаб, ветеранларни хурсанд қилдилар. Корхонанинг «Таклиф ва мулоҳазалар» дафтариغا Йўлдошали Темиров, Абдурасул Тошпўлатов, Йўлчибой Абдуллаев, М. Серюгина, М. Яровиная сингари ветеранлар ёзиб қолдирган миннатдорчилик сўзларида уларнинг ҳаётларидан, ўз турмушларидан мамнун эканликлари қайд этилган.


— Республикамызда уруш ва меҳнат ветеранлари Советининг тузилиши айни муддао бўлди, — дейди филиал директори Кимсанбой Темиров. — Шундай Советлар жойларда, жумладан, Фарғона областида ҳам тузилди. Энди уруш ва меҳнат ветеранларининг турмуш шароитларини, эҳтиёжларини ўрганиш, уларни имкониятлари доирасида фойдали меҳнатга жалб этиш масалалари режали равишда ва уюшқоқлик билан ҳал этилади.

М. ГАВРИЕЛОВ,
меҳнат ветерани

Қўқон



УЗОҚ ЎТМИШ САДОСИ



Исо ЖАББОРОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор

МОСКВА Давлат университети. Унинг эски биноси шаҳар марказидаги Моховая кўчасида жойлашган. Бино рўпарасида донишманд, буюк олим Михаил Ломоносовнинг ҳайкали салобат тўкиб турибди. Мен ёшлигимда бошқа турли миллатларнинг вакиллари бўлган тенгқурларим қатори шу мўътабар илм масканида таълим-тарбия олганлигим билан фахрланаман.

Бугунгидай эсимда: бир куни курсимизда тарихчилар учун белгиланган этнография фанидан лекция бўлиши лозим эди. Зал лиқ тўла, ҳатто йўлақларда ҳам талабалар ўрнашган. Ўша куни лекцияни атоқли этнограф, шарқшунос олим Сергей Павлович Толстов ўқиши керак эди. Вунгача уни етук ва билимдон этнограф олим деб сирдан эшитгандик. Шу боисдан бўлса керак, биз талабалар Сергей Павловичнинг гапларини алоҳида қизиқиш, иштиёқ билан эшитдик. У ҳар бир сўзини салмоқлаб, фактик далиллар билан гапирарди. Устознинг мантиқ-моҳиятан кучли ҳикояси бизни, бир гуруҳ студентларни этнография фанига қизиқтириб қўйди. Энди бизлар ажойиб фан соҳибининг галдаги ҳар бир дарсини қизиқиб кутардик.

Юқори курсга ўтган вақтларим эди. Сергей Павлович менинг Хоразмдан эканлигимни билиб, бир куни ўз кабинетига чақиртирди. У ўзи бошчилик қилаётган Хоразм экспедициясига таклиф қилди, маҳаллий халқ билан бўладиган мулоқотимизда таржимонлик қиларсиз ёки лаборантлик вазифасини бажарарсиз, деган гапни айтди. Ўшанда устознинг менга билдирган эътибори кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшди.

Сергей Павлович мени Хоразм экспедициясига таржимон сифатида жалб қилди. Ушанда Амударёнинг қуйи оқими этакларидаги ва Орол соҳилидаги дашту чўлларда, қум барханлари бўйлаб эртадан кечгача жазирама иссиқда гоҳ яёв, гоҳ от-уловда кезганимиз, зукко устознинг ўтмиш тарихи ҳақидаги қизиқарли ҳикоялари эсимда. Менда ҳам ўша вақтлардаёқ халқимиз тарихига, унинг қадимий обидаларига астойдил қизиқиш пайдо бўлган эди. Шунинг учун ҳам Сергей Павловичдек билимдон фан соҳибининг этагидан маҳкам

ушлаб илм кетидан қувишга қаттиқ жазм қилдим. Университетни тамомлагач, у кишининг тавсияси билан аспирантурада ўқий бошладим. Ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам талабчан, қаттиққўл катта олимга шогирд бўлиш нақадар бахт ва шу билан ниҳоятда масъулиятли эканлигини яхши ҳис этган эдим. Ёшлиқдаги куч-ғайратимни ва имкониятимни устоз маъқуллаган режа асосида ишлашга сафарбар қилдим. Мен учун унинг қимматли асарлари, доно маслаҳатлари, ўринли қаттиққўллиги дастлабки илмий фаолиятимда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Албатта, мени устознинг илмий тадқиқотлари, унинг Ўрта Осиёга келиб қолиш сабаби, хусусан, Шарқ тарихи ва этнографияси мавзусига алоҳида берилишининг боиси қизиқтирарди. Сергей Павловичнинг мураккаб ҳаёти кўп жиҳатдан ёшларга намуна бўла олади.

Сергей Павловичнинг ўз ҳаёти, тадқиқотининг моҳияти, этнография фанининг аҳамияти ҳақидаги таъсирли ва сермазмун ҳикояларини ҳали ҳам тез-тез

Аммо бутун дунёда, аввало, Осиё, Африка ва Лотин Америкасида ўз эркини ва мустақиллигини келгусида ўз қўлига оладиган мамлакатлар ва халқлар ҳали озмунчами? Ўша вақтдан эътиборан мен ўзимда ана шу узоқ мамлакатлардаги халқлар тақдири билан ҳамонаглик сездим. Худди ана шунинг учун бўлса керак, ёшлиқ чоғларимдаёқ этнография билан — Ер қурра-сидаги барча халқларнинг маданияти ва ҳаётини ўрганувчи ҳамда ўргатувчи фан билан шуғулланишга маҳкам бел боғладим. Ўша кезлари мен этнографияга оид бир талай китобларни кунт билан мутулаа қилар эканман (бу китоблар орасида XIX асрнинг машҳур революционер олими Элизе Реклюнинг ажойиб асарларини алоҳида қайд қилиб ўтаман), бу халқларнинг ҳозирги замондаги ҳаёти тўғрисидагина эмас, балки улар яратган қадимий улугвор ёдгорликларга оид саҳифаларни ҳам синчиклаб ўргандим. Мустамлака асоратига тушишдан бурун ана шундай обидалар ярата олган халқлар тарихини Ғарб мустам-

Унутилмас сиймолар

эслаб тураман. Унинг ҳикояси журналхон учун ҳам фойдали бўлишига шубҳа қилмайман:

«Уйимиздаги бошқа болалар сингари, мен ҳам ўша вақтда инсониятнинг порлоқ келажаги учун курашда фаол иштирок этиш ораусида ёна бошладим. Бироқ бизлар қўлга милтиқ олиб, улуг мақсад учун курашадиган ёшга етгунча, халқимизнинг бахтига граждандар уруши тугади. Дарвоқе, кейинроқ мен ҳам «Серташвиш ёшлик» (Беляевнинг «Кўҳна қалъа» романи бўйича ишланган) деган ажойиб фильмнинг қаҳрамонлари каби ЧОН (бандитизм ва контрреволюцияга қарши курашда махсус вазифаларни бажарувчи Коммунистик қисмлар) сафига ўтдим ва бу ерда икки йил (1923—1924 йиллар) давомидан ўқчилар бўлинмасига командирлик қилдим. Лекин бу билан кўнглим тўлмади. ЧОНга кирмасдан анча илгарийёқ менинг миямда шундай фикр тугилган эди: дуруст, бизнинг мамлакатимизда революция ғалаба қилди.

лакачилари фожиона суратда узиб қўймаганларида эди, ўша халқлар яна нималарни яратишга қодир эмасдилар дейсиз! Қадимги маялар Юкатан ва Гватемалада барпо этган даб-дабали обидалар, Жанубий Африканинг Лимпопо дарёси соҳилидаги Зимбабвеннинг сирли харобалари, Ангкорвар (Ҳиндихитой) ва Борабудур (Индонезия) саройлари ва ибодатхоналари вайроналари ҳамда бошқа кўпгина ёдгорликларга оид адабиётларни кунт билан берилиб ўқир эдим. 20-йиллар охирига келиб, ўзим ишқибоз бўлган соҳанинг мустақил илмий ходими бўлиб олгач, СССР этнографиясига оид кўпгина муаммолар орасидан ўша вақтда жуда кам ўрганилган Ўрта Осиё этнографиясини, шу жумладан, Амударё қуйи оқимидаги атрофини чўллар қуршаб олган обод воҳа, қадимги Шарқ маданияти марказларидан бири — Хоразмнинг ўрганилмаган этнографиясини тадқиқ қилишга жазм этдим.

Атайин Хоразмни кўзлашимнинг бошқа боиси ҳам бор эди. Студентлик йилларимда аксари Волга бўйи халқлари этнографияси билан шуғулландик. Бу халқларнинг моддий ва маънавий маданиятларини ўрганиш жараёнида ўша вақтдаёқ мен бир нарсага эътибор берган эдим: бу маданиятнинг талайгина элементлари қадимги замонларда унинг Ўрта Осиё билан алоқалари бўлганлигидан далолат беради. Улуг мамлакатимиз халқлари ўртасидаги қадимий, тарихий алоқалар бизнинг кунларимизда халқлар дўстлигини янада мутаҳкамлашга ҳамда мустамлакачилик давридан мерос тариқасида сақланиб қолган сарқит — миллатлар ўртасидаги ўзаро ишончсизликни батамом тугатишга хизмат қилиши керак эди.

Ниҳоят, Хоразмга қизиқишимиз сабабларидан яна бири буржуа фани Шарқ тарихини ҳаддан ташқари чалкаштириб юборганлиги эди. Буржуа адабиётининг Шарқ прогрессив тараққиётини инкор этувчи, Шарқ мамлакатлари азалдан сира бартараф қилиб бўлмайдиган турғуниликка маҳкумдир, деган даъвоси менинг қаттиқ ғашимга тегарди. Ғарб халқлари сингари Шарқ халқлари ҳам мураккаб прогрессив тараққиёт йўлини босиб ўтганликларидан, улар ҳам айни ўша ижтимоий-иқтисодий формация-босқичларни бошларидан кечирганликларидан, тарих учун Шарқ бошқаю, Ғарб бошқа эмаслигидан далолат берувчи, рад қилиб бўлмайдиган ҳужжатлар топиш керак эди. Ҳа, мақсад, вазифа шундан иборат эди! Вунда биз Хоразм материалига зўр умид боғлаган эдик.

То 1936 йилга қадар Хоразм воҳасининг ва унга чегарадош жойларнинг ҳозирги замондаги аҳолиси ҳаёти билан машғул бўлиб, асосан, этнографияга оид материал тўпладик. 1937 йилдан бошлаб, гарчи, Хоразмни ва унинг теварак-атрофидаги чўлларни этнографик жиҳатдан текширишни давом эттирган бўлсак ҳам, тадқиқотларимизда асосий эътибор археологик ёдгорликларга қаратилди. Археология материаллари ҳам, этнография материаллари ҳам биз кутган натижаларни берди.

СССР Фанлар академиясининг ўша вақтда Хоразмни махсус текшириш учун уюштирган доимий экспедицияси коллективининг кучи билан юқоридаги

саволларга жавоб топишга муваффақ бўлди. Уруш арафасидаёқ эълон қилинган бир қанча мақолаларимизда қадимги Ўрта Осиёнинг ижтимоий тузуми муаммосини ҳал қилишга уринган эдик. 1948 йилда нашр этилган «Қадимги Хоразм» («Древний Хорезм») ва «Қадимги Хоразм маданияти изидан» («По следам древнехорезмийской цивилизации») номли китобларимда эса тўпланган бой материални умумлаштириб беришга, Хоразм ҳамда бутун Ўрта Осиё халқларининг тараққиёт йўллари масаласини янгича талқин қилишга уриндим...

Ҳа, мазкур асарлари учун С. П. Толстов 1948 йилда биринчи даражали СССР Давлат мукофоти сазовор бўлган эди. Бу асарлар бир неча чет тилларга таржима қилиниб, нашр этилди ва юксак баҳоланди. «Қадимги Хоразм маданияти изидан» номли асари 1963 йили ўзбек тилида ҳам чоп этилди. Камина устознинг тавсияси билан ушбу китобга масъул муҳаррирлик қилган.

Олим кашфиётларининг энг муҳим томони шундаки, у халқимизнинг узоқ ўтмишидаги номаълум бутун бир тарихий даврини тиклаб, тўлиқ гавдалантириб берди. Махсус экспедиция даврида Хоразм территориясида неолит ва бронза даврларига оид кўп сонли ибтидоий маконларнинг топилиши археология фани учун муҳим янгиллик бўлди. Неолит даври маконлари ичида эндиликда жаҳон фани томонидан эътироф этилган Калтаминор маданияти алоҳида ўрин эгаллайди. Нисбатан юқори даражада тараққий этган бронза даврига оид Тозабөгей маданияти қазилмаларининг Сибирь ва Қозғистонда топилган Андронов маданиятига яқинлигининг аниқланиб берилиши мамлакатимиз халқлари ибтидоий жамоа тузуми даврларидаёқ ўзаро муносабатда бўлганлигини кўрсатади.

Хоразмда ва Ўрта Осиёнинг бошқа районларида ибтидоий кишилар яшаганлигининг аниқланиши ўша даврда сиёсий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга эди. Чунки иккинчи жаҳон уруши арафасида ирқий назариячилар Қрим ва Пекин ўртасидаги катта территорияда бир вақтлар юқори «олий ирққа» тегишли, яъни танланган оқ европа ирқи (бундай фикрларни асосан гитлерчи фашистлар ва уларнинг «илмий» малайлари тарғиб қилганлар) аждодларининг суяк қолдиқлари ва маконлари топилиши мумкин, деб даъво қилган эдилар. С. П. Толстов ва бошқа совет археологларининг Ўрта Осиёда ўтказган илмий тадқиқотлари бундай реакцион қарашларни пучга чиқарди.

Хоразм экспедицияси кашфиётлари Ўрта Осиё тарихидагина эмас, балки жаҳон тарихида ҳам катта аҳамиятга эга. Бу кашфиётлар буржуа олимларининг Ўрта Осиё территориясида «исломгача даврда» феодализм тузуми ҳукмрон бўлган, деган фикрни рад этади. Совет тадқиқотчилари Ўрта Осиёда, Хоразмдаги мавжуд кўпгина дабдабали шаҳар ва қалъалар, жуда катта канал ва

ариқлар, бепоён экинзорлар, ибтидоий иш қуроллари ҳукмрон синфга бутунлай тобе бўлган кулларнинг меҳнати билан пайдо бўлганлигини тасдиқлаб берди. Маълумки, илк феодализм даврида, яъни IX—XII асрларда бутун Ўрта Осиёда, шу жумладан, қудратли Хоразм давлатида фан ва маданият тараққий этиб, жаҳонга Абу Али ибн Сино, ал-Беруний, ал-Хоразмий каби машҳур сиймоларни етказиб берди. Табиийки, бундай маданият, узоқ давр давомида шаклланган замин асосида пайдо бўлиши мумкин. Асрлар давомида ҳукм суриб келган қулдорлик тузуми мазкур маданиятга замин бўлди. Шу ўринда Ф. Энгельснинг қуйидаги сўзларини келтириш жоиздир: «Куллик бўлмаганда, грек давлати, грек санъати ва грек фани ҳам бўлмас эди; куллик бўлмаганда, Рим давлати ҳам бўлмас эди. Греция билан Рим қуриб берган пойдевор бўлмаганда, эса — ҳозирги Европа ҳам бўлмас эди». Бизнинг бутун иқтисодий, сиёсий ва ақлий тараққиётимизнинг дастлабки шарти шундай бир тузумдан иборат бўлганки, бу тузумда куллик қай даражада умум томонидан эътироф қилинган бўлса, ана шу даражада зарур эди, — буни биз ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.



Қўйқирилган қалъасидаги хумдон.

С. П. Толстовга ўхшаган донишманд тадқиқотчиларнинг илмий хулосалари, Хоразм ва бошқа экспедицияларнинг яқунлари Ўрта Осиё халқларининг қадимги даврда жуда юқори босқичдаги ўзига хос мустақил маданиятга эга бўлганликларини кўрсатиб берди. Бундай хулосалар буржуа олимларининг ирқий назарияси асосида «маданиятчи Ғарбни» «бадавий Шарққа» қарши қўйишга бўлган интилишларига катъий зарба берди.

Заҳматкаш олим С. П. Толстовга ўхшаган совет тадқиқотчилари эраимиздан бир неча асрлар илгари вужудга келган ва юксак даражада тараққий этган қадимги Хоразм маданиятини марк-

систик позицияда туриб баҳолар эканлар, тарих фани соҳасидаги идеализм ва догматизмга, буржуа «тарихчи»ларининг гўё Ўрта Осиё халқлари тарихий халқ «эмаслиги», уларнинг маданияти Эрон ва бошқа мамлакатларнинг маданиятига «тобе эканлиги» ҳақидаги пуч даъволарини фош қилдилар. Улар рад қилиб бўлмайдиган далиллар билан Шарқ халқлари, шу жумладан, Ўрта Осиё халқлари ҳам худди Ғарб мамлакатлари халқларидек жамиятнинг марксизм-ленинизм кашф этган тараққиёт қонунлари асосида ривожланганликларини исботлаб бердилар.

Қадимий тарихий обидаларнинг илмий таҳлили Хоразм тарихи, унинг маданияти ўз территорияси билан чекланиб қолмай, анча ташқарига чиққанини, Хоразм билан Ўрта денгиз бўйидаги қадимги давлатлар, Шарқий Европа, Ҳиндистон, Хитой ва айрим Узоқ Шарқ мамлакатлари ўртасида қадимда иқтисодий ва маданий алоқалар мавжуд бўлганини кўрсатди.

Хоразм экспедициясининг бевосита С. П. Толстов бошчилигида қилинган энг ажойиб кашфиётларидан бири—Тупроққалъа номли машҳур обидадир. Бу ном билан боғлиқ қазилмаларда ўтказилган тадқиқотлар натижаси, у ерда топилган серхашам афсонавий суратлар галереяси, ганч ва лойдан ишланган турли ҳайкаллар, хилма-хил меъморчилик ансамллари, ҳар хил буюмлар ва бошқа кўп топилмалар мазкур обиданинг аҳамияти беқийс эканидан далolat беради. Ҳали ҳам тўла қазиб ўрганилмаган бу сирли хароба тадқиқотчиларни яна кўпгина янгиликлардан огоҳ қилиши мумкин.

С. П. Толстовнинг Тупроққалъа тўғрисидаги дастлабки тасавурлари эътиборга сазовор. Эсимда, мени археология ва этнографияга қизиқтириш учун биринчи суҳбатидаёқ мана шу обида ҳақида жўшиб ҳикоя қилган эди. У ўз асарларидан бирида Тупроққалъани шундай таърифлайди: «Бир минг тўққиз юз ўттиз саккизинчи йил октябрида очилган ҳаволи оқшомлардан бирида бизнинг кичкина разведкачи группамиз қушонлар даврига оид Аёзқалъа 1-нинг деворларига чиқишди. Олтмиш метр баландликка эга бўлган бу деворлардан кўзимиз ўнгида босиб ўтилган ва энди ўтилиши лозим бўлган йўлнинг кенг манзараси намоеён бўлди. Жануб ва шарқдаги харобаларнинг бизга таниш бўлган кўринишлари билан бир қаторда, узоқ ғарб томонининг уфқида, унумсиз тақирлар, қум ва шўрхоқларнинг қафтдек текислиги ортида, шимолий чеккасида уч буржли баҳайбат қалъаси бўлган улкан харобаларнинг кўланкаси кўзга ташланди. «Бу қандай қалъа экан?» деб сўрадим мен йўл бошловчимиздан. — «Бу — Тупроққалъа. Унинг ҳеч бир қизиқарли жойи йўқ», деган қисқагина жавоб бўлди. Эртаси куни бизнинг қарвонимиз «қизил қарли жойи йўқ» бўлган қалъага етиб келди.

Гиёҳ унмайдиган теп-текис Аёзқалъа тақирларини босиб

ўтгач, Тупроққалъага борадиган йўлнинг ярмига келганда, биз Тупроққалъанинг кўпчиган шўрхоқлардан иборат ғамгин ва ҳаёт нишонаси бўлмаган текислигига қадам қўйдик. Қорамтир-кулранг тусдаги ғадир-будир шўрхоқ пардаси туз еб, ишдан чиқарган тупроқ қатламини қоплаб олган бўлиб, туяларнинг оёғи бу тупроққа тўпигигача ботиб кетар ва катта-катта ва эгри-бугри доғлар қолдирар эди. Сирти шўрхоқ пардаси билан қопланган ва устида қуриб қолган бир тутам бутаси бўлган айланма шаклдаги қум барханлари қора доғли шўрхоқларнинг жонсиз манзарасини янада ғариблаштириб кўрсатарди.



Тупроққалъадан топилган, нақш билан ишланган қирғовул сурати.

Қалъанинг бу ер яқинидаги Султон Увайсдоғ тоғларига қараган шимолий бурчагига етиб келганимизда қуёш ботган эди. Султон Увайсдоғнинг гоҳ қулранг, гоҳ қорамтир-яшил рангдаги жарлик ва тизмалари ёнмаёён чўзилиб кетган бўлиб, бамисоли зинапоя сингари борган сари кўтарилар ва арранинг тишига ўхшаш қоялар билан тугар эди. Биз тезликда тунайдиган жой танлаб ҳамда туяларнинг юқини тушириш ва кечки овқат тайёрлаш ишларини йўл бошловчиларимизга ҳавола қилиб, харобалар сари йўл олдик. Яқингинамизда қад кўтариб турган йигирма метрли уч буржли кулранг қалъа салобат тўкиб турарди. Биз тирмашиб юқорига чиқдик. Унг томонимизда, шимоли-шарқий буржнинг жануб томондаги очилиб қолган жойидан бир талай гумбазли уйлар, чала бузилган улкан пештоқлар кўришиб турар, бузилиб кетган гумбазли хоналар деворларининг тегиб ишланган қадимий баҳайбат ғиштлари бошимиз тепасида ваҳимадор бўлиб осилиб турар эди.

Марказий майдончанинг шимоли-шарқий бурчагига гумбазли уйнинг ўпирилиб тушиши натижасида ҳосил бўлган чуқурни кўрдик. Унинг ёнида, шимоли-ғарбий буржнинг босиб тушишидан ҳосил бўлган ва лойи оқиб тушган бошқа қасрлар кўзга ташланарди.

Қалъанинг улкан қисми бузилган, қолган қисми эса массив ичига кўмилиб кетган бўлиб, турли қаватларда жойлашган гумбазли сон-саноксиз хоналардан иборат эди. Жанубий девори тиккасига бузилиб, ваҳимадор бир кўриниш касб этган, жанубий бурждан қараганда, шаҳарнинг бутун манзараси

кўз олдимизда намоён бўларди. Шаҳар тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, уни 10—15 метр баландликкача кўтарилган ва замонлар ўтиши билан тупроққўрғонга айланган девор ва кўплаб буржларнинг қолдиқлари ўраб турарди. Деворлар ҳам, уларнинг ичидаги бўшлиқ ҳам, юқоридагидек, ҳаёт асаридан ном-нишон бермайдиган кўпчиган шўрхокнинг қорамтир-қуланг пардаси билан қопланган эди... Биз ажиб бир тарзда шўрхок юзасига тушаётган кечки ёруғлик нурида товланаётган қадимги Хоразм шаҳрининг қиёфасини кўриб турардик...»

«Ирқий» назарияни тарғиб қилувчи буржуа олимларининг узок аждодлари «ваҳшийлик» маданиятига энди эришган бир пайтда, қадимги Нисадан топилган, фил суягидан ишланган ритон (қадах идиш), Хоразмнинг кўп жойида учрайдиган, лойдан ва сополдан ясалган хилма-хил ҳайкаллар, Тупроққалъадан топилган қадимги Хоразм ёзуви ва бой суратлар галереяси, Тожикистоннинг Муғ тоғида очилган сўғд даврига оид архив, Болаликтепа ва Панжикентда кашф этилган ҳар хил маросимларни тасвирловчи ажойиб ранг-баранг расмлар, Варахшанинг гўзал ганч ҳайкаллари ва безаклари, бутун антик даврда қурилган ҳашаматли қалъаларнинг архитектураси, хуллас, бу тарихий далилларнинг ҳаммаси Ўрта Осиё халқларининг қадимги аждодлари ўша пайтлардаёқ қанчалик маданиятли бўлганликларини ёрқин кўрсатиб турибди.

Маълумки, Хоразм воҳасига уюштирилган кўп томонлама археологик экспедиция урушдан кейинги даврда ўз фаолиятини яна ҳам кенгайтириб юборди. Сўнгги йигирма-ўттиз йиллар ичида экспедиция ўзининг синалган доимий раҳбари Сергей Павлович бошчилигида янги зўр кашфиётларни қўлга киритди. Бу ишларнинг натижалари экспедициянинг илмий асарларида ва тўпламларида, С. П. Толстов ва А. С. Кесь таҳририда 1960 йили чиққан «Амударё этаги, Сарикамиш ва Ўзбой» номли коллектив рисолада, С. П. Толстовнинг «Окс ва Яксартнинг қадимги ўзани бўйлаб» (Москва, 1963 йил) деган китобида якунланган. Сўнгги асарда Аму (Окс) ва Сир (Яксарт)нинг қадимги ўзанлари ва қадимги суғориладиган ерларнинг тарихи, воҳаларнинг ўтроқ аҳолиси ва ўлкани қуршаб олган бепоён дашт-биёбон ҳамда чўлларда яшаган халқлар ва қабилалар ижтимоий тузумининг тарихи билан узвий боғлаб тадқиқ қилинган.

Археолог, тарихчи, этнограф ва геморфологларнинг кўп томонлама тадқиқотлари туфайли узок вақтлар буржуа фани ечолмай келган Ўзбой муаммоси ҳам ҳал этилди. Фанда илгари маълум бўлмаган янги далиллар асосида Амударёнинг қадимги оқими анча тўлиқ аниқланди, дарё тошқинининг муттасил қирғоқлари белгиланди, қадимги воҳаларнинг шўрланиш ва чўл-биёбонга айланиш йўллари ўрганилди. Ке-



Нукусдаги Н. Довқораев номидаги Тарих, тил ва адабиёт институтининг археологлари Хева шаҳрининг ёшини 1000 йил эмас, балки 2400 йил, деб белгиламоқдалар. Суратларда: 1. Хева археология экспедициясининг иштирокчилари — илмий ходимлар: Мирзамурот Мамбетуллаев (чапдан), Нория Юсупов ва Ғайритдин Хўжаниёзов.

Эрамизгача бўлган V—IV асрларга оид мазкур темир қиличлар Устюртдаги Ясситоғдан топилди.



Устюртдаги Ясситоғдан топилган сопол буюмлар.

М. Елевсинов фотолари (ЎзТАГ)

йинги кўп томонлама тадқиқотлар ва археологик-топографик текширишлар натижасида суғориш техникаси ва ҳар хил этник аҳолининг жойлашиш тарихига оид ниҳоятда бой материаллар тўплашга муваффақ бўлинди.

Ажойиб тадқиқотчи Сергей Павловичнинг хизмати яна шундаки, у ижтимоий фанлар соҳасида деярли биринчи бўлиб археология фанини аниқ фанлар сингари жамиятимиз ишлаб чиқарувчи кучларининг тарки-

бий қисми эканлигини исботлаб берди. Ўрта Осиёнинг икки буюк дарёси этаклари оралигини маҳсулдор обикор деҳқончилик районига айлантириш учун реал шарт-шароит мавжуд эканлигини далиллаш ҳам С. П. Толстовнинг энг катта муваффақиятидир.

Ҳозир қадимги суғориладиган ерларнинг кўпчилиги ўзлаштирилган. Жуда кўп кўҳна харобалар теварагида янги боғу бўстонлар, пахтазор ва экинзорлар пайдо бўлиб, Хоразм воҳасига янгича ҳусн бахш этди. Бунга

Қорақалпоғистондаги Эллиққалъа номли янги район далил бўла олади.

Афсуски, фанга шундай катта ҳисса қўшган, Ўрта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон халқлари тарихининг қоронғу саҳифаларини ёритиб, жуда узок вақтлар мужмал бўлиб келган муаммоларни ечиб берган буюк инсоннинг хотирасини республикамиз миқёсида ҳам хизматига яраша абадийлаштиришга ҳануз эътибор берилмаётгани йўқ.

Шу эзгулик амалга ошса, айти муддао бўларди.

Таниқли қорақалпоқ шоири Хўжабек Сейтов 70 ёшга тўлди. У ижодини 30-йилларнинг иккинчи ярмида бошлади. Шоирнинг «Ғалаба сари, олға» (1944), «Бахтли ҳаёт» (1947), «Ҳаёт тонги» (1950), «Коммунизм қўшиғи» (1952), «Тўлқинлар» (1956), «Коммунизм баҳори» (1960), «Аму қизи» (1961), «Аму бўйида баҳор» (1966), «Тонги шафақ» (1968), «Танланган асарлар» (1977) сингари тўпламлари қорақалпоқ адабиёти хазинасидан муносиб ўрин эгаллади. Шунингдек, унинг СССР халқлари тилларида, хусусан, рус тилида бир неча китоблари нашр этилди.

Хўжабек Сейтов адиб ва таржимон сифатида ҳам машҳур. У бир неча очерклар, қиссалар тўпламлари ва романлар муаллифидир. Александр Твардовскийнинг «Василий Теркин» поэмаси, Миртемирининг «Қорақалпоқ дафтари» туркум шеърлари таржимасида хизмати катта.

Коммунист шоир партия ва совет ташкилотларида сидқидилдан хизмат қилиб келди. Қорақалпоғистон Министрлар Совети ҳузуридаги Радио эшиттириш комитети раиси, Қорақалпоғистон Ёзувчилар союзи раиси вазифаларида ишлади. У икки марта «Хурмат Белгиси» ордени, медаллар, Ўзбекистон ССР ҳамда Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

Шоирга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» деган юксак унвон берилган.

Қуйида Хўжабек Сейтовнинг ўтган йили чоп этилган «Узоқ йўл» китобидан айрим таржималар билан танишасиз.



Хўжабек СЕЙТОВ

ЎЗБЕКИСТОН ДИЁРИДА

Тоғ бағирлаб саҳарда
Юрсам дарё бўйида,
Майса-гуллар баҳорда
Яшнар қиру ўйида.

Сочган чоғи тонг зиё,
Нурга тўлиб бу дунё,
Чаман, боғлар чайқалар —
Ҳаёт будир энг аъло.

Дала яшил кийинар,
Сув шалоқлар, суюнар,
Сув бўйида мажнунтол,
Бошин эгиб сув ўйнар.

Тонгни қучиб нур эмган,
Сийнасида кун кулган
Ўзбекистон ери кенг —
Қайга борсанг гул унган.

Бўлса жаннат чиндан ҳам,
Жаннат эрур шу ўлкам,
Сайр этганда кўз яшнаб,
Завқланади дил ҳар дам.

Бунда қуш ҳам яйрайди,
Парвоз этиб сайрайди.
Тоғ тўшида ярақлаб
Кун шуъласи ўйнайди.

Тонгда кўзин очган дам
Лаззатланар ҳар одам,
Нақш ўйгандай ранг-баранг,
Гулга тўла ҳар қадам.



Нақшлар ўйган ким экан,
Кимлар бунга уннаган:
Тонгда туриб беазаган
Сураткаши кун экан.

Сураткаши кун экан,
Вўёқ ясар тун билан.
Мўйқалами тонг нури,
Кўпдир унда ранг деган.

Бу бахтиёр замонда,
Нур чулғанган ҳар тонгда
Ўзбекистон диёрин
Кўрмаганлар армонда!

Кўрсанг тўлиб тошасан,
Дейсан, минг йил яшасам,
Ҳосили мўл тупроғин
Ўпиб кўнгил бўшатсам...



ТОШКЕНТ

Тоғ қўйида тонг нуридан,
Бахтли халқин суруридан,
Пахта тоғи — нуруридан
Гулдек чирой очган Тошкент.

Халқинг юрар яйраб бунда,
Қулоч ёйиб кенг очунда.
Тонгни қучиб ҳар бир кунда,
Завқу шавқлар сочган Тошкент.

Ойжамолинг нурга ийлаб,
Юксақларга парвоз айлаб,
Иилдан йилга қаддинг шайлаб,
Шарқ юлдузи бўлдинг, Тошкент.

Ев қутириб мағриб ёқда,
Визга уруш очган вақтда,
Евга қарши туриб сафда,
Қўлга қурол олдинг, Тошкент.

Тўрт йил уруш ўти ёнди,
Майдонда халқ тўқди қонни,

Соисиз бола етим қолди,
Етимларга она Тошкент.

Евдан элнинг ўчин олдинг,
Еримиздан қувлаб солдинг,
Дўстлик меҳри билан тўлдинг,
Шарқ шуъласи — нурсан,
Тошкент.

Ер силкинди ларза солиб,
Совет халқи келур голиб,
Ердамидан баҳра олиб,
Қанот ёйиб турсанг, Тошкент.

Қушлар сендан олар парвоз,
Эмас сўлим жойларинг оз,
Кўчаларинг гўзал ва соз,
Тонгдан нафас олган Тошкент.

Эсиб турар тонг шамоли,
Қулф уради боғ жамоли,
Шаҳарларнинг сен чўлпони,
Москвадай улкан Тошкент.

Тунда юлдуз, кундуз кундай,
Завқланамаи доим шундай,
Ўзбекистон юрагиндай
Мангу уриб турсанг, Тошкент —
Шарқ юлдузи — нурсан,
Тошкент.



УЗОҚ ЙЎЛ

Умр йўли — машаққатли узоқ йўл,
Курашларсиз, изсиз ўтар бироқ ул,
Оғир курашларни бошдан кечириб,
Юра берсанг сўнги ойдин, порлоқ йўл.

Умр йўли — ҳар одамни синаган,
Синалмаган бағрин ўкинч тиглаган,

Йўл азоби, ситамига чидамай,
Емон дейди ярим йўлда йиғлаган.

Йўл азобин йўли-қирин билмаган,
Тавбасига таянмаган, кўнмаган,
Одамлар бор чексиз, фарқсиз йўл юриб,
Сўйдин йўлни топганларни кунлаган.

Умр йўли — кураш йўли билганга,
Ҳаракатсиз одамлар тенг ўлганга.
Нима етсин меҳнат, кураш йўлларин
Босиб ўтиб шодон умр сурганга.

Узоқ йўлнинг бўрони ҳам бўлади,
Кўз очирмас тўзони ҳам бўлади,
Узоқ яшаб, йўл ситамига кўп кўрсанг,
Узоқ йўлда ўчмас излар қолади.

Мен узоқ йўл юриб, кўп ерни кездим,
Турмуш денгизига чўкмадим, суздим,
Машаққатли чексиз умр йўлининг
Етиб бўлмаслигин кейинроқ сездим.

Кучли бўлган билан орзу этувим,
Мушкул бўлди ўтганлардан ўтувим,
Кураш билан ошди фақат амалга
Чорлаётган мақсадимга етувим.

Инсон умри — чексиз узоқ йўл экан,
Қувончларга, қайғуга ҳам мўл экан,
«Кўп яшасанг, оғирлашар юкинг ҳам» —
Деганлари қариларининг шул экан!..



ГУРЛАБ ЁНИБ СЎНМАСАМ...

Олим бўлиш қайда менга? —
Табиатнинг сирин оча билмасам...
Қаҳрамонлик қайда менга? —
Курашларда кўпни бошлаб юрмасам...

Туғилган ва ўлган йили ёзилган
Одамлардек тарих варақларинда
Қолмасам ҳам,
хизмат этиш элимга —
Орзулари тўла қароқларимда.

Она халқим — куч-қувватим, тирагим,
Елқинлана берса дейман юрагим,
Таваккал деб кўзим қўрққан ишни ҳам
Ёнгиб элга тақдим этиш тилагим.

Қолмасам ҳам тарих замонларинда,
Ёзилмасам ҳам йилномаларинда,
Изимдан бир белги қолдирсам деган
Кучли орзулар бор армонларимда.

Нуктадонлик қайда менга? —
Теран сирли сўз маъносин билмасам,
Қаҳрамонлик қайда менга? —
Ё халқ учун, ё ор учун ўлмасам,
Марддек ўлиш қайда менга? —
Саксовулдай гурлаб ёниб сўнмасам...

Эргаш Муҳаммад таржималари

Танр
Учингаз.

ФУРҚАТНИНГ СЎНГГИ АСАРИ

Шариф ЮСУПОВ

ЎЗБЕК халқининг асл фарзанди Зокиржон Фурқат янгича маърифатпарварлик ғояларини эҳтирос билан тарғиб этганлиги, шу орқали меҳнаткаш халқ ижтимоий онгининг юксалишига катта ҳисса қўшганлиги туфайли ҳукмрон доираларнинг ғазабига учраб, умрининг охирги ўн саккиз йилини ватанжудоликда ўтказишга мажбур бўлганлиги, унинг табаррук хоки ҳам ўша ёқда қолиб кетганлиги ўқувчиларга маълум.

Лекин ана шу бениҳоя машаққатли, фожиаги йилларда ҳам улкан санъаткор ўз юксак ғояларига содиқ қолган, ўзбек маърифатпарварлигини янги янги фикрлар билан бойитган кўплаб асарлар яратишдан тинмаган. Худди шунинг учун ҳам Фурқат ватанидан ташқарида амалга оширган ҳар бир иш, яратган ҳар бир бадиий-публицистик асар, у юртга йўллаган ҳар бир газета хабари, ҳатто дўст-қадрдонларига ёзган оддий мактублар ҳам ўқувчиларни ғоят қизиқтириши турган гап. Улар билан танишиш Фурқат ҳаёти ва ижодининг бу муҳим даври ҳақидаги тасаввуримизни бойитади, унинг ижодкор, сиёсатдон, гражданин сифатидаги қиёфасини тўлароқ, аниқроқ идрок этишимизга кўмаклашади.

У хорижда яшаган йилларида она юртида ўзбек тилида чиқиб турган ягона вақтли матбуот органи — «Туркистон вилоятининг газети» билан мустаҳкам алоқа боғлаб, даврнинг энг долзарб масалаларига бағишланган асарларини унда мунтазам нашр этириб турган. Газетанинг ўтган асрнинг 90-йиллари ва асримизнинг дастлабки йилларидаги таҳламларини варақласак, уларда эълон қилинган Фурқат материалларига хос етакчи бир хусусиятни кўраемиз. Гап шундаки, уларда шоирнинг компаси ҳамisha илғор Россияга, забардаст рус халқига, бу халқнинг етук фан-техникасига, тараққийпарвар маданиятига, сеҳрли рус тилига қаратилгани яққол сезилади. Ана шу аниқ ишловчи компас туфайли у империалистик доираларга қарам буржуа матбуотининг маккорона ниқобларини йиртиб ташлашга, Шарқнинг турли мамлакатларида империализм юргизган мустамлакачилик сиёсати «бечора фуқароларга офат етказган»ини аниқ далиллар билан исботлашга, Шарқий Туркистонни (шунингдек, Туркистоннинг ўзини ҳам) Туркия, Эрон сингари қолақ мамлакатлар ҳукуматларига, улар орқали эса, инглиз, француз империалистларига қарам қилиб қўймоқчи бўлган реакцион ҳукмдорларнинг қанчалар разолат ботқоғига ботишини яққол намоён этишга муваффақ бўлади.

Афсуски, Фурқат чет элларда яратган ва бир қисми «Туркистон вилоятининг газети»да чоп этилган, бир қисми эса Ўзбекистон ССР Марказий Давлат Архивида сақланаётган асарларнинг тўла матни билан ҳозирги ўқувчилар таниш эмаслар. Газетада эълон қилинган Фурқат материаллари



Н. Қўзибоев. ФУРҚАТ.

араб алифбосида эканлиги, ундан ташқари, газетанинг барча сонлари бут эмаслиги, ниҳоят, асарларнинг катта бир қисми ҳали умуман қўлга кирмаганлиги бу ишларни янада қийинлаштиради. Шу ваздан Фурқатнинг ҳозиргача чоп этилган «Танланган асарлар»ига кирмай қолган намуналарнинг мавжуд қисмини имкони борича зудлик билан ўқувчилар ҳукмига ҳавола этиш ғоят зарур кўринади. Масаланинг шу томонини эътиборга олиб, бугун биз мулоҳаза юритаётган «Қавоиди Чин ва умуроти сиёсий» («Чин қоидалари ва сиёсий хат») номли асар Фурқат ижодий меросининг Туркистон матбуотида босилган сўнгги намунаси бўлиб, фурқатшуносликда ҳали деярли ўрганилган эмас.

«Қавоиди Чин ва умуроти сиёсий»ни Фурқатнинг олдинги давр ижоди билан муштарак жиҳатлари ҳам, улкан маърифатпарвар шоир яшаган ва ижод қилган Шарқий Туркистон воқелиги билан изоҳланадиган ўзига хос жиҳатлари ҳам бор. Чунончи, Фурқат Тошкентда эканида этнографик характерга эга «Гап хусусида», «Тўй хусусида», «Аза хусусида» сингари муҳим асарлар яратган, бироқ улар матбуот юзини кўрмаган эди. Н. Остроумов архивида бизгача сақланиб қолган бу асарларни муаллиф дастнависи бўйича «Адабий мерос» тўпламининг 1983 йилги 4-сонида биринчи марта тўлалигича эълон қилган эдик. «Қавоиди Чин ва умуроти сиёсий»да Фурқат ўзининг ана шу анъанасига содиқ қолади ва хитой халқи турмуш тарзидаги муҳим ҳамда ибратли кўпгина жиҳатлар билан ўзбек ўқувчиларини таништиришга уринади. Асарда муаллиф мулоҳаза юритган масалаларнинг аксар кўпчилиги оилага, ота-онага, бобо-буви, ака-ука, эгачи-сингилларга, дўстларга, қўни-қўшниларга муносабат ахлоқ-одобига тегишли бўлиб, улар ҳозирги ўқувчилар учун анчагина ибратлидир. Фурқатнинг эрхотинлар муносабати ҳақидаги мулоҳазалари ҳам ҳозирги ёш-

Турмушимиз ва биргаликдаги меҳнатимизнинг бутун муҳити, оила ва мактаб, армия, маданият, адабиёт ва санъат барча миллатларга мансуб совет кишиларини ва, аввало, ёшларни энг олижаноб туйғулар — интернационализм ва совет ватанпарварлиги туйғулари руҳида тарбиялаб вояга етказиши керак.

(КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил Январь пленуми материалларидан)

ларимизни қизиқтириши ва уларга сабоқ бериши табиий.

«Қавоиди Чин ва умуроти сиёсий»да Фурқат дўст танилаш принциплари, дўстлик қонун-қоидаларига амал қилиш хусусида ҳам кенг тўхталади, гоят қизиқарли фикрлар баён қилади. Ана шу ахлоқ-одоба тааллуқли хитой қонун-қоидаларини шарҳлаш, тегишли ўринларда кичик-кичик ҳикоялар келтириш орқали Фурқат ўз ўқувчиларини ҳалоллик, виждонлилик, ўзаро меҳрибонлик, меҳнатсеварлик руҳида, ёвузликка нисбатан шафқатсизлик руҳида тарбиялаш мақсадини амалга оширади.

Асарнинг яна бир қимматли жиҳатига тўхталиб ўтмаслик мумкин эмас. Гап шундаки, баъзи манбаларда Фурқат Шарқий Туркистонда яшаган йилларда турли тилларни ўрганганлиги, табиий фанларни эгаллаш билан жиддий шуғулланганлиги айтилар эдию, лекин бу фикрларнинг исботи учун аниқ мисоллар етарлича келтирилмас эди. Тўғри, Фурқат ҳинд тилидаги «Песаи ахбор» ва «Ҳаблул матин», форс тилидаги «Кавкабаи носир» газеталаридаги материалларга муносабат билдириб мақолалар ёзганлиги унинг бу тилларни анча пишиқ билганлигидан далолат берар эди. Энди «Қавоиди Чин ва умуроти сиёсий» билан танишгач эса, Шарқий Туркистонда кўп йил истиқомат қилган Фурқат хитой тилини ҳам анча пухта эгаллаб олган деб тахмин қилиш мумкин. Чунки Фурқат ўз асарини яратишда биринчи манба сифатида фойдаланган китоб хитой ёзувчиси Гуан Шуйнинг қаламига мансуб бўлиб, у эндигина ёзиб тугалланган ва ҳали у вақтларда Фурқат билган бошқа тилларнинг бирортасига ҳам таржима қилинмаган эди.

Улкан ўзбек маърифатпарвар шоирининг табиий фанлардан кенг хабардор бўлганлигидан далолат берувчи ҳужжат сифатида асардаги табиий ҳодисалар, олов, сув, ҳаво ва тупроқ сингари унсурлар, уларнинг физик хоссалари, ўзгариш сабаблари ҳақидаги илмий изоҳларини келтириш мумкин. Асарда Фурқат, жумладан, бундай деб ёзганини кўраимиз: «Ўтнинг ҳарорати ва сувнинг барўдатининг қувваи аслисининг даражаси ҳукамолар ижод қилгон асбоблар воситаси бирла маълумдур. Бул ўт бирла сув ҳар қайси ўз марказида ниҳоятда кучлидур. Тағйири ҳаво ва табдили макон бирла қувваи аслиларига нуқсон етиб, фил-жумла ажз бўладур. Аммо ажз бўлмоқларин дуруна зоти кўрмак керакким, аносири арбаъким, оташ ва ҳаво, об ва хокдур. Оташни маркази ҳамани устида-фалакка яқиндур. Ул оташни марказида қандоқ бақувватлиги ҳукамоларга маълумдур. Ва лекин

ерда ўз марказида бўлгондек қувваи ҳарорати йўқдур. Мунинг сабаби табдили макондур. Яна киш кунларида ёз фаслидагидек қувваи ҳарорати йўқдур. Мунинг сабаби тағйири ҳаводур». Кўри-ниб турибдики, Фурқат ўт, сув каби унсурларнинг физик хоссалари ўзгаришини материалистик тарзда изоҳлайди. Бу материалистик характердаги илмий изоҳлар Фурқатнинг дунёқараши масалаларига янгича қарашни, бу ҳақдаги аввалги қарашларга маълум ўзгаришлар киритишни ҳам тақозо этади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, Фурқат Гуан Шуй китобидан биринчи манба сифатида фойдалангани ҳолда ундан жуда илгарилаб кетади. «Қавоиди Чин ва умуроти сиёсий»даги пахтачилик ва пиллачилик деҳқонлар моддий аҳволини яхшилашда алоҳида аҳамият касб этиши, умуман, деҳқончилик билан шуғулланишнинг жамият учун манфаати, Шарқий Туркистон деҳқонларини харобликка олиб келган хитой ва ҳинд судхўрларининг ёвузликлари, рус савдогарлари уйғур деҳқонларини ўша судхўрлар чангалидан қутқариб, нисбатан, энгил яшашларига кўмаклашганлиги ва бошқалар ҳақидаги Фурқат мулоҳазалари асарнинг актуаллигини ҳам, таъсир кучини ҳам кўп жиҳатдан оширади...

Афсуски, «Қавоиди Чин ва умуроти сиёсий»нинг тўла матни ҳали топилган эмас. «Туркистон вилоятининг газети» редакцияси уни чоп эта бошлаб, 1905 йилнинг 22 декабрь, 1906 йилнинг 1 январь, 15 ва 22 февраль сонларида маълум қисмини эълон қилгач, ўша 22 февраль сонидagi қисм охирида «бақияси бор», дея газетхонларни умидвор этгани ҳолда уни босишни тўхтатиб қўяди. Шу тариқа ҳалигача номаълум сабабларга кўра, бизнингча, асарнинг хитой сиёсий ҳаётига доир ниҳоятда муҳим қисми газета юзини кўрмай қолиб кетади. Бироқ унинг газета тўрт сонидида эълон қилинган қисмининг ўзи ҳам ҳозирги ўқувчиларга кўп нарса беради ва уларда инсоний олижаноблиқни тарбиялашда муҳим восита бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз. Шу асардан сўнг Фурқатнинг Туркистон матбуоти билан алоқаси бутунлай узилиб, унинг номи «Туркистон вилоятининг газети» саҳифасида сира кўринмай қолади. Лекин бу гоят ачинарли аҳволнинг ҳақиқий сабаблари ҳали деярли ўрганилган эмас. Фурқатнинг Туркистон матбуотида эълон қилинган охириги «Қавоиди Чин ва умуроти сиёсий» асари ўрганилиб, шоирнинг юртдошларига сўнгги совғаси сифатида китобларига киритилса, ўқувчиларда алоҳида қизиқиш уйғотса керак.

Босилган МАТЕРИАЛЛАРИМИЗ ИЗИДАН

* * *

«Гулистон» журналининг шу йил биринчи сонидида эълон қилинган «Тушовланган тулпорлар» сарлавҳали мақолада, — дейилади УзССР Агросаноат Давлат комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Х. Исканов имзоси билан олинган жавоб хатида, — бузунги куннинг долзарб муаммоси кўтарилган. Ҳақиқатан ҳам 1975—1985 йиллар давомида республика йилқичилиги таназзулга юз тутди. Жойларда қишлоқ хўжалигининг бу муҳим тармоғига бўлган хўжасизларча муносабат натижасида йилқилар сони республика бўйича 22 процентга, жумладан Наманган областида 51, Қашқадарё областида 42, Тошкент областида 40, Сурхондарё областида 39, Қорақалпоғистон АССРда 37 процентга кескин камайиб кетди.

Уюрларда атиги 24 процент бия сақланиб қолгани ачинарли ҳолдир.

Кейинги йил ҳисоб-китоблари бу муҳим соҳанинг келажига умид тўғдирапти. 1985—1986 хўжалик йилида республика хўжаликларида, жумладан аҳоли хўжаликларида йилқиларнинг кўпайиши бирмунча нормаллашаётгани кузатилапти. 1987 йил январигача йилқилар сони умуман анчагина ўсди, биялардан қулун олиш кўпайди.

Йилқичиликни янада ривожлантириш, отларни сон жиҳатдан кўпайтириш республикада гўшт ва шифобахш қимиз етказишни яхши йўлга қўйиш мақсадида УзССР Агросаноат Давлат комитети 1987 йил 19 февралда 136-рақами билан қарор қабул қилди. Мазкур ҳужжатда йилқичиликни янада ривожлантиришнинг конкрет тадбирлари, жумладан 1990 йилга бориб йилқилар сонини камиди 15 фоиз кўпайтириш вазифаси белгиланган.

Шунингдек, республика Агросаноат Давлат комитети томонидан ноёб қорабайирлар наслини яхшилаш ва бунга масъул бўлган Жиззах от заводида, унинг озуқа базасида хўжалик ишларини мустаҳкамлаш ташкилий чора-тадбирлари белгиланди.

ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ ЯХШИЛАНАДИ

Редакция журналнинг ўтган йилги 11-сонидида эълон қилинган «Буюк мўъжиза муҳофазаси» сарлавҳали танқидий мақола юзасидан Андижон область партия комитети секретари ўртоқ А. Умархўжаев имзоси билан жавоб хати олди. Мақолада Андижон областида табиат муҳофазаси қонун-қоидалари қўпол сурада бузилаётгани танқид қилинган эди. Шу муносабат билан область агросаноат бирлашмаси томонидан ўтказилган текширишда мақолада келтирилган фактлар тўла тасдиқланган ва бу масала область агросаноат бирлашмаси коллегия йиғилишида муҳокама қилинган. Андижон, Балиқчи, Жалолқудуқ, Комсомолобод, Қўрғонтепа ва Ленин номидаги район агросаноат бирлашмалари раислари, Ленинск ёғ-экстракция заводи, Андижон Ег-мой комбинати директорлари йўл қўйган бепарволикларни учун жазоланганлар. Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарор мақолада тилга олинган камчиликларни тугатиш учун область агросаноатининг ҳамма тармоқларига кўрсатма сифатида тарқатилган.

РЕДАКЦИЯДАН:

Журналимизнинг ўтган йил 12-сонидида эълон қилинган «Чўлдаги чала ишлар» сарлавҳали танқидий мақолада чўл шароитида яшаётган аҳоли турмуш шароити билан боғлиқ бўлган муаммолар ҳақида фикр юритилган эди. Номаълум сабабларга кўра, Қашқадарё область партия комитети мазкур мақола юзасидан фикр билдиришни пайсалга солиб келаяпти.

Редакция журнал саҳифаларида эълон қилинган танқидий материалларга жавобан кўрилган тадбирлар ҳақидаги маълумотларни бундан кейин ҳам ёритиб боради.

САВР ИНҚИЛОБИГА АТАЛГАН КИТОБ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, афғоншунос-шарқшунос олим Ориф Усмоновнинг Савр инқилобига бағишланган янги китобини нашрдан чиқарди.

О. Усмонов Афғонистон илмий-адабий жамоатчилигига илгаридан яхши таниш олим. У Кобул университетиде таълим олган, бир неча ўн йиллар афғонлар юртида ишлаган, афғон элини ғоят ҳурмат қиладиган олимдир. Кобулда унинг Савр инқилобидан сўнг чоп этилган «Хушхолхоннинг 40 панди», «Хушхолхоннинг фойдали юз панди», «Халқ тафаккури», «Хушхолхон Хатак ва унинг адабий мактаби», «Дўстлик кўприги» каби китоблари ҳозир афғонистонлик китобсеварлар томонидан шавқ-завқ билан ўқилапти. Савр инқилобидан сўнг у (1978—1983 йилларда) аввал Маориф министрлигига қарашли ўзбек-туркман тили ва адабиёти департаментида, кейин Фанлар академияси Пашту Халқаро тадқиқот марказида маслаҳатчи сифатида ишлади. Бу даврдаги унинг бошланғич ўзбекзабон мактаблар учун дарсликлар тайёрлаш, пашту адабиёти ҳамда маданиятини ривожлантириш, «Зафар» ашула ва рақс ансамблининг бунёдга келиши, «Юлдуз» жаридаси (ҳафталик газетаси)нинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва бошқа илмий-маданий соҳалардаги фаол хизматларини бутун Афғонистон илмий-адабий ва маданий жамоатчилиги яхши билади, юксак қадрлайди.

Ориф Усмонов ўзининг ватани Совет Ўзбекистонига қайтиб келгандан сўнг ҳам АДРда қилаётган хайрли ишларини фаол давом эттираётир. Республика матбуоти саҳифаларида, радио ва телевидение орқали АДРдаги янги инқилобий адабиёт ва маданият ютуқларини тинмай тарғиб ва ташвиқ этиб бораётир.

Унинг янги — «Курашларда тобланган шеърият» китоби Савр инқилобининг 8 йиллигига бағишлаб чоп этилди¹. Мазкур китобнинг муқаддима қисми «Инқилоб ва мерос» деб аталади. Унда муаллиф В. И. Лениннинг маданий меросдан қандай қилиб

фойдаланиш, ўтмишдаги бой ва ранг-баранг маданий мероснинг қайси томонларини сайлаб олиш, уни қандай қилиб бойитиш, такомиллаштириш ҳамда янги инқилобий маданият яратишда ўтмиш маданий меросидан қандай усулда фойдаланиш каби энг муҳим масалалар атрофида сўз юритади. Бу муҳим фикрларни Ориф Усмонов дохий Лениннинг буюк рус адиби Лев Николаевич Толстой меросига берган танқидий, илмий, фалсафий-диалектик баҳоқларига асосланиб баён этади.

Китобнинг биринчи боби афғонларнинг машҳур инқилобий классик шоири Хушхолхон Хатак ва унинг адабий-илмий, ижтимоий фаолиятига бағишланади. Бу бобда муаллиф афғонларнинг маданият тарихида улкан адабий мактабга асос солган машҳур паштузабон шоир ва мутафаккир Хушхолхон, унинг ватанпарварлик, инсонпарварлик, этик ва эстетик қарашлари тўғрисида фикр юритади.

Асарнинг иккинчи боби Хушхолхон адабий мактабининг йирик вакили, Хушхолхоннинг тўнғич ўғли, машҳур классик шоир Ашрафхон Ҳижрий ҳаёти ва фаолиятига бағишланади. Муаллиф Ашрафхон Ҳижрийнинг ватанпарварлик, инсонпарварлик, ишқий ва ахлоқий фикрлари таҳлилига алоҳида тўхталади.

Асарнинг учинчи боби Хушхолхон адабий мактабининг яна бир улкан намояндаси Афзалхон Хатак ҳаёти ва ижодига бағишланади. Бу бобда муаллиф ҳали шу пайтгача дунёдаги кенг илмий-адабий жамоатчиликка маълум бўлмаган «Тарихи мурассаъ» асари ҳақида фикрлайди. Бу асарнинг Лондонда сақланаётган қўлёзма нусхаси микрофильми ва Пешоварда чоп бўлган нусхалари асосида муаллиф бу асарни чуқур ўрганиб, унинг Ҳиндистон, Бангладеш, Покистон, Афғонистон ва Совет Ўрта Осиёси халқлари тарихини, фалсафасини, фольклорини, адабиётини, умуман маданият тарихини ўрганишда ҳали дунё шарқшуносларига номаълум бўлган муҳим ва қimmatбаҳо манба эканлигини асослайди.

«Курашларда тобланган шеърият» китобининг тўртинчи боби, яъни асосий қисми «Савр инқилоби куйчиси» деб аталади ва у бутунлай Хушхолхон Хатак адабий мактабининг ҳозирги замондаги намояндаси, машҳур инқилобий шоир Ажмалхон Ха-


так ҳаёти ва ижодига бағишланади. Ажмалхоннинг бой ва ранг-баранг шеърий, насрий ва илмий ижоди Субаи Сарҳад (Покистон), АДР ва СССРдаги шарқшунос-афғоншунос мутахассислар томонидан қандай ўрганилаётганлиги борасида маълумот беради. Унинг 1958 йилда Пешоварда чоп этилган машҳур «Дъ ғайрат чиға» («Ғайрат овози») шеърий тўплами таҳлил этилади. Шунингдек, Ажмалхоннинг ҳозирги замондаги ижодий ва ижтимоий фаолияти, унинг «Шоир ва жанг» дostonи устида ҳам фикр юритади.

Лекин Ориф Усмоновнинг мазкур китоби айрим камчиликлардан ҳам холи эмас. Гарчи муаллиф Хушхолхон Хатак адабий мактаби атрофида тахминан 20 йилдан бери тадқиқот олиб бораётган бўлса ҳам, китобда ўша бой ва ранг-баранг адабий мактабнинг бошқа вакиллари ҳақида негадир тўхталиб ўтмаган.

Лекин юқорида кўрсатилган айрим нуқсон ва камчиликларга қарамай, шарқшунос Ориф Усмоновнинг мазкур тадқиқоти афғоншунослик-шарқшунослик фанида маълум даражада олға ташланган қадам, деб ҳисоблаймиз. Шу кунларда Субаи Сарҳад (Покистон)даги мард, истиқлолсевар, жасур паштун қабилалари Савр инқилоби ютуқларини ҳимоя қилиб, Зиёвул Ҳақ ҳарбий режимига қарши, АҚШ империализмига қарши курашларини бағоят авж олдириб турган шу кеча-кундузларда паштун халқининг адабиётини ва маданиятини тарғиб қилиш жуда катта маданий, идеологик ва сиёсий аҳамиятга эга.

Бинобарин, хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ориф Усмонов рисоласи ҳозиржавобли билан ўз вақтида нашр этилган китобдир.

Файзулла АЙМОҚ,
афғон адабиётшуноси



Ўйларсеча: — Опа, расмим журналда чиқадиган бўлди, телевизорда ҳам кўрсатишса керак...

В. Мосин фотоси

¹ Ориф Усмонов. Курашларда тобланган шеърият. Тошкент. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1986 йил.

ЧЕМПИОНГА МУКОФОТ


Халқаро ҳаваскорлик кураши федерацияси «Жаҳоннинг энг яхши курашчиси» учун деб аталаган янги мукофот таъсис этди. Совет спортчиси, ҳамюртимиз, уч марта жаҳон чемпиони Арсен Фадзаев шу мукофотга яқдиллик билан муносиб кўрилди.

Полвонимиз 1983 йилдан буён бирор учрашувда ҳам енгилмади, бунинг устига, имкондаги баллардан биронтасини бой бермади.

Арсенни кураш майдонида эмас, кўча-кўйда учратиб қолган киши уни «чемпионларнинг кушандаси» деб ўйламайди: камтарин, келишган, бақувват бу йигит ҳамиша самимий кулиб туради.

Болаларга қандай муносабатда бўлишига қараб, одамнинг кимлигини билиб олиш мумкин. Арсен машқ қиладиган «Меҳнат резервлари» спорт зали доим ёш курашчилар билан гавжум бўлади. Фадзаев улар билан «курашиб» кўришга, маслаҳат беришга, руҳлантиришга вақт топади. Бу машҳур полвон кураш пайти рақибини «қўрқитмайди». Жаҳон кураш майдонларида рақибининг «ўтакасини ёриб», кейин йиқитмоқчи бўлганлар ҳам учрайди. Бир гал, Арсеннинг курашдаги асосий рақобатчиларидан бири — америкалик Андре Метцгер унга руҳий тазийқ ўтказишга уринди. Унинг юзига қараганда, ҳозир қиладиган ҳаракатини билиб олиш мумкин эди; унинг кўзлари, косасидан ирғиб чиққудек бўлиб, даҳшатли боқар, қичқириқлари қўрқув солгудек қаттиқ янграр, шундан сўнг у хужумга ўтар эди... Лекин Фадзаев америкаликнинг қилиқлари таъсирга тушиб қолмади, ҳар доим мудофаага ва ҳамлага шай бўлиб турди.

Дунёдаги жуда кўп полвонлар «Фадзаев сирини» ечишга интиладилар. Москвада Яхши ният ўйинларида Арсен билан беллашиши керак бўлган таниқли болгар курашчиси Ангел Сираков ҳам унинг «сирини» очишга интиди. Аммо бари бир у ҳам Фадзаевнинг заиф жойини топа олмади. Тошкентлик полвон Ангел Сираковни бор-йўғи 52 секундда мағлуб этди, юксак



даражадаги халқаро кураш тарихида бундай қисқа учрашув бошқа бўлмаса керак: 52 секунд, 12 балл, соф ғалаба!

А. Фадзаев маҳоратини баҳолаш учун кураш билимдони бўлиш шарт эмас. Арсен туғма курашчи: гилам устида енгил, гўзал, санъаткорона ишлайди. Унинг чиқишларини томоша қилиб ўтириб, беихтиёр кўнглингда туғилаётган ажиб куйни илғайсан — бу полвоннинг олишувлари ниҳоятда туйғун ва уйғун ҳолда кечади.

Туйғун, уйғун, равон... Бундай камолот замирини доимий меҳнат, ҳар кунлик машаққатли машқлар, зўр ирода кучи, ички интизом ташкил этади.

Бежиз эмаски, мураббийси Казбек Дедекаев бўлажак полвонни ўсмирлигидаёқ — бундан 10 йил аввал кўрган, уни шогирд қилиб олишни жуда истаган эди. Шундай бўлди ҳам. Мураббий-

нинг муддаоси рўёбга чиқди, шогирд ишончини оқлади.

«Машқ қийин бўлса, жанг енгил кўчади». Бу аскарний қондани Арсен ўзи учун муқаддас деб билади.

Югуриш, тоққа чиқиш, кураш... Ҳар куни шундай...

А. Фадзаев Тошкент Жисмоний тарбия институтини тугаллади. У ҳали ёш — эндигина йигирма тўрт баҳорни кўрди. Олдинда қанчадан-қанча олишувлар, кўпдан-кўп муваффақиятлар кутиб турибди. Балки хафагарчиликлар ҳам рўй берар, спорт — спортда... Бироқ умид қиламизки, полвон Арсен Фадзаев ўз мухлисларига зўр хурсандчиликлар бахш эта олади, мураббийлик ишига ўтганидан кейин эса, кўпгина курашчиларни тарбиялайди... Унинг юзидаги самимий кулгу шундан далолат бериб туради.

Камбар НИШОНОВ

МУЛЗАМ

Бўлган воқеа

Боймат ака барваста, шопмўйлов киши, у ҳар доим яқтак кийиб, кўкрагини очиб юради. Ҳозир маҳалла чойхонасида самоварчи.

Чойхоначилик унга ота касб. Боймат болалигида отасининг қаватида туриб, чойхўрларга чой таширди. Қўллари бақувват тортгач, самовар жўмрагини ўзи бурайдиган бўлди. Ўрта мактабни битиришга ҳам сабри чидамай, пул топиш йўлига ўтиб олди. Отаси трест катталари билан келишиб, уни бозор ичидаги бир чойхонага жойлаб қўйди. Илгари қизикчилар, аскиячилар, созандаю хонандалар унинг чойхонасини обод қилишарди. Ҳар куни ўнта қозон қайнаб турарди. Узоқ-яқиндан келган кишилар шу чойхонада ҳордиқ чиқарарди. Отарчи «санъатчи»ларни ҳам тўйга Боймат самоварчининг чойхонасидан олиб кетишар эди. Бунга гайирлиги келган бошқа чойхоначилар трестга унинг устидан шикоят ҳам қилишди. Фойдаси бўлмади.

Чойхона икки ой таъмир қилинди. Шу вақт ичида чойхўрлар бошқа чойхонага ўрганиб қолишди. Боймат чойхоначи ҳар қанча уринмасин барибир илгариги чойхўрлар қайтиб келишмади. Шундан кейин у чойхонадан кўнгли совиғач, кун ўтса бас қабилда иш тутди. Чойнақларнинг бутуни йўқ. Бирининг лаби учган, бирининг жўмраги синиқ, бурнига туноқа қопланган. Айниқса, тушки пайт чойнак-пиёла етишмайди. Шикоят қилувчиларга: «Чойнақлар синган, чегачига бериб юборганман», деб баҳона қилади. Чойхона чойнақлари пучуқ бўлгани учун чойхўрлар самоварчини Боймат пучуқ деб атайдиган бўлишди.

Устидан устма-уст шикоят тушавергач, чойхонага комиссия келди.

— Боймат ака, яқинда сизга берилган чойнак-пиёлалар қани, биронтаси кўринмайди-ку, наҳотки, қисқа вақт ичида ҳаммаси синиб битган бўлса? — деди текширувчилардан бири.

Самоварчи гуноҳ қилиб қўйган ёш боладек бошини ҳам қилиб турарди.

Гапга бухгалтер қўшилди: — Боймат ака, нега жавоб бермайсиз? Чойнак-пиёлаларга нима бўлган?

— Ҳаммаси бордек эди, билмадим, баъзиларини чегачига бериб юборганман, сиз хавотирланмасангиз ҳам бўлади. Ҳаммасининг ўрни бор, — деди Боймат ака.

Шу пайт самоварчининг кичик ўғли югуриб келиб, атрофдагиларга бир қараб олди-да:

— Ассалому алайкум, — деб одоб билан салом берди. — Кечирасизлар, дадамларга икки оғиз



Тилла ниқоб

Келгуси йилнинг баҳорида Японияда «Инак йўли»

халқаро кўрғазмаси очилди. Унинг экспозицияларида Қирғизистон Тарих музейининг қимматбаҳо фондидан намуналар ҳам ўрин олади.

Инак йўли бир қанча империя ва давлатларнинг территорияларидан ўтган. Авикроги, тарихий йўл тизмалари Шарқни Ғарб билан боғлаган. Шу йўл ҳозирги Қирғизистон ССР территориясидан ҳам ўтган. Республика музейида сақланаётган археологларнинг

кўпгина топилмалари шундан далолат беради. Япониялик мутахассис экспертчилар кўрғазма учун тўққизта нарсани таниб олдилар. Буларнинг орасида машҳур тилла ниқоб, бронзадан ясалган стол ҳамда Римда тайёрланган идишлар бор.

Халқаро музейни ташкил қилиш ташаббускорлари бўлган япониялик бир гуруҳ мутахассислар Қирғизистондан сўнг республика мида ҳам бўлдилар.



ОЛАҚАНОТ

МАСАЛ

Олақанот — бегона қуш,
Авваллари йўқ эди.
Боғбонлар ҳам бежавотир,
Боғдан кўнгли тўқ эди.
Ҳашоратхўр номи билан
Пайдо бўлди ўлкада.
Шу кунларга келиб ташвиш
Бўлиб қолди елкада.
Қий-чув қилиб эрта пишар
Гилосларни терворди.
Боғбонга шох, барги қолди,
Мевасини еворди.
Ўз уйдек ҳеч ҳайиқмай,
Епирилар токзорга,
Кўп ўч чиқди шира боғлаб,
Пишиб қолган ноқларга.
Асалдайин анжирларни
Кўрса оғзин кап очар.
Боғдан олёр шафтолининг
Пишганини еб қочар.
Ҳашоратхўр эмас энди,
Олақанот — мевахўр.
Боғбон бўлсанг, уни боққа
Қўймасликка чора кўр.
Ҳаётда ҳам учрар гоҳо

Олақанот мисоллар.
Қақшаб қолар Олақанот
Қиртишлаган ниҳоллар.

Аҳмаджон МАМАЖОНОВ

КИРОЙИ ИШ

Афанди ўша кунни бўш эди,
Айланиб бозор бориб қолди-да:
«Нархини сўраб кўрай, кел», — деди.
Тўхтади чиптакавуш олдида.
Бир пойин оёғига илдию
Ўша он кўтарилиб кетгандай,
Нақ қанот чиқаргандай бўлди у,
Боши ҳам осмонларга етгандай...
Кичрайди кўз ўнгида одамлар:
Ўрмалар улар гўё чумоли.
Қаерда ларза солган қадамлар?
Тарқади кўнглидаги гумони.
Васваса қилди уни сарсари.
Қўл силкишга етди аммо зўр ақли:
— Мен учиб кетмоқдаман кўк сари,
Хайр энди, ерда қолган юрт ақли...
Харидор оёғига бир уриб,
Қайтариб олди косиб бир пойни.
Афанди юмшадию сал туриб,
Сўзланди: «Ҳа, бу ишинг кироий...»

М. ҚУШМОҚОВ



Майдам бўлмаса, қайтгани қайдан оламан.

гапим бор эди, — деб дадасига юзланди.
— Нима гап, ўғлим?
— Чойнакларга харидор келди. Аям: «Сотворайми ёки дадангнинг ўзи келадими, шуни билиб кел», деб юбордилар.
Боймат самоварчи ўғлига ўқрайиб қараб қўйди.
— Нима қилайлик, опоқим кутиб ўтириптилар. Аям тез жавобини келтир, деб тайинладилар.
— Қанақа чойнак, қанақа опоқинг, йўқол, кўзимга кўринма, маҳмадона! — деб койиб берди

Боймат ака ўғлини.
Бола ҳаммага бир-бир жавдираб қараб қўйди-да, кўзига ёш олиб, чойхонадан югурганича чиқиб кетди.
Самоварчи «уҳ, уҳ», деб ерга қараганча чурқ этмай тураверди.
— Меҳнатсиз даромаднинг янги усулини топибдилар-да-а, Боймат ака, — деди киноя билан комиссия аъзоларидан бири. — Эртага трестга боринг.
Боймат ака бурнини қашлаб, бош ирғади.

Анвар САИДУМАРОВ

Космос асрида яшаётганимиз учун менинг уйланишим ҳам яшин тезлигида бўлиб ўтди. Келинг, вақтингизни олмай, бўлган воқеани «келдим, кўрдим, ғалаба қозондим» қабилида айтиб бера қолай.

Метро эскалаторида пастга ташаётиб, иккинчи эскалаторда юқори кўтарилаётган қизни кўриб қолдим. Айна дилимдаги қиз: қора қош, хумор кўз, бир тутам бел... Тезлиги оширилган пластинкадай сайраб кетдим:
— Танишайлик, яхши қиз?
— Марҳамат, — деди қиз.
— Отим Войхўроз, фамилиям Чаққонбоев.
— Меники Зеби, — деди қиз.
— Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг архитектура факультетини имтиёзли диплом билан тугатганман.
— Маълумотим ўрта, — деди қиз.
— Бир минг тўққиз юз эллик тўққизинчи йилда туғилганман.

— Ешим ўн саккизда — деди қиз.
— Сизни севиб қолдим, — дедим мен.
— Мен ҳам, — деди қиз.
— Кинога тушасизми?
— Индийскийга, — деди қиз.
— Қаерда ишлайсиз?
— Почтада.
— Ким бўлиб?
— Телеграфисткаман.
— Менга тегасизми?
— Ҳа.
— Кўришгунча хайр.
— Икки сўму ўттиз тийинлик гапирдингиз, хайр, — деди қиз.
...Ҳикояни. Ҳозир. Тугатаман. Зебиҳонга уйландим. Бахтлиман. Аммо битта лекини бор: уйда ортиқча гапириб юборсам, Зебиҳон: «Бас, вақтингиз тугади!» деб, оғзимга кулф уриб қўяди. Ҳа, нима қилса ҳам телеграфисткаликка боради-да. Тамом. Нуқта!

А. ИСОМИДИНОВ

ЛАТИФАЛАР

Бир йиғилишда ЖЭК бошлиғи: «Бу йил сансалорчиликни ташлаймиз, ремонт ишларини муддатидан илгари бошлаймиз!» деб чиранаётган эди, Афандининг қўшниси унинг гапини бўлди:
— Иним, мабодо илгари шар пуфлаб сотмаганмисиз?
ЖЭК бошлиғи учун Афанди жавоб берди:
— Лунжини шишириб, кучанишига қараганда, карнайчи бўлганга ўхшайди!

туфлаб. Деҳқон ўзини оқламоқчи бўлди:
— Қип-қизил чиққан тарвузни ерга урманг, отахон.
— Тарвуз сенинг қилмишингдан уялиб қизараяпти, — деб жавоб берди Афанди.

Афанди бозорда қучоққа сигмайдиغان тарвуз харид қилди-да, деҳқоннинг кўз олдида сўйиб, еб кўрди.
— Селитра конини топганмисан, ноинсоф? — деди Афанди

Ресторан директори Мойлибоев хасталаниб қолди-да, касалини катта профессорга кўрсатиш учун Москвага отланди.
— Ҳайронман, — деб ажабланди Афандининг қўшниси. — Мойлибоевнинг ўғли врач-ку, нега унга кўрсатмайди ўзини?
— Ўғлининг қайси йўл билан врач бўлганини билади, унга ишонмайди, — кулди Афанди.

«Дадам: «Муқимий» — театрнинг номи дейди, мен: «Шоирнинг номи» дедим. Қайси биримизнинг гапимиз тўғри?»
(5-синф ўқувчисининг редакцияга ёзган хатидан)



«Кайф билан машина ҳайдаб, авария қилдим, машинанинг гилдираги, менинг оёғим синди. Машина гилдирагини тузатдим, ўзим эса чўлоқ бўлиб қолдим. Аттанг, одамнинг эҳтиёт қисми йўқ-да!»

(Шўх йигитнинг афсуси)

«Менинг сартарошхонада қилган башоратим, қимматли гапларим эфирга радиосиз яшин тезлигида тарқаб кетади».

(Сартарошхонадаги суҳбатдан)

«Қайтар дунё экан-да: йигитлик пайтларимда болаларимга алимент тўлар эдим, қариганимда улар менга алимент тўлашяпти».

(«Закунчи» отанинг гапи)



— Теша тегмаганидан айтиб берардиму ёнимда биттаси қадалиб турибди-да?!

Ш. Абдуллаев чизган расмлар.



ЖУРНАЛИ ОБУНАЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА



Қадри дўстлар!

1988 йил учун «Гулистон» журнаliga обуна бўлиш мавриди келди. Келгуси йилда сеvimли журналингиз саҳифаларида қайта қуриш ва жадаллаштириш жараёни, фан-техника тараққиёти тезлашган, ижтимоий адолат турмушимизда ўз қонуний ўрнини эгаллаётган даврнинг долзарб масалаларига, табиатни муҳофаза қилиш, Орол денгизини қутқариб қолиш вазифаларига бағишланган бадий ва публицистик асарлар кенг ёритилади. Маданий ва адабий ҳаёт янгилликларига алоҳида эътибор берилади. Дидингизга маъқул ва манзур фотосуратлар эълон қилинади. Обуна чекланмаган миқдорда қабул этилади. Журналнинг йиллик обуна баҳоси — 4 сўм 20 тиини.

МУҚОВАДА:

Биринчи бет: Улуг Ватан уруши ветеранлари Раҳмон Худойбергенов, Константин Иванович Лепилин пионерлар даврасида. (Шу сондаги «Ватан унутмайди» сарлавҳали мақолага қаранг).

В. Мосин, В. Жирнов фотоси


СССР халқ ўқитувчиси Мамажон Абдурасулов, Уйчи районидаги 38-мактаб ўқитувчиси Мақсуда Ҳотамова, Самарқанд шаҳридаги 69-мактаб ўқитувчиси Иброҳим Жонтоев республика ўқитувчилар съездида учрашиб, халқ маорифи олдида турган вазифалар тўғрисида суҳбатлашдилар.

В. Мосин фотоси

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Бу сондаги айрим материалларни тайёрлашда «Правда», «Известия» газеталари ҳамда «Здоровье» журналдан фойдаланилди.



«ЎЗБЕКИСТОН ТАБИАТИ» ЦИКЛОКРОССВОРДИ

1. Эрта баҳорда очиладиган кўп йиллик гул. 2. Ўзбекистондаги водийлардан бири. 3. Шиладор, серуруг ҳўл мева. 4. Ғалла экини тури. 5. Чўл ва саҳроларда яшовчи, жуда тез ҳаракатланадиган жонивор. 6. Халқ табиатида қадимдан қўлланилиб келинган шифобахш гиёҳ. 7. Ўзбекистонда боқиладиган маҳсулдор қўй зоти. 8. Қарғалар оиласига мансуб, тунда актив ҳаёт кечирувчи парранда. 9. Чучук сувларда яшайдиган йиртқич балиқ. 10. Урик нави. 11. Хушбўй манзарали ўсимлик. 12. Республикамиз тоғликлариди тарқалган ноёб ҳайвон, ёввойи қўй. 13. Таомни хушбўй ва хушхўр қилувчи ўсимликлар. 14. Сурхондарё областидаги ўзлаштирилган чўл. 15. Кечпишар, тоғ қуруқ меваси. 16. Ўзбекистон жанубидаги тоғ. 17. Ўсимликлар дунёси. 18. Ўзбекистоннинг асосий ер майдони жойлашган пасттекиелик. 19. Йирик сув омборларидан бири. 20. Баланд тоғликларда яшовчи мушуксимон йиртқич. 21. Фарғона водийсидаги дарё. 22. Газ конларидан бири. 23. Ҳисор тоғ тизмаларининг жануби-ғарбида жойлашган йирик кўмир кони. 24. Ўзбекистон ва Тожикистон оралиғидаги тоғ тизмалари. 25. Республикамиздаги ўтроқ қуш. 26. Тошкент областидаги дарё, Чирчиқ ирмоғи. 27. Вўстонлик районидаги санаторий. 28. Республикамида етиштириладиган чорвачилик маҳсулоти, мўйна. 29. Йирик баргли, оқ гулли сув ўсимлиги. 30. Сирдарё ва Жиззах области территорияларидаги тоғ-ўрмон қўриқхонаси.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

6-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Энига: 5. Ленинобод. 8. Тичина (Павло). 9. Тренер. 12. Ўрмон. 13. Корея. 14. Балиқ. 17. Эстония. 18. Қодирий (Абдулла). 19. Табиёт. 21. Шеърнат. 25. Олмош. 26. Метан. 27. Анкер. 30. Лочира. 31. Танбур. 32. Дорбозлик.

Бўйига: 1. Темир. 2. Чиганоқ. 3. Портрет. 4. Гомер. 6. Кимоно. 7. Чегачи. 10. Ярославль. 11. Тимирязев. 15. Чимён. 16. Шопен. 20. Изотоп. 22. Рангун. 23. Сешанба. 24. Лактоза. 28. Шифон. 29. Андиз.

Бош редактор: МИРМУҲСИН

Редколлегия: С. АЗИМОВ, Б. АМИНОВ, Н. ИБРОҲИМОВ, М. МЎИДИНОВ, А. САИДУМАРОВ, С. ШЕРМУҲАМЕДОВ, А. ҚАЮМОВ, М. ҚЎШМОҚОВ (масъул секретарь), О. ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), К. ЯШИН.

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмахонага туширилди 19.06.87 й. Босишга руҳсат этилди 28.07.87 й. Р — 10936. Қоғоз 70×108¹/₈. Офсет усулида босилди. Фотонабор. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 172039. Вуьуртма 1252. Нашр Б-116.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.



Бригадир Одил Қўчқоров.



11-механизмлашган колонна
электр монтажчилар бригадасида

Р. Шарипов фотолари



Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини электрлаштириш қурилиши.
Бригада аъзолари — Гаффор Бобоматов, Абдураззоқ Йўлдошев,
Иброҳимжон Раҳимов.

Халқ сайлида.

Р. Нуриддинов фотоси



Хайдаркул буйларида.

В. Моисеев фотолари




ISSN 0134-2207

Баҳоси 35 тийин

Индекс 75233.

Дарёлар тўлиб экин...



Бир
Худойб
даврас
мақо.

ССС
районид
марқанд
республик
олдида ту

Редакцияга
қайтарилмайди.
Журналдан
шарт.
Бу сондаги ай
талари ҳамда «8